

**ҲАЁТНИНГ
ҚАДРИГА
ЕТМОҚ
КЕРАК**



3

**МУСТАҚИЛЛИКНИНГ
15 ЙИЛЛИГИГА**

4



**ОҚ ЙЎЛ
СИЗГА,
ОФИЦЕРЛАР!**

6

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!



ПОСТДА

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН • **Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри** • 2006 йил 1 июль, шанба • 26 (3660)-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОЙИШИ**

Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги ПФ-3641-сонли Фармони қоидаларини амалга ошириш учун зарур бўлган қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш борасидаги ишларни жадаллаштириш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида кўриб чиқиш

учун ўз вақтида топшириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан қабул

қилиниши лозим бўлган қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш бўйича 1-иловага мувофиқ ишчи гуруҳи тузилсин.

2. Ишчи гуруҳи (Б.Мустафоев):

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги

“Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги Фармони қоидаларини амалга оширишни таъминлайдиган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш жадвалини ишлаб чиқсин ва бунда 2006 йилнинг охиригача Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида муҳокама қилиш учун уларни босқичма-босқич тақдим этиш зарурлигини ҳисобга олсин;

(Давоми 2-бетда).

ВАТАННИНГ ИШОНГАН ЎҒЛОНЛАРИ

Мамлакатимизда ёш мутахассис кадрлар тайёрлашга катта эътибор берилляпти. Айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар учун офицерлар тайёрлашда ривожланган давлатлар тажрибасидан ижодий фойдаланиб, давлатчилигимизнинг қадимий ва илғор анъаналари давом эттириляётгани бу бордаги ишларда самарали натижалар берляпти.



Республикаимизда фаолият юритаётган олий таълим муассасалари орасида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Академияси, Тошкент Олий ҳарбий-техника билим юрти ҳамда Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактабларининг алоҳида ўрни бор. Бу

билим даргоҳлари Ички ишлар вазирлиги тизимига маънавий талаблар даражасида жиҳозланган ўқув хоналари, маъруза заллари, лабораториялар, кутубхоналар, спорт мажмуалари, клуб, ошхона ва ётоқхоналар курсантлар хизматида. Яқинда ИИВ Тошкент

тайёрлаш учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Замонавий талаблар даражасида жиҳозланган ўқув хоналари, маъруза заллари, лабораториялар, кутубхоналар, спорт мажмуалари, клуб, ошхона ва ётоқхоналар курсантлар хизматида. Яқинда ИИВ Тошкент

Олий ҳарбий-техника билим юрти ва Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактабида илм даргоҳларининг раҳбарияти, шахсий таркиби, курсантлари, уларнинг ота-оналари ва меҳмонлар навбатдаги ёш офицерларни кузатиш маросими бўлиб ўтди.

(Давоми 6-бетда).

**МУШТАРИЙЛАР
ДИҚҚАТИГА!**

Шу йил 4 июлда республика ИИВ Бирлашган таҳририятида соат 10.00 дан 13.00 гача

Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати: профилактика инспекторлари, милиция таянч пунктлари фаолияти, болалар жиноятчилиги муаммолари, жамоат тузилмалари билан ҳамкорлик мавзусига бағишланган бевосита мулоқот бўлиб ўтади.

Бевосита мулоқотда иштирок этиш учун Ўзбекистон Республикаси ИИВ Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш Бош бошқармаси раҳбарлари таклиф этилган.

Мулоқот учун телефон рақамлари:

132-05-51, 139-70-40, 133-61-64.

Муштарийлар ўз саволларини ёзма равишда ёки телефон орқали бевосита таҳририятга беришлари ҳам мумкин.

Манзилимиз:

700029, Тошкент шаҳри, Ю. Ражабий кўчаси, 1-уй.

Мўлжал:

метронинг «Космонавтлар» бекати.



POSTDA.TV



**МУНАЖЖИМЛАР
БАШОРАТИ**
Келгуси ҳафта учун

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОЙИШИ

Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ушбу бандда кўрсатилган Жадвални ишлаб чиқиш чоғида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 19 августдаги Р-2310-сонли Фармойиши билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги Фармонини амалга ошириш мақсадида қабул қилини-

ши, ўзгартирилиши ва қўшимчалар киритилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати”ни асос қилиб олсин;

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ўлим жазосини жиноий жазолар тизимидан чиқариб ташлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни тайёрлаш чоғида “умрбод қамоқ жазоси” ва “узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш” каби

янгидан жорий этиладиган жазо турлари тушунчаси, шунингдек бундай жазо турлари учун тайинланиши назарда тутилмаган жиноятлар таркиби (моддалар рўйхати) аниқ ишлаб чиқилишига алоҳида эътибор қаратсин;

мазкур Фармойишда кўрсатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича вазирликлар ва идораларнинг фаолияти самарали мувофиқлаштирилишини, ушбу қонун ҳужжатлари-

нинг лойиҳаларини тайёрлаш борасидаги ишга маъналик мутахассислар, шунингдек мамлакатимиздаги тадқиқот ҳамда таълим муассасаларининг етакчи эксперт ва олимлари жалб этилишини таъминласин;

ушбу Фармойишда кўрсатилган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш Жад-

валининг бажарилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти дивонига ҳар чоракда маълумот бериб борсин.

3. Мазкур Фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик Кенгашининг Котиби М. Атаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 29 июнь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойишига ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги ПФ-3641-сонли Фармони қоидаларини амалга ошириш борасида мамлакат ҳукумати, адлия, ички ишлар вазирликлари, Олий суд, Бош прокуратура ҳамда бошқа вазирликлар ҳамда идоралар, тадқиқот ва таълилий муассасалар томонидан каттагина ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноий жазони ва суд ҳуқуқ тизимини либераллаштириш соҳасида қонунларни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2005 йил 19 августдаги фармойиши билан ўлим жазоси бекор қилиниши ҳамда унинг умрбод қамоқ жазоси ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш каби жазо турига алмаштирилиши муносабати билан қабул қилиниши, ўзгартирилиши ва қўшимчалар киритилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати тасдиқланган. Шу билан бир қаторда янгидан жорий этиладиган жазо турлари ижро этилишини таъминлаш механизмлари пийшиштирилмоқда; янги жи-

ноят, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларига мувофиқ одил судловни ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти рўёбга чиқариш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини, судьяларни тайёрлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилмоқда ва амалга оширилмоқда.

Мана шу ишларнинг барчасига юзлаб мутахассислар — нафақат юристлар балки иқтисодчилар, журналистлар, турли идораларнинг, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг экспертлари, олимлар, кенг жамоатчилик, жумладан маҳаллаларнинг вакиллари ҳам жалб этилган.

Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги фармон қоидаларини муҳокама этишга 238 телекўрсатув, 463 радиоэшиттириш, 270 дан кўпроқ газета ва журнал мақолалари бағишланди; 23 та илмий-амалий конференция, 148 семинар, 265 давра суҳбати ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонун-

лар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги шу йил 29 июнда қабул қилинган Фармойишининг асосий вазифаси ўлим жазосини жиноий жазолар тизимидан чиқариб ташлаш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш борасидаги ишларни жадаллаштиришдан, уни амалга оширишнинг яқунловчи босқичида ташкилий ишларни кучайтиришдан иборатдир.

Бу ерда нима назарда тутилмоқда?

Биринчи. Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан тайёрланаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини маромига етказиш давомида турли касбларга, ижтимоий қатламларга мансуб минглаб одамлар шу хусусда билдирган кўпдан-кўп фикр-мулоҳазаларни, шунингдек ушбу масала бўйича жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан киритилган таклифларни умумлаштириш ва эътиборга олиш.

Иккинчи. Ушбу мавзуда ўтказилган семинарлар, конференциялар, давра

суҳбатларининг натижалари ва тавсияларини умумлаштириш ҳамда улардан ўлим жазоси бекор қилиниши ва у умрбод қамоқ жазосига ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этишга алмаштирилиши муносабати билан республиканинг жиноят тўғрисидаги қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича ишда фойдаланиш.

Учинчи. Чет мамлакатларнинг таниқли ҳуқуқшунослари, сиёсатчилари, журналистлари, турли халқаро ташкилотлар ва тузилмаларнинг экспертлари томонидан бу борада билдирган кўпдан-кўп фикр-мулоҳазаларни инобатга олиш.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур фармойишига мувофиқ тузилаётган ишчи гуруҳининг энг муҳим вазифаси мана шу барча материалларни умумлаштириш ва тизимлаштиришдан ҳамда уларнинг негизида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги фармон қоидаларининг амалга оширилишини таъминлайдиган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлаш жадвалини ишлаб чиқишдан ҳамда мазкур

ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига тақдим этишдан иборатдир.

Фармойиш ўз вақтида қабул қилинганлиги равшан. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги Фармони ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги масалани кун тартибига қўйган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 19 августдаги Фармойиши ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши лозим бўлган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни белгилаб берган бўлса, Олий Мажлис ушбу масалалар бўйича тегишли қонунларни қабул қилиши учун мазкур ҳужжатлар қабул қилингандан кейин ўтган даврда кўтарилган муаммоларни, қонун ижодкорлигининг янги соҳалари ҳамда йўналишларини умумлаштириш ва ҳисобга олиш зарур.

Аҳоли, жамоатчилик, эксперт ва мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари кенг миқёсда инобатга олинишини назарда тутувчи фақат шундай демократик ёндашувгина Ўзбекистонда ўлим жазосини бекор қилиш билан боғлиқ қонунларни қабул қилиш борасидаги чуқур ўйланган, пухта ва изчил ишларни таъминлаши мумкин.

ҲАЁТНИНГ ҚАДРИГА ЕТМОҚ КЕРАК

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Демократик жараённинг узвий қисми бўлган ва жамиятимизни тубдан янгилаш, модернизациялаш шароитида жинойат жазоларнинг либераллаштирилиши, босқичма-босқич ўлим жазоси қўллашнинг бекор қилиш асосларини яратиш, пировардида 2008 йил 1 январдан эътиборан ўлим жазоси қўллашнинг жинойат сифатида батамом бекор қилиниши катта аҳамиятга эга эканлиги кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилмоқда. Бу ҳақда Қашқадарё вилояти ИИБ бошлиғи ўринбосари, полковник Содиқ Исмолов мухбиримизга куйидагиларни гапириб берди:

— Инсон — илоҳий хилқат, табиат ва жамият гултожи. Инсонни улуглаш, унинг қадр-қимматини, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш лозим. Демократик жараёнларнинг пировард мақсади ҳам шундан иборат. Жамиятнинг барча ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий ва ҳуқуқий тамойиллари ҳам шу мақсадга йўналтирилади.


Дунё давлатларидаги илғор тажрибалар, халқимизнинг узоқ йиллик қадриятлари, жинойат жазолар ҳамда уларнинг қўлланилишига ҳам жиддий ўзгаришлар киритишни тақозо этади.

Халқимизга хос бағрикенглик, инсонпарварлик, айниқса, кечиримлилик тамойилларини алоҳида таъкидлаш керак. Жиноятга

кўл урган, бирор кишининг қадр-қимматини топтаган, унга озор берган, тан жароҳати етказган чоғда ҳам маҳалла, оқсоқоллар, фаоллар қараб туришмайди. Етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаш учун томонларни мурасага келтиришади, яраштиришади. Шу аснода жабранувчи ҳам, айбланувчи ҳам ярашганлигини, соғлом муҳит юзага келганлигини инobatта олиб қонун ҳам мурасага келади. Яъни жинойат иш тўхтатилади. Жазонинг мақсади ҳам жабранувчи манфаатлари, истаклари билан боғланган эди. Жабранувчи кечирди, айбланувчи қилмишидан пушаймон бўлди, улар мурасага келдилар, қонун мақсади ҳам шу

эди-да! Демак, ортиқча жазога ҳожат йўқ.

Президентимиз давлатимиз мустақиллик йилларида қатор афвномалар бердилар. Бундай катта ҳуқуқий ҳужжатлар замирида чинакам инсонпарварлик, кечиримлилик, инсон ва унинг ҳаётига ғамхўрлик, оила ва болалар тақдирига эътибор ётибди. Амнистиялар шарофати билан минглаб билиб-билмай жиноят кўчасига кирган фуқаролар ҳаётда тўғри йўл топиб олдилар, оилалари бағрига қайтдилар. Жазоларнинг либераллаштирилиши, айниқса иқтисодий соҳадаги жиноятларга бериладиган жазоларнинг қўлланилиши тубдан ўзгарганлиги, оғир турдаги жиноятларга бериладиган жазоларнинг ҳам енгиллаштирилиши,



натижада босқичма-босқич жинойат жазо сифатида ўлим жазосининг бекор қилиниши халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва демократик жараёнларга мосдир.

Инсонни Аллоҳ яратган ва унинг жонини олмоқ ҳам фақатгина Яратганнинг ихтиёридир, деб бекорга айтишмайди. Ана шундай исломий ақида, халқимизнинг ўзига хос дунёқарashi, юксак қадрияти Фармон моҳиятини ташкил этади. Бугунги кунда атиги икки ҳолатда: айбни оғирлаштирадиган ҳолатда одам ўлдирishi ва терроризм жиноятларини содир этганлик учун қонунда шундай жазо сақланган. 2008 йил 1 январдан эса жинойат жазо тури сифатида мамлақати-

мизда ўлим жазоси бекор қилинади.

Айримлар бу ислохотлар моҳиятини чуқур англаб етишмаяпти. Гўёки жазоларнинг либераллаштирилиши жиноятчиликнинг ошиб кетишига, беқарорликнинг келиб чиқишига сабаб бўлармиш. Бу мутлақо асоссиз фикр. Давлатимиз сиёсати инсон манфаатларига хизмат қилди. Вазифамиз жазолаш, қамаш эмас, балки тарбиялаш, адашганга тўғри йўл кўрсатишдир.

Ўлим — энг оғир жазо. Бу жазо қўлланилганда маҳкум қилмиши моҳиятини англамайди, унда пушаймонлик бўлмайди. Ҳаттоки ўлим ваҳимасини ҳис этолмай қолади. Узоқ муддатли ёки умрбод қамоқ жазоси эса унинг

қилмишидан ҳар куни минг марта пушаймон қилади. Ахир, у одам ўлдирган, жамият ва фуқаролар олдида, Аллоҳ олдида юзи қора, гуноҳқор. Ундан ҳамма нафратланади. Фақатгина яшаш ҳуқуқи берилиб, умри сақлаб қолинади.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизими ислохотларининг энг юқори поғоналаридан бири бўлган жинойат жазо тури сифатида ўлим жазосининг бекор қилиниши ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги дадил қадам, мамлакатимиз бу борада дунёдаги ривожланган давлатлар қаторидан жой олаётганини нишонасидир.

Сафарали ОМОНТУРДИЕВ
ёзиб олди.

ҚАДРИЯТ

ИЗЗАТ-ИКРОМ БИЛАН КУЗАТИЛДИ

Ҳаётини эл-юрт тинчлигини таъминлашга бағишлаган инсонлар ҳеч қачон кам бўлмаган. Уларни халқимиз доимо ҳурматлаб келган. Ана шундай инсонларни вақти келганда тантанали равишда фахрийликка кузатиш ҳаммаслар учун фарздор. Бу ажойиб анъана Хўжаобод тумани ички ишлар бўлимида алақачон шаклланиб улгурган.

Яқинда кўп йиллар давомида туман ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлинмасида хизмат қилган капитан Илҳомжон Кўйчиев, катта сер-

Туман марказидаги «Нуроний» оталар чойхонасида бўлиб ўтган мазкур тадбирда туман ИИБ раҳбарияти ходимлари ҳамда узоқ йил-

жантлар Одилжон Жўраев, Усмонжон Камолов, Дилмурод Раззоқов, Қудрат Бекмирзаев, Ҳайитбой Йўлдошев ва Ақромжон Оқйўлтоевларни фахрийликка кузатиш маросими бўлиб ўтди.

лар ички ишлар тизимларида хизмат қилиб, бугунги кунда кексалик гаштини сураётган фахрийлар иштирок этишди. Туман ИИБ бошлиғи, подполковник Тўхтасин Қосимов фахрийликка кузатилаётган ходимларни эл-юрт тинчлиги йўлида қилган хизматларини юқори баҳолаб, уларга бўлим раҳбарияти ва шахсий таркиби номидан чуқур миннатдорчилик билдирди ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғаларини топширди.

Туман маданият уйи санъаткорлари ижросидаги куй ва кўшиқлар тадбирга янада файз бахш этди.

Воҳиджон НОРМАТОВ,
капитан.

ОТА-ОНАЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Яқинда Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармасининг кичик мажлислар залида ИИБ Академиясини битириб чиқаётган 24 нафар ёшларнинг ота-оналари билан учрашув бўлиб ўтди. Уни вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари, полковник Юсуф Тошбоев қисқача кириш сўзи билан очди.

Йиғилишда Академиянинг «Оператив қидирув» кафедраси бошлиғи, юридик фанлари номзоди, полковник Бахтиёр Зокиров сўзга чиқиб, олий ўқув юртида таълим олаётган тингловчилар келгусида юртимиз равишда йўлида садқат билан хизмат қилаётганини, бунинг учун улар ҳар томонлама етук, жисмонан бақувват, соғлом, зийрак, пухта билим эгаси бўлишлари лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Академиянинг «Конституциявий ҳуқуқ» ка-

федраси катта ўқитувчиси, майор М. Тургунов мутахассисликни эгаллаб вилоятга хизматга келётган ёшларнинг ички ишлар тизимида муносиб ўринларини топиб кетишлари ва тажрибали ходимлар қаторидан ўрин олишларига тилак билдирди.

Йиғилишда ота-оналар номидан сўзга чиққан Боёв туманидаги «1-Боёв» фермерлар уюшмаси раиси Ф. Алиев, Янгиер шаҳридаги қурилиш коллежи директори Х. Эгамбердиев ва бошқалар фарзандларини етук мутахассис этиб тайёрлаётган ИИБ Академияси раҳбарияти, профессор-ўқитувчилар жамоасига миннатдорчилик билдирдилар.

Назиржон ЙЎЛДОШЕВ,
сержант.

БУГУННИНГ ГАПИ

ЕРГА АЗОБ БЕРМАЙЛИК

Республикамизда галда ўрим-йиғими жадал суръатда давом этмоқда. Мавсум пайтида ҳосилни ёнғин офатидан асраб нобудгарчиликка йўл қўймаслик мақсадида жойларда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ амал қилиш, галласи ўриб олинган майдонларни ёқиб юбормаслик мақсадида дон қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш корхоналар раҳбарлари, ишчи-хизматчилари, комбайн операторлари, дон ташувчи автомобиль ва трактор ҳайдовчилари ҳамда фермерлар огоҳлантирилди.

Тушунтириш ишлари ва йўриқномалар ўтказилишига қарамай, айрим галласи ўрилган майдонларни тозалаш мақсадида ёқиб юбориш ҳоллари кузатишмоқда. Масалан, Наманган вилояти Мингбулоқ тумани Олтинкўл қишлоғидаги «Бекзод-98» фермер хўжалигида 5 гектар, Тошкент вилояти Чиноз туманидаги «Истиқбол» ва «Илҳом ота» фермерлар хўжалигида жами 9 гектар, Оққўрғон тумани «Маматқул» фермерлар уюшмаси худудидаги «Бойназаров Жасурбек» фермерлар хўжалигида 2 гектар галладан бўшаган ер майдонидаги сомон поялари ёқиб юборилган.

Баъзи фуқаролар галласи ўриб олинган майдонларга иккинчи мартаба экинлар экиш мақсадида далани галла сомон ва поялардан тозалаш учун атайлаб ўт қўйиб юборишади. Натижада юзага келган катта аланга ҳали ўриб олинмаган галла майдонларига ҳам катта хавф солади, ён атрофдаги экинларни куйиб зарарланишига олиб келади. Шу билан бирга ёниб ўчмаган ва шамол ёрдами-


да тарқалиб кетган кул зарралари майдон атрофида жойлашган яшаш уйларига ҳам катта хавф туғдиради. Бундан ташқари тупроқ унумдорлиги йўқолиб, минерал ўғитларнинг куйиб кетиши, дов-дарахтларнинг қуриб кетишига сабаб бўлади.

Албатта, бу ишларни уюштирган фуқароларга, яъни айбдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўриляпти.

Ернинг ҳам гўёки жони бор. Замин бағрида минг-минглаб фойдали микроорганизмлар яшайди. Олов таъсирида улар қуриб кетиши мумкин. Бу эса табиатга онгли равишда қирон келтириш дегани. Ерга озор берганлар ҳеч қачон жазосиз қолишмайди.

Шулардан келиб чиқиб, фуқароларимиз машаққатли меҳнатлар эвазига етиштирилган галла ва бошқа экинлар ҳосилни ёнғинда нобуд бўлишига йўл қўймаслик учун мавжуд қоидаларга риоя қилсалар ва берилган кўрсатмаларни тўлиқ бажарсалар ҳар қандай офат четлаб ўтади.

Даврон ҚАМБАРОВ,
капитан.



МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 15 ЙИЛЛИГИГА

ИСТИҚЛОЛНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ҚАДАМЛАРИ

Иқтисодий ислохотлар замирида рўй бераётган оламшумул ўзгаришлар Ватан раўнақи ва юрт ободлиги йўлида шубҳасиз мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтайди. Бу қутлуг жараёнларни Қорақалпоғистон Республикасида ҳам яққол кўриш мумкин.

Кўнғиротда Марказий Осиёда энг катта сода заводининг қурилиши, Устюрт сарҳадларидан нефть ва газ конларининг топилиши, хорижий давлатлар билан ҳамкорликда қўшма корхоналарнинг барпо этилиши, одам юрса оёғи, куш учса қаноти кудидан бепоен чўл ва қумликлар бағрида темир изларнинг ётқизилиши ва бошқа кенг қўламли ишларни мисол қилиб кўрсатса арзийди. Жумладан, ислохотлар туфайли Қорақалпоғистон ички ишлар идораларида ҳам сезиларли ва салмоқли ўзгаришлар рўй берди. Нукус шаҳар, Тўрткўл, Мўйноқ туман ички ишлар бўлимлари замонавий услубда қурилган янги биноларда иш бошладилар.

минлаш мақсадида ҳақиқий чинакам ислохотлар бошланди. Маҳалла посбонлари тузилмалари, яраштирув комиссиялари ташкил этилди. Олдимизга қўйилган вазифани тўлиқ, мукамал бажариш учун республикада икки юздан ортиқ милиция таянч пунктлари қурилди. Профилактика инспекторларининг хизмат шароитини яхшилаш мақсадида давлат ва ҳомийлар томонидан компьютер ва алоқа воситалари ажратилди.



Ўтказилаётган бундай истиқболли ислохотлар, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Бунга соҳа ходимларининг хизмат самардорлигини оширишга қаратилган, мамлакатимиз миқёсида ўтказилган кўриктанловда, «Аҳоли ўртасида катта обрў-эътибор қозонган энг фаол профилактика инспектори» номинацияси бўйича Мўйноқ туман ИИБ профилактика инспектори, катта лейтенант К. Ундалиев ва «Энг фаол маҳалла посбони» номинацияси бўйича мазкур туманнинг «Ҳаким ота» маҳалласи посбони У. Тубуловнинг ғолиб бўлиши яққол мисол бўла олади.

Ҳукуматимиз томонидан овул ва маҳаллалар фаолиятини яхшилаш, шулар негизда эски кадрларимизни шакллантириш, меҳр-оқибатни кучайтириш, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни таъминлаш мақсадида ҳақиқий чинакам ислохотлар бошланди. Маҳалла посбонлари тузилмалари, яраштирув комиссиялари ташкил этилди. Олдимизга қўйилган вазифани тўлиқ, мукамал бажариш учун республикада икки юздан ортиқ милиция таянч пунктлари қурилди. Профилактика инспекторларининг хизмат шароитини яхшилаш мақсадида давлат ва ҳомийлар томонидан компьютер ва алоқа воситалари ажратилди.

Пойтахт чеккасидаги сўлим гўшада санаторий фойдаланишга топширилди. Бу эса ходимларимизнинг узоқларга бориб даволанишларига ҳожат қолдирмади. Замонавий

тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган, даволаниш, ҳордиқ олиш учун етарли шарт-шароитга эга бўлган бу маскан ходимларимиз ва ҳурматли фахрийларимизга жуда манзур бўлмоқда.

Ўтган йиллардаги яна битта ютуғимиз вазирилик ўз наشريга эга бўлди. Бугунги кунда «Тўғрилиқ сақшыси» газетаси ўз муштарийларига етиб борди. Ички ишлар идораларида олиб борилаётган ислохотлар, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган

чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотлар, тезкор хабарлар энг олис туманлар аҳолисини хабардор этмоқда.

Ўтган ўн беш йилга назар ташласак, тарих учун қисқа, аммо буюк келажакимиз учун айтиш ва мақтанишга арзийдиган улкан ишлар қилинганини кўрамиз. Буюк неъмат бўлган мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва уни асраш йўлида ганимларга ғов бўлган, шу йўлда мардларча ҳалок бўлган ҳамкасбларимиз хотирасини ҳам ҳеч қачон унутмаймиз.

Истиқлолнинг истиқболли қадамлари шижоатли ва шахдамдир. Халқимиз хоҳиш-иродаси, жипслиги, ҳамкорлиги, энг асосийси, бизга бўлган юксак ишончи жонажон заминимизнинг тинчлиги, осойишталигини асрашда бизга мустаҳкам далда ва куч бўлиб қолаверди.

Роман ЖУМАБАЕВ,
Қорақалпоғистон
Республикаси Ички ишлар
вазирининг ўринбосари,
подполковник.



ДОЛЗАРЪ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ташаббуси билан «Одил судловни амалга оширишда халқ маслаҳатчилари институтини ривожлантириш» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Уни мазкур қўмита раиси Н. Исмоилов кириш сўзи билан очар экан, бугунги кунда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва либераллаштириш борасидаги амалий ишлар ҳақида тўхталди.

Шундан сўнг қўмита аъзоси Т. Абдуллаевнинг «Одил судловни амалга оширишда халқ маслаҳатчилари институтини ривожлантириш», Тошкент давлат юридик институтини жиноят процесси кафедраси мудири, юридик фанлари номзоди, доцент З. Иноғомжоновнинг

каси Бош прокуратураси малака ошириш маркази вакили Ш. Бердиевнинг «Суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида прокуратура органларининг ўрни ва жиноят процессуал қонунчилигини такомиллаштириш омиллари» ҳамда Ўзбекистон адвокатлари ассоциацияси Тошкент шаҳар

«Халқ маслаҳатчилари институтининг ҳуқуқий асослари», Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг судьяси Д. Тожибоевнинг «Халқ маслаҳатчиларининг судда иштироки - суд мустақиллигининг кафолати», Ўзбекистон Республикаси

бўлими раиси Г. Ишанхановнинг «Халқ маслаҳатчилари институтини такомиллаштириш борасидаги айрим мулоҳазалар» каби мавзулардаги маърузалари иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди. Маърузаларда суд ишларини юритишдаги тажриба ва муаммолар, одил судловни амалга оширишда халқ маслаҳатчилари институтининг ҳуқуқий асосларини яратиш ва уни такомиллаштириш йўллари борасида атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Давра суҳбати жараёнида «Жиноят ишлари бўйича умумий юрисдикция судларининг халқ маслаҳатчилари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, таклиф ва мулоҳазаларни ўрганиш учун тегишли вазирилик ва ташкилотларга юборилганлиги алоҳида таъкидланди.

Ўз мухбиримиз.

«МУСТАҚИЛЛИК МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА»

Клара АЛЛАБЕРГАНОВА, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ахборот маркази катта инспектори, подполковник:

— Истиқлол йилларида фарзандларим камолани, бахт-иқболини кўраётганимдан беҳад мамнунман. Қизим Нодира мустақиллигимиз эълон қилинганида эндигина олти ёшга кирган эди. Ўтган ўн беш йил давомида у чинакам истиқлол фарзанди бўлиб етишди. Бунга давлатимизнинг биринчи навбатда келажак авлодга кўрсатаётган юксак ғамхўрлиги сабабдир. Бугун қизимнинг сафимизда ишлаётганидан, спортда эришаётганидан муваффақиятларидан, яъни кикбоксинг бўйича жаҳон чемпиони бўлганидан жуда хурсандман. Мунис она учун бундан ортиқ шукроналик, фахр ва ифтихор туйғуси бўлмаса керак.

Аллам ХУДОЙБЕРГАНОВ, истеъфодаги катта сержант, 82-ёшда:

— Ўттиз уч йил ички ишлар идораларида хизмат қилдим. Ҳақиқий иззат-иқром, меҳр-оқибатни фақат мустақиллигимиздан кейингина теран ҳис қилдим. Мана, ўн беш йилдирки, Тўрткўл тумани ИИБ ходимлари нафақат байрамларда балки имкон қадар уйимга тез-тез ташриф буюришиб, аҳволимдан хабар олиб туришади. Мустақиллик сиёсий ва иқтисодий инқилобдан ташқари, халқимизга хос азалий, том маънодаги ўзаро ҳурмат ва қадр-қимматни қайта шакллантирди.

Тазабой СРАШОВ, истеъфодаги подполковник:

— Ички ишлар идораларида кечган сал кам ўттиз йиллик меҳнатимнинг ярмидан кўпи истиқлол йилларига тўғри келади. Бу давр ходимлар хизматининг қадр топиши билан аввалгисидан тубдан ажралиб туради. «Жасорат» медали билан тақдирланганимда катта масъулият ҳиссини туйиш билан бирга бу эътибордан чексиз қувонганман. Мустақиллик имкониятлари халқимизга чинакам меҳнат заминини яратди. Бунда ҳар бир инсон ўз бахт-иқболини кўриши мумкин.

Нодирбек НАВРЎЗОВ, Тўрткўл тумани ИИБ ҲООБ инспектори, лейтенант:

— Менинг иш бошлаганимга энди бир йилдан ошди. Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясида олган билимларимни ҳаётга татбиқ қилишда устозлар кўмаги катта бўлмоқда. Биз истиқлол йилларида шаклланган, тобланган кадрларимиз. Мустақилликнинг ҳар бир йили биз ёшлар учун эсда қоларли бўлиб ўтапти.

Д. ХУДОЙШУКУРОВ.

«Республика аҳолиси ўртасида кўпчиликни ташкил қиладиган ўзбек миллатининг муқаддас бурчи она тилини, ўз миллий маданияти ва тарихини тиклашдангина иборат эмас, балки биргаликда ҳаёт кечирувчи кам сонли халқларнинг тақдири учун, уларнинг ўзига хос маданий-маънавий хусусиятларини сақлаб қолиш учун, камол топиши ва ўзлигини намоён этиши учун уларга тенг шароит ва имкониятлар яратиб бериш борасида масъул бўлишдан ҳам иборатдир».

Ислом КАРИМОВ.

Иккинчи жаҳон урушининг суронли йиллари. Россия, Украина ва Белоруссиянинг босиб олинаётган шаҳар ва қишлоқларидан икки юз мингдан ортиқ болалар Ўзбекистонга келтирилади. Табиатан болажон, меҳр-мурувватли халқимиз уларни ўз болалари қаторида бағриларига олдилар. Ота-онаси ўрнида меҳрибонлик кўрсатиб, миллатимизга хос улуг хислатлардан бирини намоён этдилар.

Гапни ўтган асрда миллионлаб кишиларнинг гувоҳлигида бўлган воқеалардан бошлаганимизнинг боиси шуки, дарҳақиқат, бағри кенг миллатимиз меҳмонни хушнудлик билан кутиб олади. Меҳмондўстлигимиз учун ҳам, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаро эмин-эркин ҳаёт кечиради.

Бир неча минг йиллик тарихимиз шундан далолат берадики, олижаноблик ва инсонпарварлик, миллатлараро тотувликка интилиш халқимизнинг энг юксак фазилатларидан биридир. Бу борадаги анъаналар авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Айниқса, мустақиллик йилларида бу борада катта ишлар қилинди. Юртимизнинг кўп миллатли халқи онгида «Ўзбекистон - умумий уйимиз» деган ҳақиқий ватандошлик туйғусини шакллантириш бу муҳим маслаққа айланди.

Республикаимиз ҳудудида бутунги кунда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек яшаб келмоқдалар. Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликка, Ўзбекистон ҳудудида яшаётган барча халқлар ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлашга қаратилган миллий сиёсат ишлаб чиқилди ва ҳаётга жорий этилди.

Миллий сиёсатнинг асоси ва устувор йўналишлари Ўзбекистон Конституциясида, давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисидаги Декларацияда, республикаимиз қонунлари (Фуқаролик тўғрисидаги, Давлат тили тўғрисидаги ва бошқа ҳужжатлар)да, шунингдек, Президент асарлари ва нутқларида тўла аке этган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилганидек, «Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаро-

ролари ташкил этади». Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллиги асосида ривожланади. Давлат ўз фаолиятини инсон

фаолиятини мувофиқлаштирган. Уларга ташкилий ва методик ёрдам кўрсатилмоқда. Миллатлараро муносабатларни янада такомиллаштириш, мамлакатимизда яшаётган турли миллат ва элат вакилларининг миллий-маънавий эҳтиёжларини қондириш, ҳар бир миллатга хос урф-одат ва анъаналарни сақлаб қолишда миллий маданий марказларга кўмаклашиш, бағрикенглик тамойилларини қарор топтиришга қаратилган жамоатчилик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш марказ фаолиятининг асосини ташкил этади. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, бундай тузилма атрофдаги давлатларнинг бирортасида ҳам йўқ.

сида бўлиб ўтган «Ўзбекистон - умумий уйимиз» дўстлик ва маданият фестивалининг якунловчи босқичи мамлакатимизда яшаётган турли миллат фарзандларининг аҳиллиги ва ҳамфикрлиги намойишига айланди.

Бошқа миллат ва элатлар билан тинч-тотув яшаш, уларнинг урф-одатларини хурмат қилиш, бошига мушкуллик тушганида ёрдам қўлини чўзиш ўзбек халқига хос хислатлардан биридир. Маънавиятимизнинг бир қисмини миллатлараро дўстлик, қардошлик ришталарини маҳкам боғлаб, ер юзи халқлари билан ҳар жиҳатдан алоқаларни мустаҳкамлаш учун ташаббускор

Байналмилал маданият маркази фаолиятининг яна бир йўналиши — миллатлараро муносабатлар мавзуидаги илмий тадқиқотлар, семинарлар ва давра суҳбатлари ташкил этишдир. Фан ва технологиялар маркази грантлари асосида «Жамиятни эркинлаштириш, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш жараёнида миллий истиқлол гоёсининг асосий тушунча ва тамойилларини тадқиқ этиш» ва «Мустақиллик шароитида миллатлараро тотувликни таъминлашда миллий маданий марказларнинг роли ва аҳамиятини ошириш» мавзуларида иккита лойиҳа устида илмий изланишлар олиб борилиб, юқори натижаларга эришилди.

Шу кунларда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда «Қудратимиз - бирлик ва ҳамжиҳатликда» шиори остида дўстлик фестиваллари бўлиб ўтмоқда. Мустақиллигимизнинг 15 йиллигига бағишланган бу фестиваллар юртимиз элатларининг

ЎЗБЕКИСТОН — Кўп миллатли оила

ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик тамойиллари асосида амалга оширади. Мазкур ҳужжатларда алоҳида модда билан қайд этилганидек, бизнинг республикаимизда демократия умуминсоний тамойилларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадриятлар ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

Мамлакатимизда истиқомат қиладиган ҳар бир фуқаро ўзи хоҳлаган динга эътиқод қилиши мумкин. Аҳолисининг асосий қисми Ислом динида бўлган Ўзбекистонда бошқа диндаги кишиларнинг эмин-эркин эътиқод қилишларига шароит яратилган. Мусулмон-



Байналмилал маданият маркази Ўзбекистонда яшаётган турли миллат фарзандларининг учрашув жойи, ўзига хос дўстлик уйига айланган. Мамлакатимизнинг байрамларини барча миллий-маданий марказлар билан биргаликда

бўлиш ва бу йўлда олдинги сафда бориш ташкил этади. Миллати, дини ва ирқидан қатъи назар хонадонимизга ким кириб келса, очик юз билан кутиб оламиз. Юртимизга таширф буюрганларга меҳмондўстлигимизни кўрсатамиз. Бу олижаноб хислат минг йиллардан бери қонқонимизга сингиб кетган. Бунга Буюк ипак йўлини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Ҳар қандай қарвон юртимизнинг шаҳарларида тўхтаб ўтган. Тарихий манбаларда қарвонсаройларда савдогарлар жуда яхши кутиб олиниб, уларнинг савдо қилиши, яшаши учун барча зарур шароитлар яратиб берилгани қайд этилади.

Мамлакатимизда бир юз ўттиздан ортиқ миллат вакилларининг ўз уйларида яшаётганига, аввало, халқимизнинг бағрикенглиги, шу билан бирга имон ва эътиқолда мустаҳкам эканлиги ҳам эътироф этилади. Ислом дўстлик ва биродарлик динидир. Бу динга эътиқод қиладиган юздан ортиқ миллат вакиллари ўзаро аҳил ва иноқ яшашга даъват этилади. Бошқа динга мансуб кишиларни камситиш, миллатчилик қилиш қораланади.

бирлиги ва ҳамжиҳатлиги, урф-одатлар, тил, маданиятни асраш ва ривожлантириш борасида яратилган шароитларнинг яна бир ёрқин намойишига айланмоқда.

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш сари дадил ҳаракатлар боряпти. Келгусида биз юртимизни жаҳондаги ҳар томонлама ривожланган давлатлар қаторида кўриш истагидамиз. Бунинг учун албатта, республикаимизда яшаётган ҳар бир фуқаро ўз бурчи ва вазифасини сидқидилдан бажариши зарур. Тараққиёт, ривожланиш, аввало, аҳиллик, тотувлик ва ҳамжиҳатликда жадаллашади. Ўзбекистонни катта бир оила деб олсак, унда яшаётган фуқаролар унинг аъзоларидир. Оиланинг тинч, тотув яшаши унинг ҳар бир аъзосига боғлиқ. Шу жиҳатдан олганда юртимизда истиқомат қиладиган турли миллат вакиллари баҳамжиҳатликда қўлни қўлга бериб, улуг режаларнинг ижобат бўлиши учун биргаликда ҳаракат қилиб, юксалиш сари одимлашапти.

Насриддин МУҲАММАДИЕВ,
республика байналмилал маданият маркази директори.



лар билан бир қаторда бошқа диндагилар ҳам ўз байрамларини нишонлайдилар.

Кўп миллатли мамлакатимизда 1992 йили Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилди. Ҳозирги пайтда Марказ Ўзбекистон ҳудудида фаолият олиб бораётган 140 дан ортиқ миллий маданий марказлар

нишонлаш яхши анъана бўлиб қолган. Бу ерда мунтазам равишда халқ байрамлари, фестиваллар, учрашувлар, таниқли маданият арбобларининг чиқишлари, семинарлар, анжуманлар ўтказиб турилади. Ўтган йилнинг декабрь ойида Алишер Навоий номидаги Академик Катта театр бино-

ВАТАНИНИГ ИШОНГАН ЎҒЛОНЛАРИ



Ватан байроғи олдида ҳаммиса таъзимдамиз.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тошкент Олий ҳарбий-техника билим юртида ёш мутахассис кадрларни мустақил ҳаётга кузатиш маросими тантанали тарзда ўтказилиши анъанага айланган. Утган шанба кунини илм даргоҳининг раҳбарияти, шахсий таркиби, курсантлар, уларнинг ота-оналари ва меҳмонлар навбатдаги ёш офицерларни кузатиш маросимига йиғилдилар.

Маросимда иштирок этаётганлар ҳаяжонда. Айниқса, битирувчи йигитларнинг қалбларида гурур, эзгу мақсадининг ижобат бўла бошлаганидан чексиз қувонч. Талбир иштирокчилари ва меҳмонлар олдидангина саф майдонида тўпчилишти. Билим юрти бошлигининг биринчи ўринбосари майор Ё. Сайдуллаев шахсий таркиб тантанасига шайлигини билдирди.

Тошкент Олий ҳарбий-техника билим юрти бошлиғи, генерал-майор Ш. Нисозов Республика Ички ишлар вазирининг битирувчиларга «лейтенант» унвонини бериш ҳақидаги буйруғини ўқиб эшиттирди.

Шундан сўнг битирувчи йигитларга мутахассисликлари бўйича олий ҳарбий маълумот тўғрисидаги дипломлар топширилди. Устозларидан билим олиб, амалий кўникмалар ортириб ҳарбий офицер даражасига етган йигитларни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг битирувчиларга «лейтенант» унвонини бериш ҳақидаги буйруғини ўқиб эшиттирди.

Бугун биз билим юрти тарихида ўн иккинчи бор ёш офицерларни мустақил ҳаётга кузатиш маросимини, — деди вазир ўз табригида. — Олдингизда жуда мураккаб ва масъулиятли вазифа — мустақил Ватанимиз ҳудудларида тинчлик, осойишталик, фуқароларнинг фаровон ҳаёти ва самарали меҳнат қилишини таъминлаш, жиноятчиликка ва ҳуқуқбузарликларнинг ҳар қандай кўринишларига қарши кураш олиб бориш вазифаси турибди. Бу шарафли ишни бажаришда бор куч-ғайратингизни, билимингизни аямасдан, Президентимиз ва халқимизга берган қасам-ёдингизга содиқ қолишингизга ишонаман. Шу ўринда Президентимиз И. Каримов: «Бизнинг келажакимиз, энг катта

ишончимиз, мадад-таянчимиз — бу ўсиб келаётган ёш авлоддир. Мен ўз тақдиримни ҳам, мамлакатимизнинг тақдирини ҳам келажакини ҳам ана шу ёшлар қиёфасида, уларнинг пок қалби, эркин тафаккури, мустақам ирода-си ва дунёқарашда кўраман. Давлатимиз хавфсизлигини таъмин этишнинг асоси — мамлакатимиз ёшлари, ёшлар — бизнинг таянчимиз, эртанги кундан умидимиз, савоб ишларимизнинг давомчиларидир. Нафақат хавфсизлигимиз, шу билан бирга миллий уйғониш гоёсининг амалга ошиши давлатимизнинг келажакда барқарор бўлиши ҳам ёшларимизнинг қандай шаклланишларига бевосита боғлиқ», — дедан эдилар.

Вазир ўз маърузасини давом эттириб шундай деди: — Атрофимизда, яқин ва узоқ минтақалардаги зиддият ва низолар, халқаро терроризм каби даҳшатли хавф кучайиб бораётти. Ана шундай



Олдимизда Ватанини ҳамия қилишдек муқаддас бурч турибди.

мураккаб бир вазиятда юртимиз тинчлигини сақлаш, элимизни турли бало-қазолардан асраш, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш бугунги кундаги ўта муҳим ва долзарб вазифамиз эканлигини ёдингиздан чиқарманг.

Бу ўринда Андижон шаҳрида экстремистик оқимга мансуб шахслар томонидан содир этилган террорчилик хатти-ҳаракатларини унутмаслигимиз, ҳар доим жонажон Ватанимиз осойишталигини ҳамия қилишга шай туришимиз керак. Бу эса ўз навбатида сизлардан нафақат жисмоний тайёргарлик, балки ақл-идрок, интеллектуал салоҳият, алоҳида руҳий, маънавий хусусият ва фазилятларга эга бўлишни, энг замонавий қурол-яроғдан фойдаланиш сир-асрорларини пухта эгаллашингизни талаб этади. Келгусида зиммангизга юкланадиган машаққатли, шу билан бирга шарафли вазифаларни сизкидандан бажарасиз деб умид қиламан.

Шундан сўнг сўзга чиққанлар — ИИВ фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги генерал-майор Гофуржон Раҳимов, ота-оналар номидан Фарғона вилоятидан келган Азиза Холматова ёш офицерларни самимий мувоабқобд этиб, келгуси хизматларига оқ йўл тилашди.

Битирувчилар номидан сўзга чиққан лейтенант Умрзоқ Абдуллаев шундай деди:

— Мен бугун диплом ҳамда кўкрак нишонини олар эканман, Президентимга, халқимга, Ўзбекистон Республикасига хизмат қиламан, дея тантанали ваъда бераман. Президентимиз, Қуролли Кучларимиз Олий Бош қўмондони Ислам Каримовнинг «Тинч ҳаётимиз, мусоафо осомимиз, жажжи фарзандларимизнинг қувноқ кулгиси, ота-оналаримизнинг осуда умр кечирishi, Аллоҳ таолонинг ўзи бизга берган мана шундай ҳаётнинг ҳимояси, уни асраб-авайлаш, кўз қорачигидек сақлаш барчамизнинг, авваламбор, сизларнинг қўлингиздадир», — дея билдирган юксак ишончига доимо муносиб бўлишга сўз бераман.

Айниқса, бугун республика Ички ишлар вазирини қўлидан билим юртини битирганлигим ҳақида имтиёзли диплом олар эканман бу менга катта масъулият юклайди ҳамда бундай бахтли лаҳзаларни бир умр ёлда тутаман.

Муסיқа садолари остида шаҳдам қадам ташлаб бораётган ёш лейтенант йигитларнинг шижоати, чеҳрасидаги қатъиятни кўриб, юртимиз осойишталиги ишончли қўлларда эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Бугунги ҳаяжонли дамларда, айниқса, ота-оналарнинг қувончлари чексиз. Юзларидан табассум аринмайди. Улар кенг майдонда бир текис саф-

ланган фарзандларини кўзлари билан излаб топиб, уларнинг ҳар бир ҳаракатини кузатишдан толмайдилар.

— Ҳов анави, сафнинг бошида — биринчи қаторда турган йигит менинг ўғлим Ҳамза Камолов бўлади, — дейди фахр билан зоминлик Нуриддин Шайбеков. — Бугун қувончимнинг чеки йўқ.

— Унинг ёнида менинг ўғлим Жамшид Акмалов, — дея гапга қўшилди бўқалик Назоқат Акмалова. — Мен билим юртини битириб, офицер бўлгани билан ўғлимни ҳамда барча битирувчиларни самимий табриқлайман.

Йигитларнинг ота-оналари бугун ҳар қанча фахрлансалар арзийди. Улар Она-Ватанга ҳар томонлама муносиб ўғлонларни вояга етказиб беришди.

Саф майдонида турган курсантлар битирувчиларга ҳавас билан қарашди. Улар ҳам келгусида ана шу акаларидай диплом ва ҳарбий унвон олиб, республикамизнинг қайсибир вилоятига хизматга жўнашади. Ҳаёт ана шундай давом этаверади. Ҳадемай битирувчилар ўрнига янги талабалар қабул қилинади...

Эл-юртимиз хизматига бел боғлаган йигитларга ҳаммиса омад ёр бўлсин.

Ўқтам УМАРОВ, полковник.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби бугун ҳар доимгидан ўзгача кўрк ва тароват бахш этган. Атрофи турфа хил кўркем, манзарали дарахтлар билан ўралган майдон узра бўй-баста келишган, кийимлари ўзига ярашган, юзларидан қатъият барқ уриб турган битирувчи йигитлар саф тортган.



Буюк мақсад сари шахдам қадамлар билан.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирини, генерал-лейтенант Баҳодир Матлюбов ҳамда меҳмонлар, ички ишлар фахрийлари минбарга кўтарилидилар. Курс бошлиғи, подполковник А. Абдураҳмонов: «Хурматли вазир! Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби шахсий таркиби навбатдаги тантанали битириш маросимига сафланди», — дея билдирди беради.

Мактаб бошлиғи, генерал-майор Матрасул Собиров тантанали маросимни очиб деб эълон қилади. Ўқув бўлими бошлиғи, полковник Ф. Турсунов Ички ишлар вазирининг дастлабки офицерлик унвонини бериш ҳамда олий мактабнинг муҳандислик дипломларини топшириш ҳақидаги буйруқларини ўқиб эшиттиради.

Мактабни имтиёзли битирганлар дипломларини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирини, генерал-лейтенант Баҳодир Матлюбов қўлидан олиш шарафига муаяссар бўлишди. Вазир битирувчиларни табриқлар экан, жумладан шундай деди:

— Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабининг ички ишлар идоралари учун юқори малакали мутахассислар етиштириб беришдаги ўрни ва салоҳияти каттадир. Мактабда олиб борилаётган таълим жараёнлари ёшларни эл-юрт олдидаги масъулиятларини чуқур англай билиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган. Бизнинг ишончимиз комилки, бу даргоҳда таълим олиб амалий идоралар сафларини тўлдиришга шай турган бугунги ёш мутахассислар ҳеч қачон ўз устозларининг юзини ерга қаратмайди. Ҳар доим ўзларининг чуқур билимлари, юксак маданиятларини, намоён этиб, хизматга шай

туради. Ҳар қандай вазиятларда ҳам мустақил давлатимизни ёвуз ниятли душманлардан муносиб ҳимоя қилиб, юксак ватанпарварлик намуналарини кўрсата оладилар.

Шунингдек, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўрин-



Йигитларнинг куч-қудрати қизларимизни ҳаммиса лол қолдиради.

Эй азиз халқимни ўт балосидан Асрашга аҳд қилган мард укажонлар. Олов ичра кириб Самандар қушдай — Соғ-омон чиқишга қодир ўғлонлар.

Бугун юзлар ёруғ, лабда табассум, Яп-ялги мундирда турибсиз шодон. Ватан байроғига айлаб сиз таъзим — Етуклик дипломин олурсиз бу он.

Офицерлик нишонини тақиб, она-Ватан хизматида отланган йигитларнинг Президентимиз, халқимизнинг ишончини оқлашда омад ёр бўлсин!

Фурқат ХОЛИҚУЛОВ.



Устозга эҳтиром ёки қувонч кўз ёшлари...



Фарзанд камоли — оналар қувончи

А. КЕНЖАЕВ олган суратлар.

Кейинги йилларда ички ишлар идоралари тизимида амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислохотлар, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши кураш, содир этилган жиноятларни фош этиш борасидаги изланишлар, иш юритишнинг янги услублари ижобий самара бермоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқий дунёқараши юксалиб бориши, уларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини тегнароқ аниқлай бошлашлари ички ишлар ходимларидан янада изчилроқ хизмат қилишни талаб этмоқда.

АСОСИЙ ТАЯНЧ

туманларда маҳаллий ҳокимликлар, манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда 284 та милиция таянч пунктлари барпо этилиб, уларга шинам, барча қулайликларга эга бўлган хизмат хоналари, замонавий компьютер ва алоқа воситалари, хизмат машиналари ажратилаётгани бу соҳага жиддий эътибор берилётганидан далолат бермоқда.

Яқинда милиция таянч пунктларини жиҳозлаш, маҳалла фаоллари билан профилактика инспекторлари ўртасидаги ҳамкорликни янада кучай-

тириш бўйича Улуғнор туманида амалга оширилаётган ишлар юзасидан кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Унда Андижон вилоятининг барча туман, шаҳар ички ишлар бўлимларининг бошлиқлари иштирок этишди. Улар тумандаги милиция таянч пунктларининг жойлашиши, керакли жиҳозлар билан таъминланиши ҳамда фаолиятини ўргандилар.

Тадбир иштирокчилари дастлаб тумандаги «Оқ олтин» қишлоқ фуқаролар йиғини маъмурий идорасида иш олиб бораётган 229-милиция таянч пункти фаолияти билан яқин-



Суратда: катта лейтенант О. Маҳмудовга вилоят, туман ҳокимликлари ва вилоят ички ишлар бошқармаси вакиллари вилоят ҳокимининг совгабини тақдим этмоқдалар.

дан танишдилар. Шундан сўнг Сариксув қишлоқ фуқаролар йиғинидаги 227-милиция таянч пунктида бўлдилар. Жами 9 та маҳаллани ўз ичига олган ушбу ҳудудда осойишталикни таъминлаш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муайян тажрибалар ортирилган. Жумладан, профилактика инспекторининг хизмат хонасида фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга оид қўлланмалар, кодекслар ҳамда ариза ва билдиргиларнинг намуналари тартиб билан қўйилган.

229-милиция таянч пунктида эса бу ердаги шарт-шароитлар, профилактика инспекторларининг жиноятчиликнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ҳамда профилактик ҳисобга олинганлар орасида олиб борилаётган ишлар билан атрофлича танишдилар.

Семинарда иштирок этган Андижон вилояти ИИБ бошлиғи, генерал-майор Б. Сидиқов тадбир якунида сўз олиб, вилоятнинг ҳар бир туман, шаҳрида мавжуд ички имкониятлардан келиб чиқиб, милиция таянч пунктларидаги шарт-шароитни янада яхшилаш, ҳамда кенг жамоатчилик билан ҳамкорликни такомиллаштириш зарурлигини таъкидлади.

Катта лейтенант О. Маҳмудов хизматда эришаётган муваффақиятлари ҳамда ҳамкасбларига ўрнатилган бўлаётгани учун вилоят ҳокимлиги унга телевизор совга қилди. Совга маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари ва ички ишлар идоралари ходимлари иштирокида тантанали равишда топширилди.

Азизхон БУЗРУКОВ,
Бахтиёржон АЗИМОВ,
капитан.

Ҳозирги кунда милиция таянч пунктлари бевосита маҳаллалар ҳамда аҳоли турар жойларида жиноятчиликнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида маҳалла оқсоқоли, фаоллар, посбонлар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи ва кенг жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатиб келяптилар. Маҳаллаларда ҳамма бир-бирини яхши билади, четдан келган бегона ва нияти бузуқ кимсалар дарҳол кўзга ташланади.

Профилактика инспекторларининг асосий вазифаларидан бири маҳалла, мавзе, турар жойларда юзага келган криминоген вазиятдан ўз вақтида хабардор бўлиш, тегишли идоралар ҳамкорлигида унга таъсир кўрсатиш билан бирга фуқаролар хавфсизлиги ва жамоат тартибини сақлашдир.

Вилоят ички ишлар бошқармаси раҳбариятининг сабъ-ҳаракатлари туфайли минтақадаги барча шаҳар ва

ГАЗЕТА — ҲАЁТ ОЙНАСИ

«Постда» ҳаммиса постда

Янги юз йилликни глобллашув, информатика ва ахборотлашув асри дейиш мумкин. Дарҳақиқат, XXI асрнинг дастлабки йиллариданоқ, бу борада инсониятнинг ҳаёт тарзи бутунлай ўзгариб кетди. Компьютер халқ хўжалигининг барча соҳаларига дадил кириб келди. Ҳатто ҳисоб-китоблар автоматлаштирилди. Бу ўзгаришларни оммавий ахборот воситалари мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Интернет ва кабел телевидениеси пайдо бўлди. У мамлакатимизда ҳам кенг тарқалди. Оммавий ахборот воситаларининг замонавий шакллари — жамоат ва хусусий телевидение, радиозастиртиришлар, газета-журналлар Ватан мустақиллигининг шарафати сифатида самарали фаолият олиб бормоқда.

Мен Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасида фаолият юритаётганим ҳамда журналистлигим туфайли ҳуқуқий йўналишдаги газета-журналларнинг фаолиятига ҳам алоҳида эътибор бераман. Аслида ҳуқуқий йўналишдаги оммавий ахборот воситаларини кўпайтириш, мавжудларини такомиллаштириш ва барча оммавий ахборот воситаларида ҳуқуқий мавзудаги чиқишларни кўпайтириш ҳамда таъсирчанлигини ошириш — давр талаби. Зеро, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлаган эканмиз, ушбу улуғвор вазифанинг асосларидан бири — қонун устуворлигига эришиш ва аҳолининг ҳуқуқий билими, ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданиятини юксалтиришдир.

Ҳозир мамлакатимизда 30 дан ортиқ ҳуқуқий йўналишда газета — журналлар чоп этилмоқда. Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғинидаги матрузасида мамлакатимизда амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифаларнинг бири — суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар, деб белгилаб берган эди. Ана шу улуғвор вазифани амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг наشري бўлган «Постда» газетаси ва «Қалқон» журнали ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Ушбу нашрлар замон билан ҳамқадам одимлаб, ўз саҳифала-

рида шу куннинг долзарб муаммоларини мунтазам ва самарали ёритмоқда.

Масалан, профилактика хизмати такомиллаштириш тўғрисида ҳуқуқматимизнинг тегишли қарори чиқиши билан газета саҳифаларида ушбу ҳужжатнинг моҳияти муштарийларга тушунтириб берилди. Зеро, ушбу хизмат ички ишлар идораларини аҳоли, кенг жамоатчилик билан яқиндан боғлаб турувчи муҳим бўғиндир. Шунинг учун ушбу Қарорнинг ижросига ва соҳадаги муаммоларнинг ечимларини топишга кўмаклашишга ҳам алоҳида эътибор берилди.

Тергов хизмати фаолиятини такомиллаштириш ҳам долзарб вазифа бўлиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг иш режасида «Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси тайёрланиши белгиланган. Чунки, ушбу соҳадаги ислохотлар инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида катта аҳамиятга эга. Зеро, ҳар бир ислохот пировард натижада жамият учун, инсон манфаатлари учундир. Ички ишлар вазирлиги нашрлари ҳам ушбу масалани ёритишга алоҳида эътибор берди. Нашрларда берилган мақола ва суҳбатлардан нафақат жабрланувчининг, балки гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳам қандай ҳуқуқларга эгалиги-ю, бу ҳуқуқларни таъминлаш механизми устида атрофлича фикр юритилди.

Ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамиятининг асосий бел-

гиларидан бири — давлат идоралари фаолиятида ошқораликка эришишдир. «Постда» газетаси ва «Қалқон» журнали ана шу муҳим вазифани ҳам муваффақиятли бажармоқда. Нашрлар саҳифаларида ички ишлар идораларининг бутунги фаолияти, ушбу фаолиятда эришилган ютуқлар билан бирга мавжуд муаммолар, баъзи камчиликлар ҳам очиқ-ошқора ёритилмоқда. Фуқароларнинг таҳририятга мурожаатлари, шикоят хатлари ҳам безътибор қолмапти. Бу эса ўз навбатида ички ишлар идораларини халққа яқинлаштиришнинг муҳим омилли бўлмоқда.

Жиноятга жазонинг муқаррарлигини эслатиб туриш ҳам турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. «Жиноятга жазо муқаррар», «Қилмиш-қидирмиш», «Иссиғида очилди», «Суд за-



лидан» рунқлари остида берилётган мақолалар, аҳолининг ҳуқуқий онгини оширишга, қолаверса баъзи бир жиноят содир этишга мойил кимсаларни ўз ниятларидан қайтаришга хизмат қилмоқда. Газета ва журналда ички ишлар идоралари ходимларининг ҳуқуқий билими ва маданиятини юксалти-

ришга кўмаклашувчи саҳифа ва рунқлар ташкил этилган. Чунки осойишталик посбонлари ўз касблари тақозосига кўра кенг омма билан, аҳолининг турли табақалари билан жумладан, олдий фуқаролар билан кенг мулоқотда бўлишди. Уларнинг фаолияти самарали ва таъсирчан бўлиши касб маҳоратининг шахсий маданияти билан уйғунлиги даражасига, яъни маърифатлигига ҳам боғлиқ. Шунинг учун нашрларда мунтазам «Маърифат дарслари», «Ижтимоий-сиёсий сабоқлар» мавзусида саҳифалар уюштириляпти. Шунингдек, ҳар ҳафтанинг сешанба кунлари ички ишлар вазирлигининг барча тизимларида ижтимоий-сиёсий машғулотлар ўтказилади. Ана шу машғулотларнинг матнлари ҳам бериб берилаётгани айти мунтазам бўлмоқда.

«Сиз кутган учрашув» саҳифасида мамлакатимиздаги таниқли маданият намояндалари билан суҳбатлар берилётгани ички ишлар ходимларининг маънавий олами бийитишга муносиб ҳисса қўшапти. Республика Ички ишлар вазирлиги Олий ҳарбий-техника билим юрти тарбиявий ишлар бўлими бошлиғи Уктам Умаровнинг мактуби ҳам бунинг тасдиқлайди: «Шахсий таркиб ўртасида тарбиявий ишлар олиб боришда «Постда» газетасида чоп этилаётган мақолалар катта ёрдам бермоқда. «Қалқон» журналда халқимиз орасидан етишиб чиққан буюк саркардалар ҳақида берилётган туркум материаллар эса аскарлар ва курсантларнинг ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда.» Ана шундай мактублар таҳририят ходимларининг кайфиятига кайфият, руҳиятига руҳият қўшиб, янада самарали ишлашга даъват этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2008 йил 1 январдан республикаимизда ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги фармони суд-ҳуқуқ органлари ислохотларига кенг йўл очиб берди. Ўлим жазоси бекор қилинган, ўта оғир жиноятлар сони ортиб кетмайдими, деган мунозаралар жараён кечаётган бир даврда газета ва журналда етуқ назаритчи, ҳуқуқшунослар, амалиётчилар ушбу масала юзасидан ўз нуқтаи назарларини баён этдилар. Фармоннинг моҳиятини, аҳамиятини чуқур тушунтирдилар, хориж тажрибаси, миллий қадриятлар, суд хатоси қаби жиҳатлар ҳам четда қолмади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг қамоққа олишга санкция бериш

ҳуқуқини прокуратурадан судларга ўтказиш бўйича фармони ҳам инсон ҳуқуқларини таъминлаш, судлар ваколатини ошириш йўлида муҳим қадам бўлди. Ҳўш, бу ҳуқуқни амалга ошириш механизми қандай кечадди. Бу мутахассисларнинг ўзаро музокаралари, баҳсларида ойдинлашиши табиий. Шунинг учун ҳам вазирлик нашрлари ўз саҳифаларида ушбу мавзунинг ёритишга кенг ўрин бераётгани айти мунтазам бўлди.

Жорий йил бошларида автомобиль транспортда йўловчи ташишни яхшилаш борасида республикамиз Президенти томонидан имзоланган Фармон ва қабул қилинган қарорларни олиб кўрайлик. Бу масалани аҳолига тушунтиришда матбуотнинг ўрни беқийс. Аввалига ҳаморларимизнинг айримлари энди киракашлар камайиб, йўловчиларга қийин бўлади, деган ҳаёлга ҳам боришди. Шунда бу ҳужжатлар аввалдан йўловчилар хавфсизлигини таъминлашга ва уларга хизмат сифатини яхшилашга қаратилганлиги барча оммавий ахборот воситалари орқали оммага кенг тушунтирилди. Ички ишлар вазирлиги нашрлари ҳам бу борада фаол иштирок этдилар.

Айни кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан ушбу ишларни қонуний асосда тартибга солинадиган «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» қонун лойиҳаси биринчи ўқинида қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги нашрлари том маънода оммабоп ҳуқуқий нашрлардан ҳисобланади. Уларда чоп этилаётган материаллар тили ва услубининг содда ҳамда тушунарли эканлиги, мавзуларнинг ранг-баранглиги ҳамда долзарблиги билан ажралади турли.

Журналистика ва ҳақиқат. Ушбу икки тушунча бир-бирига монанд ва уйғун. Ҳаётнинг ўзати — ҳақиқат. Оммавий ахборот воситалари эса ҳаёт кўзгуси. Журналистиканинг донмий ва ўзгармас мақсад-муддаоси ҳам ҳақиқат яъни, халқчиликдир. Касбдошларга халқчи асарлар яратишда каттадан катта ютуқлар тиламан. Кутлуг кун — касб байрамингиз муборак бўлсин, азиз сафдошлар.

Раъно Зарипова,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.
(«Хуррият» газетасидан олинди.)

ЙЎЛИНГИЗ РАВОН БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишига асосан шу йилнинг 1 июнидан 1 июлига қадар йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» ўтказилди. Эзгу ният билан бошланган ушбу тадбир жойларда қандай ўтди? Навоий вилояти ИИБ ЙХХБ бошлиғи, подполковник Бахтиёр Рўзиев билан мулоқотимиз ана шу мавзуда.

маҳалла, ҳокимият вакиллари билан ҳамкорлик янада мустақамланди.

— Бугунги кунда содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг асосий сабаблари нимада деб ўйлайсиз.

— Ходимларимизнинг тинимсиз саъй-ҳаракатлари қарамасдан йўл-транспорт воситалари билан боғлиқ турли нохуш ҳодисалар рўй бераётганидан кўз юмиб бўлмайди. Вилоятимиз автомобиль йўлларида жорий йилнинг шу даврига қадар 60дан ошди йўл-транспорт ҳодисаси қайд этилган. Чуқурроқ таҳлил қиладиган бўлсак, аксарият ҳолларда ҳайдовчи ёхуд пиёдалар томонидан йўлларда ҳаракатланиш қоидаларининг қўпол равишда бузилиши, спиртли ичимлик истеъмол қилиб, транспорт воситаларини бошқариш турли кўнгилсизликларга сабаб бўлмоқда. Мана бир мисол. Кармана туманида яшовчи Сухроб Нарзиев «Нексия» русумли автомашинасини ҳайдовчилик гувоҳномасисиз бошқариб, чорраҳада светофорнинг қизил чироғида ҳаракатланган. Натижада Ш. Эгамов бошқарувидаги «Нексия» билан тўқнашув содир этган. Автомашини салонда келаётган 12 ёшли Исмоил тан жароҳати олиб, касалхонага ётқизилган. Эҳтимол, қилмишидан сўнг Сухроб ёш боланинг жонига жабр қилганидан афсус-надомат чеккандир, бироқ сўнгги пушаймондан не фойда.

— Эътироф этиш жоизки, республикамиз раҳбарияти томонидан йўловчи ташиш тизимини тартибга солиш, аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида қабул қилинган қарорлар

хизмат маданиятини юксалтириш, шунингдек, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда муҳим қадам бўлди...

— Албатта. Ҳозирги кунда вилоятда жами 52 мингдан зиёд транспорт воситаси мавжуд. Шундан 42 мингдан ошгани шахсий автоуловлар ташкил этади. Республикаимизда жамоат транспортида йўловчи ташишни тартибга солиш юзасидан қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида ходимларимиз томонидан зарур тадбирлар амалга оширилди. Ҳозирги кунда 14 та юридик мақомга эга бўлган йўловчи ташиш уюшмалари ташкил этилиб, унда 1100 дан ортиқ транспорт воситалари халқимизга хизмат кўрсатмоқда. Ҳар куни хизматга чиқиш олдида ҳайдовчилар тиббий текширувдан, транспорт воситалари техник кўрикдан ўтказилмоқда. Бу эса йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашда муҳим омил бўлиши шубҳасиз. Айни вақтда аҳолининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, вилоятда яна қўшимча равишда йўловчи ташиш уюшмалари очиш режалаштирилган. Ўйлайманки, бу борада амалга оширилаётган тадбирлар йўлларимиз бехатарлигини таъминлайди.

— Сизни ташвишга соладиган муаммолар?

— Биз халқимизга транспорт хизмати кўрсатиш маданиятини ошириш ҳақида ўйлаяпмиз. Қани эди ҳайдовчи бўладими ёки пиёдами — ҳар бир юртдошимиз йўлларда ҳаракатланиш маданияти ҳақида қайғурса! Йўлга чиққанда озгина эътиборли бўлса, қоидаларга амал қилса ўзининг ҳам, ўзгаларнинг ҳам хавфсизлигини таъминлаган бўларди.

Сухбатдош Нигора РАҲИМОВА.

Ғалла ўрим-йиғими пайтида ризқ-рўзимиз бўлган ҳосилни ёнғиндан асраш, нобудгарчиликка йўл қўймаслик нафақат ички ишлар ходимлари, балки ҳар бир фуқаронинг инсонийлик бурчидир. Тадбирлар режасига мувофиқ барча дон қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарининг ёнғин хавфсизлиги ҳолати текширувдан ўтказилди.



«Ғалла-2006»

ҲОСИЛ ТАҚДИРИГА МАСЪУЛМИЗ

Ғалла ўрим-йиғимига жалб этиладиган барча комбайнлар, ўриб олинган ғаллани ташишга мўлжалланган автотранспорт воситалари ва тракторларнинг техник соғлиги, уларнинг бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан таъминланганлиги текшириб чиқилди. Аввалги йиллардан маълумки, баъзи фуқаролар ғалласи ўриб олинган майдонларга иккинчи мартаба экин экиш мақсадида ғаллани тозалаш учун ер майдонларини шудгорлаш ўрнига ўт қўйиб юборишади. Натижада шамолда тарқалиб кетган кул ва учкун зарралари шу атрофда жойлашган уйларга хавф туғдиради. Бундан ташқари, бундай ёқишлар ернинг унумдорлигини йўқотиш, минерал ўғитларнинг ёниб кетиши, атроф-муҳитни ифлосланиши, дов-дарактларнинг қуйиб қолишига сабаб бўлади. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки хусусий томорқалардан ўрилган ғалла турар-жой атрофларида, бостирмаларда, кўпчилик ҳолларда эса йўл ёқасида сақлаб қуритилади. Бу ҳолат ҳам хавфли бўлиб, ўтиб кетаётган автоуловдан чиққан учкун, фуқароларнинг билар-билмас ташлаб кетган сигарет қолдигидан, ёш боланинг гугурт уйнашлари каби ва бошқа эътиборсизликлардан ёнғин содир бўлишига олиб келиши мумкин.

Транспорт ИИБ ва унинг қуйи тизимларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, бу офатдан моддий бойликлар, хусусан, ғалла ҳосилини сақлаб қолиш борасида кенг кўламда тадбирлар амалга оширилаёпти.

Бошқоқди дон экинлари ҳосилини қабул қилиш, сақлаш пунктларидаги омборхоналар ва темир йўл бекатларини ёнғинга қарши ҳолати муқаммал текшириб чиқилди. Донни темир йўл воситаларида ташилишига жалб қилинадиган локомотив ва юк вагонларни ёнғин ўчириш воситалари билан тўлиқ таъминланган. Ҳосил юк вагонларида ташилаётган пайтда ўғирлаш ва талон-тарож қилинишининг олдини олишда Транспорт ИИБнинг барча хизматлари фаол қатнашмоқда. Дон қабул қилиш ва сақлаш пунктларига кирувчи темир йўллар, темир йўл бекатларида жойлашган омборхоналарнинг ёнғинга қарши ҳолати доимий назоратга олинган. Темир йўл транспорти идоралари, ташкилотлар, маҳаллий ҳокимликлар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда транспорт ходимлари ҳамда темир йўл бекатларига туташган маҳаллаларда, бевосита аҳоли орасида, ғалла ҳосилини ёнғиндан сақлаш, унинг талон-тарож қилиниши ва нест-нобуд бўлишига йўл қўймаслик борасида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Машаққатли меҳнатлар билан етиштирилган ҳосилни ёнғин офатидан асраш мақсадида фуқаролар ёнғин хавфсизлиги ходимлари берган кўрсатмаларни тўлиқ бажарсалар ўйлаймизки, ҳар қандай офат четлаб ўтади.

А. МАННОПОВ,
подполковник.

ОЛТИНҚЎЛЛИК ПОСБОНЛАР

Биз ҳаммиса фаровонлик, осойишталик учун курашамиз. Ҳатто қўшининг-да уяси бузилмасин деб дуолар қиламиз. Юртда тинчлик-хотиржамликни таъминлаш, бунинг натижасида тўкин-сочинликка, аҳилликка эришиш эса кўп жиҳатдан ички ишлар ходимларига боғлиқдир. Зеро, ушбу касб эгалари юрт осойишталиги учун камарбасталар.

Андижон вилоятининг Олтинқўл тумани ички ишлар бўлими ходимлари ҳам ҳудудда аҳоли тинчлигини таъминлаш, эртанги кунимизнинг бугунгига нисбатан фаровон бўлишига замин яратиш мақсадида бор куч, имкониятларини ишга солиб, хизмат қилмоқдалар.

Туман 66 та маҳалладан ташкил топган. Аҳолининг тинчлигини таъминлаш мақсадида 14 та милиция таянч пунктида 20 нафар профилактика инспектори фуқаролар осойишталигини таъмин-

лаш, жиноятчиликнинг олдини олиш борасида хизмат қилишмоқда. Жиноятчиликка қарши курашиш мақсадида туман ҳудуди уч қисмга ажратилган. Улар Жалабек, Марказ ва Кўшпепадан иборат. Ҳар бир қисмда пухта ва аниқ режалар асосида ишлар олиб борилади.

Ички ишлар ходимлари осойишталикнинг барқарорлигига эришиш учун бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари билан келишилган ҳамда маслаҳатланган ҳолда режалар асосида иш




олиб боришмоқда. Бу эса ўзининг ижобий натижасини берапти. Зеро, қарс икки қўлдан чиқади, деб бежиз айтишмаган. Ҳар ҳафта ходимлар малякасини ошириш, зиммасидаги вазифани оғишмай адо этиш мақсадида узоқ йиллар ички ишлар идораларида хизмат қилган, айни кунларда нафақадаги сафдошлар билан «Устоз ва шогирд учрашувлари» ташкил этилмоқда. Қолаверса, туман прокурори Турғунбой Мирзаев, туман судининг судьяси Абдуқаҳҳор Манноновлар иштирокидаги сиёсий-ижтимоий ўқув машғулотида ходимлар ўзларининг билимларини ошириб бормоқдалар.

Таҳлил қилганимизда туманда содир этилаётган жиноятларнинг аксарияти кечаси содир этилаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Маҳалла посбонлари, фаоллари билан

ходимлардан иборат тунги гуруҳлар ҳар бир маҳаллада туннинг осуда ўтиши учун курашмоқдалар.

Майда ўғрилик жиноятларини баргараф этиш мақсадида бир неча тадбирлар ишлаб чиқилган. Бунда фаол иштирок этаётган Ҳамидулло Турдиев, Умаржон Мирзаабдулаев, Одилжон Йўлдошев ва Дилмурод Жўраев каби ходимлар изланувчанлиги, вазифасини сидқидилдан бажариши билан бошқа ҳамкасбларига ўрнак бўлишмоқда.

Саминжон ҲУСАНЗОДА.
Суратларда: туман ИИБ бошлиғи, майор А. Бўстонов ходимлар билан навбатдаги масалалар юзасидан фикрлашмоқда (юқоридаги суратда). Туман ИИБ паспорт хизмати бошлиғи, майор Ғ. Абдураҳмонов (уртада) ва туман ИИБ бошлиғининг ўринбосари, майор Н. Шамсиддиновлар фуқарога паспорт топширишмоқда.



«Ишлаб чиқаришнинг талаб-эҳтиёжлари кадрлар тайёрлаш тизимининг йўналиши, даражаси ва миқёсларини шакллантиради, касб тайёргарлигининг мақсади, вазифалари ва мазмунини белгилайди, малака талабларини илгари суради, таълимнинг мувозий технологиялари ва шаклларини танлашни тақозо этади. Ишлаб чиқариш пировард натижада кадрларнинг сифати ва рақобатбардорлигига баҳо беради»

Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш Миллий дастуридан.

Кейинги йилларда республикамизда таълим соҳасида амалга оширилётган туб ислохотлар ўқув жараёнининг амалиёт билан узвий боғлиқ равишда олиб бориш зарурлигини кўрсатмоқда. Бошқача айтганда, Юртбошимиз Ислон Каримов таъкидлаганидек, «...талабаларимизни янги ҳаёт, замон талабларига жавоб берадиган жамият қурилишининг фаол ва жўшқин иштирокчиларига айлантириш» бугунги кунда ИИВ олий ўқув юртралида ҳам ўқув жараёнини мазмунан юқори даражага кўтариш зарурлигини белгилаб бермоқда.

Ушбу устувор гоё асосида бугунги кунда Вазирлик Академиясида таълим-тарбия жараёнини амалиёт билан боғлаш борасида, қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, билим даргоҳида таълим жараёнини амалиёт билан узвий боғлиқ ҳолда олиб бориш мақсадида жорий йилнинг январь ойида барча жамловчи ички ишлар органлари билан ўзаро ҳамкорлик ҳақида шартномалар тузилди. Бугунги кунга келиб мазкур шартномалар доирасида қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, ўзаро қизиқиш уйғотувчи муаммолар бўйича ўқув-услубий, илмий, таҳлилий ва бошқа ахборотлар алмашуви йўлга қўйилди. Ички ишлар идоралари фаолиятининг муайян йўналишлари бўйича биргаликдаги илмий-тадқиқот ишлари дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастурни амалга ошириш мақсадида муаллифлар жамоаси ташкил этилди. Ички ишлар органларининг муайян тизими фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини биргаликда тайёрлашни амалга ошириш бўйича тарафлар манфаатига хизмат қиладиган муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Ушбу шартномалар доирасида 2006 йилнинг январь ойида Академия профессор-ўқитувчиларининг жамловчи ички ишлар идораларига қилган хизмат сафарини мобайнида Олий Академик курс, сержантлар таркибини тайёрлаш Олий курслари, кундузги таълимни тамомлаган ҳамда жамловчи ички ишлар идораларида хизмат қиладиган ходимларнинг фаолияти билан танишдилар. Таҳсил олаётган тингловчиларнинг ота-оналари билан учрашувлар ўтказдилар.


Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг буйруғи билан Академия Сержантлар таркибини тайёрлаш Олий курсларида ўқув жараёнини амалиёт билан боғлаш ва тегишли ўқув-методик адабиётларни тайёрлашда амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида

вазирлик соҳавий хизматларининг мутахассис ходимлари доимий равишда бириктирилди. Ички ишлар идоралари офицерларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультетида таълим дастурлари вазирлик соҳавий хизматлари билан ҳамкорликда тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳайъатининг 2006 йил 15 март куни бўлиб ўтган мажлисида вазирлик олий таълим муас-

Шунингдек, мутахассислик ҳамда ҳуқуқшунослик фанларининг долзарб муаммолари бўйича тадбирлар, хусусан, кундузги таълим тингловчилари ҳамда Сержантлар таркибини тайёрлаш Олий курслари курсантлари ўртасида «Ким ҳақ?», «Қилни қирқ ёриб» каби қизиқарли танловларнинг доимий равишда ўтказиб борилиши йўлга қўйилган. Бу эса ўз навбатида тингловчиларнинг республикамизда бўлиб ўтаётган тадбирлар, жумладан, олимпиадалар, телевизион танловларда совринли ўринларни эгаллашга замин яратмоқда.

Юқорида таъкидлаб ўтилган Ҳайъат йиғилишида белгиланган тадбирлардан яна бири – бу тингловчиларнинг малакавий амалиётини ташкил этиш ҳисобланади. Жорий йилдан бошлаб, тасдиқланган давлат таълим стандартлари ва ўқув режаларига мувофиқ, Академия кундузги таълим 1,2,3-ўқув курслари тингловчилари ёзги сессиядан сўнг, жамловчи ички ишлар органла-



Мазкур жараённинг самарали ўтиши учун бугунги кунга қадар барча ташкилий-ҳуқуқий чоралар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг меъёрий ҳужжатлари асосида «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси тинг-

дан, тингловчиларнинг Академияда ўқиш жараёнида олган билимларини янада мустаҳкамлайди ҳамда муайян даражада уларнинг ижтимоий-сиёсий, касбий, ташкилотчилик ва тарбиявий ишлар тажрибасига эга бўлишларига хизмат қилади. Учинчидан, юқори курсларда тингловчилар томонидан ёзилиши зарур бўлган диплом ишлари мавзуларини танлашга ҳамда тегишли маълумотларни тўплашга асос бўлади.

Бу эса эртанги кунда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирини, генерал-лейтенант Б. Маълубов таъкидлаганидек, ички ишлар идоралари учун сифатли, малакали кадрлар тайёрлашга хизмат

қилади. Бундан ташқари, малакавий амалиёт якунида тингловчиларнинг ўқув ва хизмат интизоми бўйича ота-оналари билан учрашувлар ўтказилиши, тингловчилардан ҳисоботлар қабул қилиниши режалаштирилган.

Ўз навбатида, кундузги таълим тингловчиларининг илк бор ташкил қилинаётган малакавий амалиёти жамловчи ички ишлар идоралари томонидан қуйидаги муҳим жиҳатларга эътибор қаратишлари, келажакда ушбу амалиёт идоралари учун етук дипломли мутахассисларни тайёрлашга хизмат қилади.

Биринчидан, амалдаги меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида малакавий амалиётни мазмунан сифатли ташкил қилиш лозим.

Иккинчидан, тингловчиларга мураббий сифатида бириктирилган амалиёт ходимлари ўз вазифаларига масъулият билан ёндашишлари, бошқача қилиб айтганда, «устоз-шоғирд» қондаларига риоя қилишлари керак.

Учинчидан, кундузги таълим 2-курс тингловчиларини мутахассисликка тақсимлашда асосий мезонлардан бири бўлиб хизмат қиладиган, яъни тингловчиларининг ҳар бирига қайси мутахассислик турига мойиллиги ҳақида амалиёт якунида тақдим этилиши зарур бўлган тавсияномаларга алоҳида эътибор қаратилиши талаб этилади.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда республикамизда жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш кўп жиҳатдан етук малакали кадрларга боғлиқдир. Ички ишлар идоралари тизимида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида таълим тизимининг амалиёт билан узвий боғлиқлигини таъминлаш эса давр талабидир. Зеро, Юртбошимиз И. Каримов таъкидлаганидек, «ички ишлар органлари шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамоат тартиби ва фуқаролар ҳавфсизлигини ҳимоя қилишнинг ишончли гарови бўлиши лозим».

Адилхон ТАДЖИЕВ,
ИИВ Академияси ўқув бўлими бошлиғи, подполковник.

Нуриддин НОРМАТОВ,
юридик фанлари номзоди, капитан.

ТАЪЛИМ ВА АМАЛИЁТНИНГ УЙГУНЛАШУВИ

сасаларида ўқув-тарбия жараёнини амалиёт билан чамбарчас боғланган ҳолда ташкил этиш мақсадида қатор тадбирларни амалга ошириш зарурлигига эътибор қаратилди. Ҳайъат йиғилишидан сўнг ўтган қисқа давр мобайнида вазирлик Академиясида кундузги ўқитиш шаклининг 1-босқичига қабул қилинган тингловчиларнинг умумий ўрта таълим тайёргарлиги даражаси ўқишнинг биринчи семестри натижаларига асосан баҳоланди. Унинг таҳлили асосида жойлардаги жамловчи ички ишлар идораларига ўқишга танлаб олинган ном-


рига малакавий амалиёт ўташ учун юборилади.

Малакавий амалиётнинг турлари, хусусан, кундузги таълимнинг 1,2-ўқув курсларида ташкил қилинадиган танишув ўқув амалиёти тингловчиларнинг билимларини тўлдириш ва чуқурлаштиришда катга аҳамиятга эга. Улар амалиёт давомида ички ишлар идоралари иш фаолияти ва реал шароитлари билан бевосита танишишади, алоҳида хизмат топшириқлари ва кўрсатмаларини бажариш, амалиёт фаолиятига тааллуқли бошланғич кўникмаларга эга бўладилар. Иш ўрганиш

ловчиларининг малакавий амалиёти тўғрисидаги Низом» ҳамда унинг талабларига мувофиқ тингловчилар учун амалиёт дастурлари ишлаб чиқилиб, ўрнатилган тартибда тасдиқланди.

Ушбу муҳим тадбирни самарали ўтказиш мақсадида Академиянинг тажрибали профессор-ўқитувчиларидан амалиёт учун масъул ходимлар бириктирилиб, жорий йилнинг 15-23 июнь кунлари жамловчи ички ишлар органларига дастлабки хизмат сафарлари ташкил этилди. Ушбу хизмат сафарлари чоғида кундузги таълим тингловчиларининг малакавий амалиётини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш бўйича жамловчи ички ишлар органларининг буйруқлари чиқарилди. Битирувчи курс тингловчиларининг ота-оналари билан учрашувлар ўтказилди. Олий Академик курс ҳамда Сержантлар таркибини тайёрлаш Олий курсларини битирувчиларининг ишга жойлашуви ҳамда фаолияти ҳақида маълумотлар тўпланди. Бу йилги битирувчиларнинг мутахассисликлар бўйича ишга жойлаштириш режаси билан яқиндан танишилди. Ўзаро ҳамкорлик бўйича тузилган шартнома доирасида ўтган давр мобайнида бажарилган ишлар сарҳисоб қилинди.

Албатта, жорий йилнинг 3 июлидан бошлаб ташкил этилаётган тингловчиларнинг малакавий амалиётидан катта ижобий натижалар кутилмоқда. Чунончи, биринчидан, танишув ўқув амалиёти 1,2-курс тингловчиларининг амалиёт идоралари вазифалари ва фаолиятининг асосий йўналишлари билан танишиши ҳамда уларда ички ишлар идораларининг иш шароитларига руҳий ва касбий кўникшни шакллантирса, иш ўрганиш (стажировка) амалиёти 3-курс тингловчиларининг амалий фаолиятга тайёрлигини текширади, шунингдек, уларда берилган ишга масъулият ва хизмат интизомига қаттиқ риоя этиш ҳиссини тарбиялайди. Иккинчи-



зодлар тўғрисида ахборотлар юборилди.

Ўз навбатида, ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш учун тайёрланаётган дареликлар, ўқув адабиётларида назарий билимларни амалиёт билан боғлаган ҳолда баён этиш мақсадида амалиёт органлари томонидан юборилаётган таҳлилий ахборотлар, умумлашмалар ва статистик маълумотлардан самарали фойдаланилмоқда. Бу эса тингловчилар билан амалий машғулотларни олиб боришда, битирувчилар томонидан диплом ва курс ишларини ёзишда, таълим жараёнида замонавий услубларни қўллашда яхши натижа бермоқда.

амалиёти (стажировка) эса 3-ўқув курси тингловчиларнинг мутахассисликлар бўйича белгиланган лавозимларда амалий кўникмага эга бўлиш мақсадида ўтказилиши белгиланди. Шунини алоҳида ўринда таъкидлаш жоизки, иш ўрганиш амалиёти назарий билимларнинг ички ишлар идоралари амалиёти фаолиятига уйғунлашувининг муҳим воситаси ҳисобланади, унинг асосий вазифаси мутахассисликлар бўйича олинган назарий билимларни такомиллаштириш, ички ишлар идоралари тизими, фаолияти ва уни ташкил этиш тамойилларини ўрганиш, амалиётнинг илғор тажрибаси билан танишишдан иборатдир.

Бўладиган бола бошидан маълум. Миттигина, ёқимтой, ўткир зеҳнли Ҳамидхон ҳали биринчи синфга бормасданоқ ҳарф танир, санаш, ҳатто ёзиш-чизишни ҳам дурустгина ўрганиб олганди. Балки бунга унинг Тошкентда азим шаҳарда туғилиб ўсганлиги, пойтахт муҳити сабаб бўлгандир. Ҳамидхон мактаб остонасига қадам қўйганида синфдошларидан бир қадар устунлиги тезда намоён бўлди.

Ўқувчилик йиллари Ҳамидхон ўзининг кўпчиликлари тенгдошларидан намунали хулқи, аъло ўқиши билан ажралиб турарди.

Олтмишинчи йилларнинг бошлари эди ўшанда. Ҳамидхон ўрта мактабни муваффақиятли битириб, шаҳардаги кроват ишлаб чиқарадиган заводга ишга кирди. Олий маълумот олиш унинг энг эзгу мақсади эди. Бироқ оила шароити бунга изн бермади. «Эзгуликнинг кечи йўқ, ўқиш бўлса қочмас, бирор ишнинг бошини тутиб, тажриба орттирганим маъқул, сўнг албатта, ўқишга кираман» деб ҳаёлидан ўтказди у. Орадан кўп ўтмай тиришқоқ

ва интилувчан йигит жамоанинг илғор чилангарларидан бирига айланди.

Пойтахтликлар 1966 йил 26 апрель тонгтарини ҳеч қачон эсларидан чиқаришмайди. Кучли зилзила ҳаммаёқни остин-устун қилиб ташлади. Офат, шаҳарга катта зиён ет-

ишга қабул қилинди. Ички ишлар тизими ҳаёти хийла мураккаб бўлса-да, Ҳамидхон тезда ишга киришиб кетди. Раҳбарият томонидан берилган ҳар қандай топшириқни тез ва пухта бажаришга ҳаракат қилиб, тиним билмай ишлади. Ишга бўлган масъу-

баҳо беришга интиларди. Шу туфайли бу соҳада ўзига хос мавқега эга бўла бошлади. У ИИБ тизимининг турли тармоқларида раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатди. Хусусан, Транспорт ИИБ бошлигининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси ИИБ

Академияси бошлигининг таъминот бўйича ўринбосари – таъминот

Бугун Ҳамидхон Набиҳонов орамизда йўқ. Бироқ унинг эзгу ишларини шогирдлари давом эттирмоқда. Бухоро вилояти ИИБ бошлиғи, полковник Т. Сатторов, Транспорт ИИБ бошлиғининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари, полковник А. Жалилов, Тошкент вилояти ИИБ бошлиғи, полковник М. Адиловлар Ҳ. Набиҳоновнинг шогирдлари ҳисобланади.

Шу билан бирга Ҳамидхон ака оилапарвар инсон эдилар. Унинг фарзандлари Авазхон, Лолахон, Ёқутхон ва Лаълихонлар турли касбларни эгаллаб, жамиятимиз

фаровонлиги йўлида ҳалол хизмат қилишмоқда. Турмуш ўртоғи Дилбархон ая бугун фарзандларига бош бўлиб Ҳамидхон отанинг чироғини ёқиб ўтиришибди.

Ота касбини давом эттирган кам бўлмайди деган нақлга амал қилган қизи Лаълихон ўз тақдирини ички ишлар тизими билан боғлади. Бу йилда отаси сингари тизимнинг ўзига хос машаққатларини енгиб ўтди. Мана, қатор йилларки республика ИИБ шахсий таркиб билан ишлаш хизмати катта инспектори лавозимида хизмат қилиб келмоқда.

Ҳаётда яхши ном қолдирган фидойи инсонларнинг номи йиллар оша шон-шавкатга бурканаверади. Шу маънода Ҳамидхон Набиҳоновнинг ҳаёти, унинг эзгу ишлари шогирдлари ва уни билганлар учун бир умр ибрат мактабидир.

Умрзоқ ҒАФҒОРОВ,
катта сержант.

ЭЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН УМР



лият унинг мансаб пиллапояларидан тез кўтарилишига сабаб бўлди. 1977 йилда вазирлик бошқармасининг бўлим бошлиғи этиб тайинланди. 1978 йилда Ҳ. Набиҳонов янада масъулиятли лавозимга – Транспорт ИИБ Тошкент аэропорти тармоқ ИИБ бошлиғи этиб тайинланди.

У ўтган йиллар ичида касб сирларини пухта ўзлаштирди. Зеро, қаерда, қайси лавозимда ишламасин вазиятни синчиклаб ўрганар ва унга ҳолис

хизмати бошлиғи лавозимларида сидқидилдан хизмат қилди. У Академия тингловчилари учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ётоқхона ва ўқув биноларини замонавий жиҳозлар билан таъминлаш, янги қурилишларни амалга ошириш бўйича катта ташкилотчилик ишларини олиб борди.

1995 йилнинг куз ойлари. Камина ўша вақтда туман газетасида муҳбир эдим. Хизмат тақозоси билан Ҳамидхон ака билан танишиб қолдим. Бир суҳбатимизда унга ички ишлар хизматига ўтиш учун ҳаракат қилаётганимдан, ҳужжатларимни топшириб қўйганимдан гап очдим.

– Жуда маъқул иш, – дедилар Ҳамидхон ака, – ички ишларида идораларида меҳнат қилиш шарафли, аммо ўта масъулиятли. Бунинг учун инсон жасур, мард ва қатъиятли бўлиши керак.

Мана, ўн бир йилдирки, шу соҳада ишлаб келаяпман. У кишининг ўғитлари ҳамон қулоқларим остида жаранглаб тургандай.

Инсон хотираси, умр мазмуни ҳақида гап кетганда адиб Мақсуд Шайхзоданинг қуйидаги машҳур байти албатта, тилга олинади.

*«Умрлар бўладик, тирикликда ўликдир,
Умрлар бўладик, мангуликда тирикдир».
Дарҳақиқат, яшамокдан маъни топмаган,
тирик бўлиб бировга нафи тегмаган инсонларни жонсиз жасадга ўхшатиш мумкин. Аксинча, ҳаётлигида яхшилик улашган, узоқ йиллар одамларга ибрат бўла оладиган яхшилар ёди эса мангуликка дахлдир.*

Жўраҳон Ризаев ана шундай умрини элга бахшида этиб, узоқ йиллар ички ишлар идораларида хизмат қилган фидойи инсон эди.

1976 йил. Эрта баҳор. Табиат кўклам таровати билан безанган тунларнинг бирини муҳаббат жиноят содир бўлди. Наманган тумани ички ишлар бўлими навбатчилик қисмига келиб тушган ҳабарга кўра, Терактўрғон қишлоғи ҳудудидан номаълум аёл жасади топилди. Воқеа жойига етиб борган тезкор гуруҳ аёлнинг ўлимига йўл транспорт ҳодисаси сабаб бўлганлигини аниқлади. Ҳайдовчи эса жабрланувчига тиббий ёрдам кўрсатиш ўрнига воқеа жойидан қочиб қолган. Фалокат тунда содир бўлган, гувоҳлар деярли йўқ. Бу эса тезкор гуруҳ ишини бир мунча қийинлаштириб қўйган эди.

Туман ички ишлар бўлими бошлиғи тезкор гуруҳга йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлимига катта инспектори капитан Жўраҳон Ризаевни ҳам жалб қилди. Табиийки, ўлим билан тугаган йўл-транспорт ҳодисаси айбдорини фош этиш ишларида асосий масъулият Жўраҳон Ризаевнинг зиммасида эди.

У ишни воқеа жойидан из олишдан бошлади. Йўлда қолган из трактор шиналариники эканига шубҳа қолмагач, у зудликда тумандаги барча хўжаликлар тракторларини текширишга киришди. Асосий эътиборни воқеа содир этилган ҳудудга те-

ҳайдовчиларни бирма-бир астойдил сўроқ қила бошлади. Кетма-кет ёғилаётган саволларга тугилиб, ноаниқ жавоб қилаётган қоровул охири:

– Бир пиёла чайимиз бор, – деди мавзунини бошқа ёққа буришга уриниб.

Бўлиб ўтган норасмий сўроқ вақтида калаванинг учи топилгандай бўлди. Ўтган кеч Мухтор тракторини гаражга қўймаганлиги аниқланди. Трактор гаражга келтирилгач эгасининг кеча оқшомда бўлган воқеани айтиб беришдан ўзга чораси қолмади.

Мухтор томорқасига солиш учун омборчидан икки қоп ўғит «гаплашиб» қўйган эди. Омборчи унга ўғитни қоронғи тушганда олиб кетишини тайинлади. Мухтор кеч тушишини кутиб тракторининг у ёқ-бу ёғини кавлаган бўлди. Оқшом чўкиб, дала йўлларида одам изи узилганда омборчи билан яримтани майдалашди. Ширакайф ҳолда тракторни ҳайдаб кетаётган Мухтор ёнгинасидан эшитилган аёл кишининг ваҳимали қичқирганидан ҳушёр тортиди, диққатини жамлаб улгурмай трактори бир нимага қаттиқ урилди. Қоронғиликда трактор остида қонга беланиб ётган аёлни кўриб, ҳуши бошидан учган Мухтор тракторни тезлатиб кўздан ланароққа бориб тўхтади. Далани қоқ иккига бўлиб

ЯХШИЛАР ЁДИ

ўтган йўлда бирорта зог, йилг этган чироқ кўринмасди. Энди нима қилиш керак деган хавотирли ўй Мухторни қийнар, ҳадеганда бир тўхтама келолмасди. Шунда унга аёлнинг ихраб-ихраб зўрға нафас олаётгани эшитилди, демак, у тирик. Шошилини тиббий ёрдам кўрсатиш, касалхонага олиб бориш керак, деган ўй билан унга яқинлашди. Бироқ «Касалхонага етиб бормай ўлиб қолса-чи, мени жиноий жавобгарликка тортишлари тайин», деган хавотир уни бу фикрдан қайтарди. Устига-устак тракторида икки қоп ноқонуний ўғит бор. Ҳаёлига келган сўнгги фикр унга маъқул кўринди, рулга ўтириб тракторни уйига ҳайлади. Уғитни уйда қолдириб, тракторни сой бўйидаги қўлмакка бурди.

Қоровул чол гаражга уст-боши лой, рангу рўйи учган бир аҳволда кириб келган Мухторнинг трактори лойга ботиб қолганлиги ҳақидаги ёлғонига ишонди. Ҳеч нарсадан беҳабар содда чолнинг мардлиги тутиб «Бир марта ёрдам берсам берибманда, одамгарчилик қилиш ҳам керак-ку!», деган ўй билан қишлоқ хўжалик техникаларининг кириш-чиқошини қайд этиш китобига «Мухтор Ҳақимовга бириктирилган трактор кеч соат 19⁰⁰ да гаражга қўйилди», деб қайд этиб қўйди.

Бу каби воқеалар Жўраҳон Ризаевнинг хизмат фаолияти давомида кўп учраган. Умрининг энг гуллаган даврини фуқароларнинг хавфсизлиги, оёсайнгаллигини таъминлашга, уларни жиноий таъовулардан ҳимоя қилишга бағишлади. Табиатидаги камтарлик, фидойилик унга отаси Ризахўжа акадан ўтган эди.

Ризахўжа ота ерга бўлган меҳри, касбихонарини ардоқлагани боис, оддий сувчиликдан жамоа хўжалиги раиси даражасига-

тўлган Жўраҳон отасига ички ишлар соҳасига ишга ўтиш истағи борлигини билдирди. У 1958 йил оддий сафдорликдан иш бошлади. Бу касбаги билимларини ошириш мақсадида 1971-1976 йилларда Тошкент Олий милиция мактабиде сирдан тахсил олди. Касбга бўлган меҳри, қатъияти туфайли майор унвонига сазовор бўлди. Ўттиз йиллик меҳнат фаолияти давомида у йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматида турли лавозимларда ишлади.

– Тўғрисузлиги, ўз ишига меҳри, фидойилиги билан раҳбарият ишончини қозонган Жўраҳон Ризаев қаерда тартиб бўшашса, ўша ерга юбориларди, – дея эслашади у билан бирга хизмат қилган сафдошлари. – Қандай лавозимда бўлмасин, у меҳнатсеварлиги, ҳушмуомалалиги билан жамоада ҳурмат қозониб, топширилган вазифани аъло даражада бажарарди. Илоҳим, жойи жаннатда бўлсин.

Жўраҳон Ризаев хизматда эришган ютуқлари учун бир неча бор рағбатлантирилган, Фахрий ёрликлар, кўкрак нишони билан тақдирланди.

Жўраҳон ака Ризаев бугун орамизда йўқ. Аммо у 74 йиллик умри давомида фақат эзгу амаллар қилиб, замондошлари хотирасида ёруғ из қолдирди. Умр йўлдоши Меҳринисо ая билан 5 нафар фарзандни воёга етказиб, уларни эл қорига ярайдиган ҳалол инсонлар этиб тарбиялади. Жалолхон расмон, Жамилахон ва Жамолхон ўқитувчилик касбини эгаллашди. Камолхон билан Жобирхон эса ота касбини танлашди. Камолхон вилоят ички ишлар бошқармаси ташкилий инспекторлик бўлимида, Жобирхон эса вилоят ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармасида хизмат қилаётти. Жўраҳон Ризаев ана шундай саодатманд инсон эди.

Дилбар ТУРҒУНОВА,
катта лейтенант.



ROSTDA-TV

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

3 июль – 9 июль


«Россия»,
душанба
21.10

Роберт Макдугал жиноят оламида устаси фаранг ўғри сифатида ном қозонган. Шунинг учун ҳам Нью-Йоркда Рембрандт мўйқаламига мансуб машҳур сурат ўғирлангач, ҳамма Робертдан шубҳаланади. Суғурта компанияси суриштирувчиси Виржиния Бейкер ўғрини тузоққа туширишга аҳд қилади...



Ролларда:
Шон Коннери, Кэтрин Зета-Жонс.

«ТУЗОҚ» («ЗАПАДНЯ»)



«Биринчи», канал, сешанба

2.30 «ЭЛЕН РИМБАУЭРНИНГ КУНДАЛИГИ» («ДНЕВНИК ЭЛЕН РИМБАУЭР»)

XX аср бошлари. Ёш қиз

Эллен сиэтлилик нефть магнати Жон Римбауэрга турмушга чиқади. Эри унга никоҳ тўйлари муносабати билан «Кизил Атиргул» номли ҳашаматли, айна пайтда сирли қаср ҳадя этади. Орадан муайян вақт ўтгач Эллен умр йўлдошининг қора ўтмишидан озроқ хабар топади...

Ролларда: Лиза Бреннер, Стивен Бренд, Кэйт Бартон.



ДТВ, чоршанба

23.00 «ХАЁТДАН ҲАМ ҚАДРЛИРОҚ» («БОЛЬШЕ, ЧЕМ ЖИЗНЬ»)

Жекка Вера лақабли урғочи фил мерос бўлиб қолади. Жек аввалига жониворни Шри-

Ланкага жўнатиб юбормоқчи бўлади, аммо йўл харажатларини ҳамёни кўтармайди. Хайвонот боғи борасида ҳам омади чопмайди. Вақт ўтгани сайин у Вера билан дўстлашиб қолади. Кейинроқ Жек бу қобилиятли фил ёрдамида Голливудда яхшигина мояна тўланадиган иш топиш мумкинлигини тушуниб қолади.

Ролларда: Билл Мюррей, Жанин Гарофало, Кит Дэвид.



ТВ 3, пайшанба

0.00 «ҚИРМИЗИ ОКИМ» («БАГРОВЫЙ ПРИЛИВ»)

Икки мамлакат президенти ҳам, атом сув ости кемаси

капитани ҳам дунёнинг энг қудратли одамларидан саналади. Аммо шундай дақиқалар бўладик, инсоният тақдирини бирор-бир буйруқнинг бажарилишига боғлиқ бўлиб қолади. Фильмда ҳам миллионлаб одамларнинг тақдирини капитаннинг қўлида. Океан суви қонга бўялиб, қирмизи тус олиш-олмаслиги унга боғлиқ.

Ролларда: Дэнзел Вашингтон, Жин Хэкман, Мэтт Крэйвен.

«Ўзбекистон» телеканал

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.50 Олтин мерос.
«Ёз – ўтмоқда соз»:
8.55 1. «Аловдиннинг сеҳрили шамчироғи». Болалар учун фильм. 2. «Шумтакалар». Мультсериал.
10.35 Д. Зокиров номидаги халқ чолғулари оркестрининг концерти.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Ақл ва идрок».
11.40 «Коматингдан ўргилай». Муқимий номидаги ўзбек давлат мусикали драма театрининг спектакли. 1-қисм.
12.45 «Коматингдан ўргилай». Спектакль. 2-қисм.
13.35 «Одами эрсанг...»
13.55 Олтин мерос.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон». Кундузги дастур.
15.20 «Ватанпарвар».
16.20 «Қалпоқ». Ҳажвий кўрсатув.
«Болалар сайёраси»:
16.50 «Эртақлар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Олтин мерос.
17.25 «Равнақ» студияси намойиш этади.
17.45 2006 – Ҳомийлар ва шифокорлар йили. «Эзгулик».
18.05 «Умр дафтари». 1-қисм.
18.25 «Қисмат». Телесериал (Япония)
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 Биржа ва банк хабарлари.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги». Телесериал премьераси.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Бир ўлка-ки...»
22.00 «Чин муҳаббат». Телесериал премьераси (Корея)
23.20 Тунги сериал: «Шаҳарлик фаришта».
23.45-23.50 Тунги наволар.

«Ёшлар» телеканал

16.55 Дастурнинг очилиши.
17.05 Шум болалар.
17.15 UzEX хабарлари (инглиз тилида)
17.25 «Радиодан кўрсатимиз...»
17.45 UzEX хабарлари (рус тилида)
18.00 «Қирқ тоғоранинг қирқ ногораси». Сериал.
19.00 Давр.
19.35 Ракурс.
19.50 UzEX хабарлари.
20.00 Спорт-лотто.
20.10 Ватан ҳақида ўйлар.
20.15 CINEMANIYA.
20.35 Ёшлик наволари.
21.00 «Фурур». Сериал. 11-қисм.

22.00 Давр.
22.40 Кўнгил таронаси.
23.00 «Елгон асираси». Сериал.
23.45 – 23.50 Орзулар бека-ти.

«Тошкент» телеканал

18.05 Кўрсатувлар тартиби.
18.15 «Болажонлар экрани».
18.30 «Пойтахт». (рус)
18.50 «23, 5 даражали бурчак остида». Хужжатли телесериал.
19.15 «Саломат бўлинг» (рус).
19.30 «Табриклаймиз, кутлаймиз».
20.00 «Пойтахт».
20.25 «Яхши-ёмон йигитлар». Телесериал. (рус).
20.50, 21.25 «Телекурьер маркет».
21.00 «Оқшом наволари».
21.35 «Журналист таҳлили».
22.00 «Эҳтиёт бўлинг, пул». Бадий фильм. (рус).
23.30-23.35 «Хайрли тун, шаҳрим».

«Sport» телеканал

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
8.30 Мультфильм.
9.00 «Талкин». Информацион-таҳлилий кўрсатув.
9.30 «Детективы».
10.05 Цирковая программа.
10.35 «По секрету всему свету». Фильм для детей.
11.15-12.10 «Талисман». Сериал.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 Мультфильм.
18.30 «Хабарлар» (Рус тилида)
18.50 «Спортимиз маликалари».
19.05 «Звезды мирового спорта».
20.00 «Вести».
20.20 «Тет-а-тет».
20.30 Теннис. Уимблдон.
21.30 «Хабарлар» (ўзб тилида)
21.50 «Заколдованный участок». Сериал.
22.40 «Проф-РИНГ».
23.30 Велоспорт. Тур де Франс.
24.00 Енгил атлетика. Европа кубоги.
0.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-й канал

17.00 «Хитпарад плюс»
18.00 Мультфильм
18.20 Мусикий лаҳзалар
18.40 «Тараққиёт - ТВ»
19.00 Ошиқона
19.40, 21.45 Телехамкор
20.00 Мусикий табассум
21.00 «София, дай мне время», сериал
21.55 Мусикий табассум
22.25 «Бухоро бугуси»
22.30 «Қашқирлар макони», сериал

«Первый»

4.55 «Доброе утро»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 23.10, 4.00 Новости
8.05 «Доброе утро»
8.35 «Месть Алтайской принцессы». Док. фильм
9.30 «Детективы»
10.05 «Малахов +»
11.15 Премьера. «Часовые до-рог»
12.25 «Любовь и коварство»
13.00 «Без комплексов»
14.15 Сериал «Сыщики»
15.20 «Доктор Курпатов»
15.55 «Пусть говорят»
17.20 «Криминальная Россия»
17.50 «Любовь как любовь». Фильм
18.55 «Федеральный судья»
20.00 Время
20.30 «В ритме танго». Фильм
21.25 «Закрытие кинофестиваля»
22.20 «На ночь глядя»
23.25 Фильм «Новый мировой беспорядок»
1.05 Комедия «Игрушки»
2.00 Время
3.35 «Безумие большого города»
4.30 «Шутка за шуткой»

«Россия»

4:00 «Доброе утро, Россия!».
7:45 Фильм «Целуют всегда не тех»
9:15 «Тайна трех океанов»
10:00, 12:50, 15:40, 18:40, 23:15, 3:40 ВЕСТИ.
10:50 Сериал «Крот-2».
13:40 Сериал «Тайны следствия».
16:40 «Обреченная статья звездой». Телесериал.
17:40 Сериал «Волчица».
20:05 «Спокойной ночи, малыши!».
20:15 Сериал «Дети Ванюхина».
21:10 Фильм «Западная»
23:35 Сериал «Угон»
0:40 «Дорожный патруль».
0:50 Фильм «Черный шар»
2:25 «Евроныос»

НТВ

5:00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»
7:10 Сериал «АДВОКАТ»
8:00 «КУЛИНАРНЫЙ ПОЕДИНОК»
9:00, 12:00, 15:00, 18:00, 21:00 СЕГОДНЯ
9:25 «ЧИСТОСЕРДЕЧНОЕ ПРИЗНАНИЕ»
10:00 «КВАРТИРНЫЙ ВОПРОС»
11:00 Сериал «ЖЕНЩИНЫ В ИГРЕ БЕЗ ПРАВИЛ»
12:30 Сериал «МАРШ ТУРЕЦКОГО»
14:30 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»
15:25 Сериал «УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ-4»
17:35 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»
18:40 Сериал «ОСТРОГ. ДЕЛО ФЕДОРА СЕЧЕНОВА»
19:45 Сериал «ВСЕ ВКЛЮЧЕНО»
20:50 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»
21:45 Сериал «ЛАНДЫШ СЕРЕБРИСТЫЙ»
22:45 Сериал «СЕКС В БОЛЬШОМ ГОРОДЕ»
23:45 «ШКОЛА ЗЛОСЛОВИЯ»
0:40 Боевик «АМЕРИКАНСКИЙ НИНДЗЯ 3: КРОВАВАЯ ОХОТА»
2:10 «ЭНЦИКЛОПЕДИЯ ТАЙН»
3:05 Сериал «ДЖОУИ»
3:50 Сериал «АЛЬФ»
4:15 «ГВАРДИЯ». Док. сериал

ТВ 3

7.30 Победоносный голос верующего.
8.00, 14.30 Мультсериалы
10.00 Худ. фильм «ПРОПАВШИЙ ДИНОЗАВР»
12.00 Худ. фильм «АКАДЕМИЯ РАШМОР»
14.00 «Осторожно, модерн!»
15.00 Худ. фильм «СЫНОВЬЯ БОЛЬШОЙ МЕДВЕДИЦЫ»
17.00 Худ. фильм «БЕРЕГ ЧЕСТИ»
19.00 Сериал «ГОРЕЦ-3»
20.00 Худ. фильм «КО МНЕ, ПИНГ!»
22.00 Худ. фильм «УБЕЖИЩЕ»
0.00 Худ. фильм «АЛЛЕЯ ПЕРЕРЕЗАННОЙ ГЛОТКИ»
2.00 Худ. фильм «ПРЕЗРЕНИЕ»
4.00 Сериал «ГОРЕЦ-3»
4.45 Худ. фильм «ДЕЛО ЗАКРЫТО»

ДТВ

7.30, 15.30 Мультфильмы.
9.05, 20.00 Смешное видео.
9.30, 16.30 «Как уходили кумиры»
9.55 «Неслучайная музыка».
10.00 Телемагазин.
10.30 «Карданный вал +».
10.50 Худ. фильм «МИЛАЯ ЕВАНГЕЛИНА».
12.50 «Деньги с неба».
13.00 Самое смешное видео.
13.30 Сериал «КОМАНДА «А»».
14.30 Детектив «КРУТОЙ УОКЕР».
17.00 Фильм «ПОСЛЕДНИЕ ДНИ ПОМПЕИ».
18.50 «Неслучайная музыка».
19.00 Детектив «КРУТОЙ УОКЕР».
20.55 Сериал «ЕВРОПЕЙСКИЙ КОНВОЙ».
22.00 Сериал «ОКРУГ КОЛУМБИЯ».
23.00 Худ. фильм «ПРЕДАТЕЛЬСТВО».
1.05 «Карданный вал +».
1.20 Агентство криминальных новостей.
1.45 Сериал «КОМАНДА «А»».
2.30 Музыка

ТНТ

4.45 «Москва: инструкция по применению»
5.10 «ДЕВСТВЕННОЦА». Теле-новелла
6.05 «Глобальные новости»
6.10, 11.35 «Никелодооны»
7.25 Наши песни.
8.00 «ГОРОДСКИЕ СТИЛЯГИ». Комедия
10.20 «Уморы»
12.30 Такси.
13.00 Деньги на проводе.
13.30 «БУНКЕР, ИЛИ УЧЕНЫЕ ПОД ЗЕМЛЕЙ». Детектив
14.00, 0.35 ОФИС
15.00, 20.00, 23.15 «Дом-2»
16.00 Школа ремонта
17.00 Возможности пластической хирургии
18.00 Такси.
18.30 Москва: инструкция по применению.
19.00 «Необъяснимо, но факт»
21.00 Комедия «АСТЕРИКС И ОБЕЛИКС ПРОТИВ ЦЕЗАРЯ»
15.00, 20.00, 22.30 «Дом-2»
16.00 «Клуб бывших жен»
17.00 «Дикие дети»
18.00 Такси.

18.30 «Деревня дураков»
19.00 «Необъяснимо, но факт»
21.00 Комеди Клуб.
22.00 «БУНКЕР, ИЛИ УЧЕНЫЕ ПОД ЗЕМЛЕЙ». Детектив
23.00 «Секс»
23.30 «Настоящий мужчина»
0.30 Наши песни.
0.50 «БОЛЬШОЙ ЛЕБОВСКИ». Комедия
3.05 «Голод»

СТС

7.00 «ПРИКЛЮЧЕНИЯ ЭЛМО». Худ. фильм.
8.05, 10.30 Мультфильмы
10.00 «Улицы Сезам».
11.00 Кино «РЕБЕНОК НА БОРТУ».
13.00 «Хорошие песни»
15.00 «Снимите это немедленно»
16.00 «Тайны тела»: «Яды», «Коварный рак».
17.00 «Истории в деталях»
17.30 «УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ». Фильм
18.30 Кино «МЕТРО».
20.50 Комедия «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
22.00 Кино «НЕЧЕГО ТЕРЯТЬ».
0.00 «Хорошие шутки»
2.00 Кино «ПОЛЛОК».
4.00 Кино «ЛЮБОВЬ И ПУЛИ».
5.20 «Освенцим. Шокирующее начало».
6.10 Музыка

7 ТВ

6.00, 2.00 Ле-Ман: историческая гонка.
7.00, 8.00 Веселые старты.
9.00 Мультфильмы.
9.30 «ПОЛОСАТОЕ ЛЕТО». Телесериал.
10.30 «220 вольт».
10.40, 3.00 Музыкальный трек.
11.00 Точка опоры.
11.30 Золотые страницы истории F-1.
12.30 18.40 Гонки RTCC.
12.40 KOTV: классика бокса.
13.30, 23.30 Бокс. Легендарные бои XX века.
14.00 NASCAR: Back in the day.
14.30, 20.30 «Motorsport Mundial». Журнал мирового автоспорта.
15.00, 20.00 Total регби.
15.30, 21.30 Гольф. Европейская неделя.
16.00, 19.00 «Легкая атлетика». Журнал IAAF.
16.30, 21.00 Gillette World Sport.
17.00 Rally Action.
18.00, 22.10 Звезда автострады.
18.10, 22.00, 1.00, 5.00 AutoFashion.
18.30, 22.30 Картинг.
19.30 Бега и скачки.
22.40 KOTV: классика бокса.
1.10, 3.10 Покер.
4.00 Ужасы спорта.
4.10 Бешеные колеса.
4.30 Магия оружия.
4.40 Экстремальный контакт.
5.10 Конный спорт. Турнир Московской области по выездке.

«Ўзбекистон» телеканалли

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом; Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ-анонс.
8.40 Олтин мерос.
«Ёз – ўтмоқда соз» :
8.50 1. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа. 2. «Сохибжамол ва махлук». Мультфильм.
11.00 ТВ-анонс.
11.05 «Саломатлик сирлари».
11.25 Ватан ҳақида кўшиқлар.
11.35 «Ҳажвия бисотидан».
12.00 «Навобахш».
12.45 ТВ-анонс.
12.50 «Иложсиз муҳаббат». Бадиий фильм.
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
15.20 «Оддий ҳақиқатлар». Ток-шоу.
«Болалар сайёраси»:
16.10 «Олтин тож». Телеўйин.
16.45 «Шўрданак». Ҳажвий кўрсатув.
17.15 «Одами эрсанг...»
17.35 «Интеллектуал ринг».
18.20 «Оҳанглар оғушида».
18.25 «Жиддий ўйин».
19.30 «Тахлилнома» (рус тилида)
20.05 «50x50». Ток-шоу.
21.00 «Тахлилнома».
21.50 «Шийпондаги учрашувлар». Дала меҳнаткашлари хузурида.
22.35 «Кўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
22.45 «Юлдуз билан учрашув». Бадиий фильм (Америка)
0.15-0.20 Тунги наволар.

«Ёшлар» телеканалли

6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.05 Полапон.
8.20 «Шрек». Мультфильм.
9.45 «Камолот» хабарлари.
9.55 Анонслар.
10.00 «Ватанпарвар» дастури.
11.00 «Journal» (инглиз тилида)
11.15 Якшанба нонуштаси.
11.45 Оҳанрабо.
12.25 «Такдир». Сериал (яқунловчи қисм)
13.15 «ЯНГИ КУН». Ахборот дам олиш дастури.
14.15 Анонслар.
14.20 Чемпион сирлари.
14.40 Футбол. Жаҳон чемпионати. 3 ўрин учун ўйин.
16.20 Кино SMS.
16.25 «Ханда» ижодий гуруҳи такдим этади: «Гап йўқ».
17.10 Рўзғор мактаби.
17.35 Ёнимдаги бахт.
17.40 Ёшлар куйлаганда.
17.55 Анонслар.
18.00 «Қилин қирқ ёриб». Интеллектуал ўйин.
18.55 Иқлим.
19.00 «Давр» ҳафта ичида.
19.35 Анонслар.
19.40 «Ошуфта дил». Феруза Жуманиёзова куйлайди.
20.20 Эълонлар.
20.30 «ЗЕРДА». Сериал. 4-қисм.
21.30 Кўнгила таронаси.
21.40 CINEMANIYA.
22.00 «YOSHLAR» да премьераси: «Кисна». Бадиий фильм (Хиндистон)
0.45-0.50 Орзулар бекати.

«Тошкент» телеканалли

«8.00-13.00» гача кўнгилочар информацион мусикий дастур.
18.05 Кўрсатувлар тартиби.
18.15 «Болажонлар экрани».
18.35 Ўзбекистон менинг Ватаним: «Шундай маскан бор». Телевизион фильм.
18.50 «23, 5 даражали бурчак остида». Хужжатли телесериал.
19.15, 20.55, 22.40 «ТВ-анонс».
19.20, 21.20 «Телекуръер маркет».
19.30 «Табриклаймиз, кутлаймиз».
20.00 «Журналист тахлили».
20.20 «ТВ-юрист».
20.25 «Туризм ҳақида». (рус).
21.00 «Оқшом наволари».
21.30 «Нима учун?»
22.10 «ТВ-юрист».
22.15 «Сиз кутган учрашув». Ё. Ражабов.
22.45 «Холодильникда кимдир бор». Бадиий фильм.
23.55-24.00 «Хайрли тун, шаҳрим».

«Sport» телеканалли

7.30 «Хабарлар».
7.50 «Бодрое утро».
8.50 «Хабарлар» (Рус тилида)
9.10 «Непутевые заметки».
9.25 «Пока все дома».
10.10 «Кувноқ стартлар».
10.50 «Рақибингиз гроссмейстер».
11.10 «Ералаш».
11.45 «Келин-куёв». Ток-шоу.
12.50 «Звезды юмора».
14.45-15.00 «Кўнгила йўл».
18.00 «Болалар спорти».
18.20 Мультфильм.
18.30 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
19.00 «Спорт уик-энд».
19.40 «Тайм - аут».
20.00 «Вести».
20.20 Теннис. Уимблдон.
21.10 «Халқ ўйинлари».
21.30 «Талқин». Информацион-тахлилий кўрсатув.
22.00 «Ровесник».
22.20 Жаҳон чемпионати-2006 кундалиги.
22.50 Футбол. Жаҳон чемпионати. Финал. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
1.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-й канал

9.05, 11.00, 17.45, 19.00 Телехамкор
9.20 «Приключения Рекса», мультфильм
10.00 Документальный фильм
11.15 Х/ф «Один дома 4»
12.45 Мусикий табассум
13.00 Телеэкспромт
13.20 Хит-парад - плюс
14.20 «Шоу-бизнес янгиликлари»
14.50 Болалар соати
15.30 Аёллар орзуи
16.00 «До-Ми-Соль шоу»
17.20, 18.00 Мультфильми
18.20 Мусикий лаҳзалар
18.30 «Сўғдиёна»
19.20 Ошиқона
20.00 «30-й кадр»
20.30 Мусикий табассум
21.00 «Якшанба оқшомида»
21.45 Мусикий табассум
22.10 Х/ф «Смокинг»

«Первый»

5.00, 9.00, 11.00 Новости
5.45 Фильм «Это сильнее меня»
7.25 Армейский магазин
7.55 «Безумие большого города»
9.10 «Непутевые заметки»
9.25 Пока все дома
10.10 «Мой папа-Шалыпин». Док. фильм
11.10 «Ералаш»
11.45 Премьера. «Великие династии: Волконские»
12.50 «Звезды юмора»
14.45 Фильм «Ноттинг-хилл»
17.00 Времена
17.50 «Ералаш»
18.05 70 лет Госавтоинспекции России. Концерт
20.00 «Время»
20.45 Фильм «Враг государства»
22.55 «Идолы». Чарли Чаплин
23.55 Детектив «Коломбо отправляется в колледж»
1.35 Сериал «Дефективный детектив»
2.15 Кино «Семейное счастье»
3.40 «Пока все дома»
4.20 «Шутка за шуткой»

«Россия»

4:55 Детектив «Дело № 306»
6:30 «Сельский час».
7:00, 10:00, 13:00, 19:00 ВЕСТИ.
7:20 Комедия «Флинтстоуны»
9:05 «Опустела без тебя земля... «Майя Кристалинская».
10:20 «Аншлаг и Компания».
11:15 Сериал «Частный детектив».
12:15 «Парламентский час».
13:20 «Фитиль №94»
14:05 Фильм «Благословите женщину». 2003г.
16:25 Концерт Кубанского казачьего хора.
17:40 «Москонцерту - 75!».
20:00 «Специальный корреспондент».
20:25 Фильм «Не все кошки серы...»
22:25 Фильм «Неверная»
00:50 Комедия «Жених напрокат»
2:40 Сериал «Гора»
3:20 «Евроныус»

НТВ

3:50 Фильм «СЕМЬЯНИН»
5:50 Мультфильмы
6:30 «Сказки Баженова»
7:00, 9:00, 12:00, 15:00, 18:00, 21:00 СЕГОДНЯ
7:15 Сериал «ПОЛИЦЕЙСКИЙ КЭТТС И ЕГО СОБАКА»
7:40 «ИХ НРАВЫ»
8:25 «ЕДИМ ДОМА!»
9:20 «ТОР ГЕАР»
9:55 «СЧАСТЛИВЫЙ РЕЙС»
11:05 «РАСТИТЕЛЬНАЯ ЖИЗНЬ»
12:25 «СТИХИЯ»
13:00 Фильм «ДОБРОВОЛЬЦЫ»
15:30 «ОДИН ДЕНЬ. НОВАЯ ВЕРСИЯ»
16:05 «СВОЯ ИГРА»
17:00 Сериал «МАРШ ТУРЕЦКОГО»

18:40 «ЧИСТОСЕРДЕЧНОЕ ПРИЗНАНИЕ»
19:55 Сериал «УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ»
20:55 Детектив «БЕГЛЕЦ»
23:20 ТЕННИС. УИМБЛДОНСКИЙ ТУРНИР. Финал. Женщины
1:25 Сериал «ПРОТИВОСТОЯНИЕ»
4:35 «АНАТОМИЯ ПРЕСТУПЛЕНИЯ»

ТВ 3

7.30 Жизнь, полная радости.
8.00 Мультфильмы.
10.00 Худ. фильм «МАЛЕНЬКИЕ ГЕРОИ-3»
12.00 Худ. фильм «ТРЕСТ, КОТОРЫЙ ЛОПНУЛ».
16.30 Курьер.
17.00 Худ. фильм «ЧЕРНЫЕ ТИГРЫ»
19.00 Сериал «ГОРЕЦ-3»
20.00 Худ. фильм «ВОЗДУШНЫЕ ПИРАТЫ»
21.30 Х/ф «ТУМСТОУН»
0.00 Х/ф «ЛОЖНЫЙ ОГОНЬ»
2.00 Худ. фильм «ЛЕГЕНДА О ДЬЯВОЛЕ»
4.00 Сериал «ГОРЕЦ-3»
4.45 Худ. фильм «ВСЕ ЧТО НУЖНО»

ДТВ

8.00 Сериал «НАПРЯГИ ИЗВИЛИНЫ»
8.55 Для милых дам.
9.25 Мультфильмы.
11.10 Фильм «ЧИСТОЕ НЕБО».
13.30 Сериал «ВСПОМНИТЬ ВСЕ».
14.30 «Звездная семейка».
15.30 «Время - деньги».
15.55 Сериал «ЕВРОПЕЙСКИЙ КОНВОЙ»
18.00 Смешное видео.
18.30 «Этот безумный мир».
19.00 «Шоу российских рекордов»
20.00 Фильм «ЧАРОДЕИ»
23.15 Детективный сериал «С.С.1 МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ ЛАС-ВЕГАС»
1.25 «Шоу российских рекордов»
2.25 «Без предупреждения».
3.20 «Осторожно, афера!»
3.40 Сериал «ВСПОМНИТЬ ВСЕ».
4.25 Сериал «НАПРЯГИ ИЗВИЛИНЫ»
5.10 «Звездная семейка».
5.55 Музыка

ТНТ

6.00 «Неизвестная планета»
6.25 Мультфильмы.
7.20 «Антология юмора»
8.05 «Фигли-Мигли»
8.35 «Деревня дураков»
9.00 «Драконы острова Комодо». Док. фильм.
10.05 «УБИТЬ БЭЛЛУ». Комедия
12.00 «САША + МАША»
12.30 Такси.
13.00 «Дикие дети»
14.00 «Шанс»
15.00, 20.00, 22.30 «Дом-2»
16.00 «САША + МАША»

16.30 «БУНКЕР, ИЛИ УЧЕНЫЕ ПОД ЗЕМЛЕЙ». Детектив
17.00 «Школа ремонта»
18.00 Такси.
18.30 «Москва: инструкция по применению»
19.00 «Капитал»
21.00 Комеди Клуб.
22.00 «БУНКЕР, ИЛИ УЧЕНЫЕ ПОД ЗЕМЛЕЙ». Детектив
23.00 «Секс»
23.30 Наши песни.
23.55 «СТРАХ И НЕНАВИСТЬ В ЛАС-ВЕГАСЕ». Комедия
2.05 «Голод»

СТС

7.00 «МЕДВЕДЬ И Я». Худ. фильм.
8.30, 10.30 Мультфильмы
10.00 «Улицы Сезам».
13.00 «Жизнь прекрасна»
15.00 «Снимите это немедленно»
16.00 «Тайны тела»: «Пища атакует», «Допинг».
17.00 «Истории в деталях»
17.30 «НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ».
22.00 Кино «ГОЛУБАЯ ВОЛНА».
0.00 «6 кадров»
0.30 Кино «ПЕС-ПРИЗРАК. ПУТЬ САМУРАЯ».
2.50 Кино «АДАПТАЦИЯ».
4.40 Кино «ШАНТАЖ».
6.10 Музыка

7 ТВ

6.00, 2.00 Ле-Ман: историческая гонка.
7.00, 8.00 Веселые старты.
9.00 Мультфильмы
9.30 «ПОЛОСАТОЕ ЛЕТО». Телесериал.
10.30 «220 вольт».
10.40, 3.00 Музыкальный трек.
11.00, 15.30 Бега и скачки.
11.30, 0.00 Rally Action.
12.30, 16.40 Картинг.
12.40 KOTV: классика бокса.
13.30, 23.30 Бокс. Легендарные бои XX века.
14.00 Гольф. Европейская неделя.
14.30 AutoFashion.
14.40, 1.00, 5.00 Звезда автострады.
15.00 «Легкая атлетика». Журнал IAAF.
16.00 Total pegbi.
16.30, 22.30 Гонки RTCC.
17.00 Золотые страницы истории F-1.
18.00, 22.00 NASCAR: Back in the day.
18.30 «Motorsport Mundial». Журнал мирового автоспорта.
19.00 Gillette World Sport.
19.30, 20.30, 21.30 Экстремальный спорт.
22.40 KOTV: классика бокса.
1.10, 3.10 Покер.
4.00 Ужасы спорта.
4.10 Бешеные колеса.
4.30 Магия оружия.
4.40 Экстремальный контакт.
5.10 Конный спорт. Кубок губернатора Московской области.


ОГУФУРУШЛАР ҚОПҚОНДА

Испания полицияси гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний савдоси билан шуғулланувчи халқаро жиноий гуруҳнинг 14 нафар аъзосини қўлга олди. Гуруҳ таркибида албанлар, руминлар, инглизлар, голландияликлар, колумбияликлар, хуллас, турли миллат вакиллари бор эди. Жиноятчилардан 53 килограмм героин олиб қўйилди. Қўлга олинганларнинг баъзилари илгари ҳарбий ёки ўз мамлакатлари махсус хизматларининг ходими бўлишган.

Операция 2006 йил январида бошланган эди. Ўшанда албаниялик оғуфурушнинг изига тушишга муваффақ бўлинди. Тахминга кўра, жиноий гуруҳга у раҳбарлик қиларди.

Июнь ойи бошларида гуруҳ Албания ва Голландия фуқаролари воситачилигида катта миқдорда героинни қўлга киритди. Заҳри қотил яширин йўллар билан Оригуэла-Коста шаҳрига олиб келинди. Сўнг жиноий гуруҳ етакчилари героинни Испанияда зудлик билан сотишга қарор қилишди. Уни юк автомобилли шиналарига жойлаб, машина тузатиш устахонасига олиб келишди. Оғуфурушларнинг бир қисми «юк»ни туширишаётган пайтда қўлга олинди.

Мусодара қилинган гиёҳвандлик моддаси 1 миллион 900 минг евро миқдорда баҳоланмоқда. Бундан ташқари оғуфурушлардан бешта автомобиль ва ўн бешта уяли телефон мусодара қилинди.



БУНИСИГА НИМА ДЕЙСИЗ?

Сешанба кунин Россиянинг Омск шаҳрида юз берган йўл-транспорт ҳодисаси туфайли 16 киши турли даражада тан жароҳати олган. Бу ҳақда «Новости» ахборот агентлиги хабар берди. Воқеа жойида «Газель» ва «Тойота» русумли автомобиллар тўқнашиб кетишган.

Жабрланганлардан беш киши касалхонага ётқизилган. Қолганларга дастлабки тиббий ёрдам кўрсатилгач, муолажани амбулаторияда давом эттириш тавсия қилинган.

Хўп, автомобилларнинг бир-бирига урилиб кетишини тушунса бўлади. Лекин бепоеён осмонда самолётларнинг тўқнашиб кетишига нима дейсиз? АҚШнинг Лемор ҳарбий-денгиз авиабазасига қарашли икки самолёт ўқув машқи чоғида бир-бирига урилди. Учувчилардан бири парашютда сакрашга улгурди, иккинчиси эса ҳалок бўлди. Махсус комиссия ҳалокат сабабларини ўрганмоқда.


ДИҚҚАТ!.. АСТЕРОИД

Сайёрамаизга диаметри ярим километрча келадиган астероид яқинлашмоқда. 3 июль куни у Ерга шунчалик яқин келадикки, ҳаваскорлар телескопида ҳам кўриш мумкин бўлади.

Америкалик астрономлар имкониятдан фойдаланиб «2004XP14» деб ном олган ушбу самовий жисмини Мохаве саҳросида ўрнатилган қудратли радар

ёрдамида ўрганишмоқчи. Бунда астероиднинг массаси, тезлиги, шунингдек, ҳаракатланиш орбитасини аниқлашади.

Астероид 3 июль тонготарида айниқса, Шимолӣ Америка қирғоқлари аҳолисига аниқроқ кўрилади. Дунё вақти билан эрталаб соат 4.25 да у билан сайёрамаиз орасидаги масофа «атиғи» 432 минг 308 километрни ташкил этади.



ТУНГИ РЕЙД



Тунги рейд чоғида Исроил махсус хизмати ҳарбийлари Фаластин Мухторияти ҳукумати таркибига кирувчи бир қанча вазирларни ҳибсга олишди. Уларнинг барчаси ХАМАС ҳаракати вакиллари дидир. Баъзи бир маълумотларга кўра, ҳибсга олинганлар орасида Мухторият Бош вазирининг ўринбосари Исмоил Нассир ал-Шахер ва диний масалалар вазирини Нассир Найеф Ражуб ҳам бор.

Ушбу рейдлар илгарироқ фаластинлик жангарилар томонидан Исроил армияси капрали Гилад Шалитнинг ўғирланганига жавобан ўтказилапти. Чоршанба кунин кечқурун жангарилар яна бир исроиллик фуқарони гаровга олганликларини маълум қилишди.

ПИВОХЎР ИШҚИБОЗЛАР



Англиядан келган футбол ишқибозларига немислар пиво етказиб беришолмаяпти. Биргина Нюрнберг шаҳрида 70 минг ишқибоз 682 минг литр пивони ичиб қўйишди. Англия терма жамоаси учрашувлар ўтказган бошқа шаҳарларда ҳам шу аҳволни кузатиш мумкин.

Нюрнбергдаги қовоқхоналардан бирининг хўжайини Херманн Мурр: «Улар бир кунда мен гамлаб қўйган ҳамма пивони ичиб бўлишди», — дея тан олди. Бу ҳол такрорланмаслиги учун «ДАВ» пиво ишлаб чиқариш корхонаси маҳсулот тайёрлаш ҳажминини оширди.

ВАҲШИЙЛИК

Эсингизда бўлса, 3 июль кунин террорчилар Россиянинг Богдадаги дипломатларига ҳужум қилишган эди. Ҳужум чоғида дипломатик миссия ходими Виталий Титов ҳалок бўлади, Россия Федерациясининг Ироқдаги Элчихонаси учинчи котиби Фёдор Зайцев ва Элчихона ходимлари Ринат Аглиулин, Анатолий Смирнов ҳамда Олег Федосеев гаровга олинганди. Кейинроқ гаровдагиларнинг шифқатсизларча ўлдирилгани маълум бўлди.

Яқинда БМТ Хавфсизлик Кенгаши ўз баёнотида ушбу хунрезликни кескин қоралади. Кенгаш марҳумларнинг оила аъзоларига ва яқинларига ҳамдардлик билдирди. Баёнотда: «Бундай хатти-ҳаракатларни ҳеч қанақасига, оқлаб бўлмайди, Хавфсизлик Кенгаши БМТ Уставида белгиланган вазифаларига мувофиқ бундан кейин ҳам терроризмга қарши мurosасиз курашаверади», — дейлади. Ташкилот барча давлатларни ушбу хунрезлик ташкилотчилари ва ижрочиларини излаб топишда ёрдам беришга чақирди.

Ўз навбатида Россия томони ҳам дипломатларнинг қотилларини топиб жазолаш борасида барча чоралар кўрилаётгани маълум қилишди. Россия Президенти В. Путин бу ҳақда махсус хизматлар раҳбарларига топшириқ берди.

«Биз бирорта ҳам террорчи жазосиз қолмаслиги йўлида қўлимиздан келган барча ишни қиламиз. Бунинг учун вақтимизни ҳам, кучимизни ҳам аямаймиз», — деди Россия Федерацияси ФХХ директори Н. Патрушев.

ДАРОМАДГА ЯРАША БУРОМАД

Хитой Халқ Республикаси Молия вазирини Цзинь Жэньбин 27 июль кунин мамлакатнинг бюджети 20 фоизга ошиб, 395

миллиард АҚШ доллари га етганлигини маълум қилди. Бу ҳақда «Xinhua» агентлиги хабар тарқатди. Ўз навбатида ҳаражатлар ҳам 19,1 фоизга ошиб, 424,1 миллиард долларга етган. Бу даромаддан 28,5 миллиард ошиқ дегани. Бюджет даромадининг ошишига молия, солиқ ва божхона идоралари катта ҳисса қўшишган. Бундан ташқари ўтган йили Хитойда 87,8 миллиард долларлик облигациялар чиқарилиб, улардан олинган фойданинг деярли ҳаммаси давлат газнасига тушди.

Цзинь Жэньбин 2003 йилдан буён мамлакат Молия вазирлиги га бошчилик қилмоқда. У илгари солиқ идорасининг раҳбари эди.



ҶИММАТ

Яқинда миллиардер Уоррен Баффет 31 миллиард АҚШ долларини хайрия мақсадлари учун сарфлашини маълум қилган эди. Голливуд кино юлдузи Жеки Чандан бунга муносабатини сўрашганида: «Мен Баффет ва Гейтс каби бадавлат эмасман. Лекин бор мол-давлатимнинг 50 фоизини ўлимимдан сўнг ўзимнинг номимдаги хайрия жамғармаси ҳисобига ўтказиш ҳақида вазият қолдирмоқчиман», — деди. Ушбу жамғарма 1988 йилда Гонконгдаги муҳтож ўсмирларга ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этилган эди. Ҳозирда мазкур ташкилот фаолияти деярли бутун Осиё минтақасини қамраб олган. Эндиликда Жеки Чан номдаги хайрия фонди шунингдек, табиий офатлардан жабр кўрганларга ёрдам кўрсатади, тиббий тадқиқотларни молиялаштиради ва санъатга кўмаклашади.

Таниқли актёр қолган мол-дунёсининг катта қисминини хотинига мерос қилиб қолдирмоқчи. Ундан ортганини нима қилиш ҳақида ҳали бирор қарорга келгани йўқ.



ҲАММАНИ ҲАМ ТҮЙГА ЕТКАЗСИН

— Умрни бежиз оқар сувга қиёслашмас экан, — дейди Фаргона шаҳар ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлими милиционер, катта сержант Фахриддин Қамбаров хиёл кулимсираганча, — назаримда кечагина эгнимга форма кийиб, ички ишлар соҳасида хизматни бошлагандайман. Шунга ҳам мана, роппа-роса 21 йил бўлибди...

— **Дастлаб анъанавий савол: ички ишлар ходими касбини танлашингизнинг боиси нима?**

— Ҳарбий хизматдан қайтиб келганимдан сўнг ўйлаиб қолдим. Ўйлай-ўйлай ҳужжатларимни ички ишлар бошқармасига топширдим.

Бир куни уйимизга профилактика инспектори келди. «Юринг, сизни бошқармага олиб боришим керак», — деди. Ҳужжат топшириб қўйганим мутлақо хаёлимда йўқ денг. Нега мени ички ишлар бошқармасига чақирдишяпти экан, деб бир оз безовта ҳам бўлдим. Етиб борганимдан сўнг эса ҳаммаси ойдинлашди. Мени кўриқлаш бўлими милиционерлари лавозимига ишга қабул қилинганим ҳақидаги буйруқ билан таништиришди.

Шу куниеқ тунги гуруҳ таркибида хизмат фа-

олиятим бошланди. Тажрибали милиционерларга бириктириб қўйишди. То тонггача фуқаро кийимида ҳамроҳларим билан шаҳар айланиб чиқдик.

Ўша пайтларда ички ишлар идораси хизмати ҳақида дурустроқ тасаввурим ҳам йўқ эди. Бора-бора гўёки оҳанрабои бордек, ишимга шу қадар қизиқиб қолдимки, кейинчалик шу соҳани танлаб адашмаганлигимга иқроор бўлдим.

— **Иш билан бўлиб бошқаларга ўхшаб тўймабракларга қатнашишга ҳам имкон топилмай қолади. Хизматдан нолиган пайтларингиз бўлганми?**

— Қилаётган ишингиз ўзингизга чинакам ёқса, ҳар қандай қийинчилик ҳам чикора экан.

Мана, сиз — журналистсиз. Бир неча кунлаб, ҳаттоки ойлаб чеккан машаққатингиз меваси бўлмиш яхши мақолангиз чоп этилса, газетани

қўлингизга олиб, қандай роҳатланасиз? Уни тайёрлаш жараёнидаги барча қийинчиликлар бир зумда унутилиб кетади, тўғрими?

Бизнинг касбимиз ҳам худди шунақа. Жиноятни фош қилсангиз ёки бирор қонунбузарликнинг олдини олишга ўз ҳиссангизни қўшсангиз, касбга бўлган меҳр ортаверади. Агар мен қайтадан ёш бўлиб қолсаму ҳаёт йўлимни танлашга иккинчи бор имконият берилса, яна шу соҳани танлаган бўлардим.

— **Хизмат билан уйга**

боролмай қолганингизда уйдагилар хавотирланмайдиларми?

— Ҳуқуқ-тартибот соҳасидаги хизматим нафақат мени, балки аёлим ва яна фарзандларимни ҳам аллақачон «тарбиялаб» бўлган. Турмуш ўртоғим Раънохон — болалар боғчасида тарбиячи, жуда меҳрибон ва солиҳа аёл. Ҳар куни ишга отланаётган пайтимда Яратгандан мени ўз паноҳида асрашини сўраб, юзига фотиҳа тортишни қанда қилмайди. Аммо сал рашкчироқ-да...

— **Шахсий таркиб орасида яна бир Қамбаров фамилияли ходим бор экан. Мабодо қариндошингиз эмасми?**

— Қариндош бўлганда қандоқ, ахир сафдор Нодирбек Қамбаров — менинг ўғлим-ку! Ўтган йил сентябрь ойидан бери ўзим билан елкамаелка туриб хизмат қиляпти.

— **Ота-бола ҳамкасб бўлиб қолдик, денг?**

— Ҳа, шундай. Яна икки нафар ўғлим бор. Нодирбекдан кейингиси — Орзубек, енгил саноат коллежининг ҳуқуқ-иқтисод бўлимини тугатди. Ҳозир ҳарбий хизматга жўнаш арафасида. Кенжатоимиз Азизбек эса умумтаълим мактабининг еттинчи синфини тугаллади. Улар ҳам ички ишлар

ходими бўламиз дейишяпти. Илоҳим, ниятларига етишсин.

— **Демак, яқин орада мукамал сулола пайдо бўларкан-да?**

— Ажабмас...

— **Ҳамкасбларингиз айтишдики, ҳанузгача спорт билан мунтазам равишда шуғулланиб тураркансиз...**

— Ҳа, спорт оиламиз «хобби»сига айланган. Катта ўғлим Нодирбек бокс билан, Орзубек каратэ билан шуғулланади. Кенжатоим Азизбек эса футболга иштиёқи балинд. Ҳаттоки, турмуш ўртоғим Раънохон ҳам спортга бефарқ эмас.

Мамлакатимиз бўйлаб «Ота-онам ва мен» деб номланган оилавий спорт мусобақалари ўтказилганди. Ўша тадбирларда иштирок этдик. Бутун оила бўлиб юз метрга югуриш, арқон тортиш, баскетбол, қўйингки, ҳамма шартларни адо этиб, Фаргона шаҳри бўйича биринчиликни эгаллаганми.

Қаердаки спортга иштиёқ устувор бўлса, ўша ерда баркамоллик, тинчлик-хотиржамлик ва соғлом турмуш тарзи барқарор бўлади. Қатрада қуёш акс этганидек, буни оиламиз мисолида кўраётгандекман.

— **Суҳбатдош: Раҳмонали ҚОСИМОВ.**



ФИДОЙИ ҲАМКАСБЛАРИМИЗ

Ургут тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари, майор Аҳад Эргашев собиқ шўро тузумида тақдир тақозоси билан Афғонистонда ҳарбий хизматни ўтаган. Жангларнинг бирида яраланган. Уруш нималигини билади. Шунинг учун ҳам юртимизда тинчлик бўлсин деб муром куйиб-пишади.

— Ўзингиз биласиз, туманимиз Тожикистон билан чегарадош, — дейди Аҳад Эргашев. — Чегара ҳудудида 50 дан зиёд оила истиқомат қилади. Ушбу ҳудудда, қолаверса, туманда ҳуқуқ-тартиботнинг таъминланиши кўп жиҳатдан профилактика хизмати ходимларига боғлиқ. Ҳозирда уларнинг барчаси рация билан таъминланган. Барча милиция таянч пунктлари замонавий алоқа воситалари билан жиҳозланган.

Кўз тегмасин, ҳозиргача содир этилган ҳамма жиноятларни фош қилишга эришдик. Муқаддам судланганлар орасида мунтазам равишда тушунтириш ишлари олиб

ВАТАН ОСТОНАДАН БОШЛАНАДИ

борилаяпти. Жорий йилда жазо муддатини ўтаб, шунингдек, амнистия бўйича озодликка чиққанлар билан ишлашда жамоатчилик вакиллари яқиндан кўмаклашишмоқда.

Айниқса, бу ишда маҳалла посбонларининг ёрдами катта бўлаяпти. Йил бошидан буён улар кўмагида 10 дан зиёд жиноят фош этилди. Посбонларимизни ҳеч бир муболагасиз профилактика инспекторларининг ўнг қўли дейиш мумкин. Куйида уларнинг кундалик иш фаолиятдан баъзи бир мисолларни келтирсак.

Аълохотин қишлоғилик посбон Г. Умаров «Тун» тадбири чоғида профилактика инспектори, капитан Б. Адиров билан бирга қўшнисининг уйдан 36 кило кунжут ёғи ва сув насосини ўғирлаб кетаётган кимсани қўлга олишди.

Посбонлар яқинда ўтказилган «Паспорт» тадбирида ҳам фаол қатнашишди. Уларнинг кўмагида бир неча қоидабузар аниқланди. «Тозалаш» операцияси пайтида эса «Янгиариқ» ширкат хўжалигида 800 грамм марихуанани 900000 сўмга пуллаётган кимса тугилди.

Профилактика хизмати ходимларининг ва маҳалла посбонларининг 70 фоизи ёш йигитлардан иборат. Улардан умидимиз катта. Профилактика инспекторларини ҳудудбеҳудага безовта қилмаймиз. Улар ҳафтасига бир марта туман ИИБга келиб топшириқ олишади, холос. Бошқа пайт ўз ҳудудларида бўлишади. Тунги пайтларда жамоатчилардан тузилган махсус навбатчи гуруҳлар патруллик қилишади. Туманимизда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда уларнинг ҳиссаси салмоқли бўлаяпти. Ички

ишлар идоралари ва жамоатчиликнинг яқин ҳамкорлиги кўплаб мураккаб масалаларнинг ечимини топиш имконини бермоқда. Ҳозир ҳудудимизда жиноятчилик даражасининг пасайиши кузатиляпти.

Бунда айниқса, профилактика инспекторлари, майор А. Ҳамроев, капитанлар Б. Адиров, Р. Нурमतов кабиларнинг ҳиссаси катта.

Маҳаллаларда болаларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказишлари учун ҳам милиция таянч пунктида зарур чора-тадбирлар белгиланди. Ушбу масканлар ёнида спорт майдончалари барпо этилган. Болалар бўш пайтларини шу ерда ўтказишади. Ватан остонадан бошланади, дейишади. Ҳақиқатан ҳам шундай. Ўз касбини севувчи, фидойи ходимларимиз туфайли юртимиз тинч, элимиз хотиржам. Ҳамма эртанги кунига ишонч билан яшайпти, яхши ниятлар қиляпти, режалар тузаяпти. Бу Аҳад Эргашев айтганларидек, осойишталик посбонларининг саъй-ҳаракати, машаққатли хизмати туфайли эмасми? Ана шундай фидойи инсонлар ҳаммаша соғ-омон бўлишсин!

— **Дилбар САЛОҲИТДИНОВА.**

G'IRROM XODIM

— Boshimga katta kulfat tushdi, muhtaram inspektor, — dedi hayajonlangancha muzey xodimi. — O'zimni bosa olmayapman. Muzeyda bir o'zim edim. Ba'zi bir ishlarimni tugatishim kerak bo'lganligi uchun bir oz ushlanib qolishimga to'g'ri kelgandi. Stolimda hisob-kitoblarimni qilib o'tirgandim. Shu payt o'ng tomonimda qandaydir soyani ko'rib qoldim...

— Hech qanday shitirlash ovozi ni eshitmadingizmi?


— Yo'q. Radio qo'ygandim. Keyin ishga juda berilib ketgan ekanman, shekilli, hesh narsani bilmabman. Keyin kimningdir oynadan sakrab chiqib ketganini sezib

qoldim, xolos. Stol lampasining yorug'ida ko'zim qamashib qolgani uchin uni yaxshi ko'ra olmadim. Shu zahoti xona chirog'ini yoqdim, lekin u ketib bo'lgandi.

— Xonangizda hamma narsa joyidami?
— Ana shunga kuyaman-da. Ikkita qutida bebaho tanga-pullar bor edi. O'sha qutilar yo'q.

— O'zingizcha, aytdan gaplaringizga meni ishonadi deb o'ylaysizmi? Meni aldayolmaysiz. Qutilarni joyiga qo'yib qo'ying, yo'qsa, chora ko'rishga majbur bo'laman.

Savol: inspektor nima uchun muzey xodimining gaplariga ishonmadi va uning o'zini qutilarni yashirganlikda aybladi?



Javlon Farmonovning «G'irrom xodimi» nomli asari asosida tayyorlangan. Ushbu rasmda muzey xodimining ishida qandaydir qo'zg'irishlar bo'lganligi ko'rsatilgan.


A	D	M	A	K	A	O	M	F	I
B	A	E	T	I	A	T	I	I	Z
I	Y	M	A	T	N	A	Y	K	A
T	O	T	I	L	I	K	A	H	U
O	N	A	T	A	R	O	I	N	S
V	A	T	A	N	I	N	X	A	T
B	O	T	A	T	X	S	T	I	T
H	U	Q	N	U	Y	G'	U	S	U
Z	Q	U	I	K	A	T	A	I	T
O	O	G	A	K	Y	O	R	A	S
O	L	I	Y	I	M	X	I	Y	I

FILVORD

Qadirli bolajonlar!

Ushbu filvordda maktab fanlari berkitilgan. Ulardan bittasining nomi ikki marotaba takrorlanib kelgan. Filvordni to'liq bajarsangiz, u qaysi fan ekanligini bilib olasiz.

Tuzuvchi: Javlon FARMONOV.



Qaysi raketa qaysi raqamli nuqtadan uchgan?

Zarinabonu SHERMUHAMMADOVA.

Qizlar ismi

E'tibor, diqqat

Ushbu rasmda nechta kubik bor?

Tantiq, arazchi

Mirkarim ...

Dam olinadigan daraxtzor joy

Ot-arava, transport

Ho'l meva

Buyuk, ulug'

...Yomon chaqadi

Ilon (Tojikcha)

Bilim o'lchovi

Ulan-...

So'z turkumi

Xavotir, g'ashlik

Odat

Tuzuvchi: Azamat SAYFIDDINOV.

МИНИСКАНВОРД

Uy qismi	Shahmatdagi holat
Mish-... Gap	Kiyim
Soat ko'rsatkichi	To'la, liq
Chaqaloq ozuqasi	Rang, xil
Uxla, orom ol	Otning bolasi
Ozgina, picha	Mato turi
Sport majmuasi	... Kapur
Padar, dada	Baxshida et

Shuhrat SALOMOV tayyorladi.



Ayiqchalarning qay biridagi guldastada gul ko'p?

НОДИРА

Мохларойим – Нодира XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб, ижод этган машхур шоира, давлат арбоби, маданият ва адабиёт хомийсидир. Шоира 1792 йили Андижон ҳокими Раҳмонкулбой оиласида таваллуд топди. Унинг онаси Ойшабегим маърифатли аёл бўлган. Ўзининг оилавий силсиласига кўра Бобур наслига мансуб бўлиб, шоиранинг ота-онаси ҳам даврнинг эътиборли кишилари эдилар. Моҳларойимнинг таълим-тарбияси шу муҳитда камолотга етди ва у таҳсил йилларида халқимизнинг тарихи, маданияти, илм ва адабиёти равнақидан яхшигина хабардор бўлиб ўсди.

У давлат ва мамлакат ишларини тадбир ва адолат билан идора қилиш намуналарини кўрсатаркан, бу йилларда мамлакатда нисбий осойишталик сақланди. Қўшни ўлкалар ва уларнинг ҳукмдорлари билан савдо-сотик ва бошқа соҳаларда келишувлар амалга оширилди.

Бирок хонликлар ўртасида давом этиб турган муттасил келишмовчиликлар Моҳларойимнинг ўз фаолиятини кенг раванқ топтиришига халал берар эди. Оқибат шунга олиб келдики, Бухоро Амири Насрулло турли важ-қорсонлар билан Қўқон устига бостириб келиб, гўё бу ерда изидан чиққан шариат қоидаларини низомига солмоқчи бўлади. Хонлиқнинг ҳамма эътиборли кишиларини таъқиб этади ва Моҳларойимни, унинг икки ўғли – Муҳаммад Алихон, Султон Маҳмудхон билан набираси Муҳаммад Аминхонни ваҳшийларча қатл этади. Ўзбек халқининг ажойиб шоирасининг ҳаёти шу йўсинда фожиали яқун топади.

Нодира ўзбек мумтоз адабиётидаги улкан бир босқичнинг намоянда-

сидир. Шоира яшаб ижод этган даврда Қўқон хонлигида ўзбек адабиёти кенг ривож топиб, ўзига хос адабий муҳит вужудга келади. Бу адабий муҳит бошида Қўқон хони, Нодиранинг умр йўлдоши – Амирий тахаллуси билан шеърлар битган Умархон турадир.

Моҳларойимдан бизгача ўзбек ва форс-тожик тилларида «Комила», «Нодира» ва «Макнуна» тахаллуслари билан яратилган лирик асарлардан иборат катта мерос етиб келган. Бу девонлар ўн минг мисра атрофидаги шеърларни ўз ичига олади.

Нодира шеърият майдонида қадим кўяр экан, бу йўлда Жомий, Фузулий, Бедил, Навоий, Бобур ва Машраб ижодидан баҳраманд бўлди.

Шоиранинг шеъриятига қаттиқ ихлос қўйганлардан бири унинг замондоши ва издоши Дилшод Барно (1800-1905) эди. Дилшод Нодирага «илм-адаб ва назм осмонининг юлдузи», «ушшоқлар ғазалхони», «шакар сочувчи булбул» сифатлари билан таърифлади.

Ўз давридаёқ шеърият маликасига айланган Нодира бизнинг замона-

мизга ҳам нафис сўз санъаткори сифатидаги фазилатлари билан кириб келди. Нодира меросининг катта ва кичик кўлэмлари матний жиҳатдан ўрганилиб, бир қатор нашрлар юзага чиқди. Асарлари Тожикистон ва Афғонистонда чоп этилди, уларнинг русча таржималари Санкт-Петербургда шарқшунос олим С. Н. Иванов таржимасида рус китобхоналари ҳам етиб борди.

Республикамиз мустақиллик йўлига қадам қўйиши билан ўтмиш қадриятларимизнинг тиклана бориши яна янги саҳифаларни очди. 1992 йилда мамлакатимизда шоира таваллудининг 200 йиллиги Қўқон, Андижон ва бошқа шаҳарларда кенг нишонланиб, пойтахтимизда ўтказилган илмий анжуманлар ва тантанали кечалар билан яқунланди. Шу йилларда «Давр Нодираси», «Эй сарви раво» китоблари чоп этилди. 1994 йилда «Фан» нашриёти «Увайсий ва Нодира шеърлари»дан иборат ўзбек шоирлари баёзи туркумли яна бир янги нашрни китобхонларга ҳадя этди. Бадиий адабиётда эса Нодира образи гавдалантирилди, драма, роман, кинофильмлар яратилди. Шаҳар ва қишлоқларда бу ҳассос ижодкор номи билан аталган кино-театрлар, кўчалар, кутубхоналар ва маданият масканлари мавжуд.

Моҳларойим шеъриятга жуда эрта ҳавас қўйди. Навоий, Жомий ва Бедил каби алломаларнинг асарларини севиб мутолаа қилиб, руҳан баркамоллашиб борди.

Маълумки, бу йилларда Қўқон хонлигини Олимхон идора қиларди. Унинг укаси Умархон эса Фарғона водийсининг нуфузли шаҳарларидан бўлган Марғилонда ҳоким эди. Илгаридан бир-бирларига кўнгли қўйиб, севишиб келган Умархон ва Моҳларойим 1807 йилда турмуш қурадилар. Шу муносабат билан Моҳларойим Марғилонга келади. Кўп ўтмай Қўқон хонлигида давом этиб келаётган зиддиятлар оқибатида 1810 йили Олим-

хон қатл этилиб, унинг ўрнига Умархон тахтга кўтарилди. Шундан сўнг Моҳларойим тақдири Қўқон билан боғланиб қолади. Унинг шоира сифатида кенг кўламда ижод майдонига кириб келиши ҳам шу йилларга тўғри келади.

Нодира давлат ишларидан ҳам воқиф бўлиб боради. Хусусан, адабиёт ва санъат аҳли билан яқинлашишга, кўп асрлик адабиётимиз йўлидан бориб, давр шеъриятини юқори кўтаришга астойдил киришади. Моҳларойим ва Умархоннинг оиласида икки ўғил туғилади. Муҳаммад Алихон ва Султон Маҳмудхонлар ўсиб-ўлғайиб борадилар. Умархоннинг 1822 йили бевақт вафотидан кейин ёш Муҳаммад Алихон давлатни бошқаришга киришади. Нодира ҳам ёш ўғлининг ёнига кириб мамлакатни бошқариш ишида фаол иштирок эта бошлади.

ТУШЛАР ТАЪБИРИ

(Боши ўтган сонларда)

ОВҚАТ ПИШИРИШ

Ош(палов) пишираётган бўлса – ризқ-насиба келаётгани, хурсандчиликлар ва беғубор инсонлар билан мулоқот белгиси. Гўшти шўрва пишираётган бўлса – дард ва нохушликларга ишора ҳамда ғаламис кимсалар билан учрашувдан дарак. Салатлар тайёрлаётган бўлса – меҳмондўстлик ва хурсандчиликлар ифодаси, шу билан бир қаторда, туш соҳиби организмга витаминлар етишмаётганлиги, унинг қувватсизланганлиги белгиси. Ошхонада куймаётганлигини кўриш – режалар тузиш кераклигидан ва туш соҳибининг маслаҳатли ишларни қилиш арасида турганлигидан хабар.

ОТА-ОНА

Ким ўз ота-онасини хурсанд, гўзал ҳолда кўрса – одамлар орасида ҳурмати ошади, ишлари яхши томонга ўзгаради ва ғам-ташвишдан халос бўлади. Вафот этиб кетган ота-онани кўриш – келаётган нотинчликдан хабар; улар қора кийимда бўлсалар – ташвиш, касалликдан дарак. Оғир касал бўлиб ётган одам кўрса – чуқур ғам-ғуссага ботиши мумкин. Ибодат қилиш ва садақа бериш лозим.

ОЧЛИК

Бу нарса яхшилик аломати эмас: ишлар юришмай қолишдан, оилада нотинчлик, ғам-ташвиш пайдо бўлишидан дарак. Қизлар шундай туш кўрсалар – кутганларига, ишонган, умид қилган кимсалари дийдорига эришолмайдилар. Қорни оч болани кўриш – қарзга ботишдир. Ибодат ва садақа зарур.

ОВОЗ

Ёқимли овоз эшитиш – шод-хуррам ва хотиржам кунларнинг яқинлиги аломатидир. Дағал, хунук ва қичқир овоз – нохуш хабардан, ишлардан дарак. Бирор кимсанинг йиғисини эшитиш – дўст-яқинлари билан санманга бориши мумкинлигидир. Кимки, ҳалокат-офат ҳақида хабар тарқалаётганини эшитса – қилаётган гуноҳ ишлари туфайли одамлар назаридан қолишига ишора.

ОҒИЗ

Кимдир нимадир гапираяпти-ю, лекин товуш эшитилмаяпти – туш соҳиби орқаваротдан иғво қилинаяпти; бундан ташқари – дўстларнинг ёки яқинларининг хиёнати белгиси.

ОСМОН

Тиниқ, ложувард осмон – янги имкониятлар, келаётган ютуқлар ифодаси. Қуёшли осмон – ажойиб янгилик эшитиш ва порлоқ ишларни бошлаш даври келганлиги. Қизғин осмон – яқинлашаётган келишмовчиликлар, асаббужарликлардан хабар. Осмонга парвоз қилиш – баланд мартаба; ерга оҳиста қўниш – жамики ишларнинг кўнгилдагидек тугаши; пастга кулаб тушиш – йўқотиш, зиёнга учраганлик. Юлдузли осмон – омад, орзуларнинг ушалиши; осмонда юлдузни ушлаш – улкан бахт, омад, катта мартаба ва давлат эгаси бўлиш. Оқ булутли осмон – хурсандчиликдан; қора булутли осмон – дард, касалликдан хабар.

(Давоми бор).

Муроджон КАМОЛИДИНОВ тузди.

ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: Британия. Ботик. Охун. Эфео. Димитрий. Нео. Ром. Арни. Наргиза. Яша. Қичима. Чит. Бод. Локот. Ари. Умит. Тиловат. Мана. Қиз. Киви. Ид. Амо. Амороза. Нима. Узи. Ем. Бонапарт. Ор. Коники. Ярадор. Мот. Зина. Уйгун. Азамат. Ревю. Опок. Арава. Апе. Равок. Ни. Отто. Ар. Бонд. Оки. Пўкак. Хато. Алабама. Одамови. Тумор. Рисола. Машгулот. Дан. Нафс. Богдод. Угал. Мол. Бра. Обан. Инжу. Ека. Рай. Хол. Боту. Уй. Або. Одоб. Бақлажон. Орт. Шафак. Исида. Ибо. Лан. Натс. Ҳади.

БЎЙИГА: Мазандарон. Жандарм. Бўхрон. Ифода. Сиким. Ёшқа. Лото. Абира. Муза. Ок. Бузокбоши. Манана. Баобаб. Чико. Отар. Саҳоба. Фо. Нефертити. Улит. Тон. Уба. Ваза. Рақобат. Ақл. Япония. Тимирязев. Булдурук. Шри. Тривандрам. Айлин. Бедана. Лира. Ано. Моддий. Ас. Бодо. Ода. Охара. Ажин. Темиртов. Зеро. Опока. Нух. Бода. Давом. Репетитор. Тумонат. Қаттиқ. Одина. Разил. Укроп. Ас. Аном. Урмон. Хайр. Ика. Фовак. Олам. Оломон. Ора. Вафо. Наим. Атами. Қўнок. Кал. Словакия.



Ер юзида одамзот қандай пайдо бўлган? Бу ҳақда олимлар неча асрлардан буён бош қотиришади. Маълумки, Чарльз Дарвин ўзининг тадрижий таконимил, яъни эволюцион тараққиёт ҳақидаги назариясида одамларнинг аجدодлари дарахтларда яшаган, деган фикрни илгари сурган. Машҳур швед биологи Ян Линдبلاد эса бир пайтлар одамзотнинг қадим-қадим аجدодлари сувда яшаган деб ҳисоблайди. Тадқиқотчининг фикрича, улар амфибия бўлишган. Одамларнинг ташқи кўриниши ҳам айнан сув таъсирида шаклланган.

СУЗГИЧЛАРИМИЗ ҚАНИ?

Куйида Ян Линдبلادнинг мулоҳазаларини баён этамиз. Бизнинг ҳайвонлардан фарқли хусусиятларимизга эътибор берайлик. Масалан, эгилувчан қўлларимиз, ингичка, сезгир бармоқларимизни олайлик. Улар илдиз меваларни кавлаб олишга унчалик мослашмаган. Ваҳоланки, антропологлар қадимги одамлар айнан илдизмевалар билан озиқланишган, деб тахмин қилишади. Аммо узун, ингичка бармоқлар лойқа сув, балчиқ ичидан егуликлар излаб топишга жуда мос.

Энди одамсимон маймунлар устида тўхталсак. Уларнинг қўли узун бўлган. Бу эса қуруқликда ҳаёт кечиришда ёрдам беради. Узун қўл воситасида дарахтга чиқиш ҳам, тошни узоққа улоқтириш ҳам осон. Таёқ билан қуроллансангиз, душман яронингизга йўлаёлмайд. Аммо сувда сузадиган бўлсангиз, олдинги сузгичлар калта, ихчам бўлгани маъқул. Аввал қуруқликда яшаб, сўнг сувда яшашга мослашган тюлень, морж каби ҳайвонларнинг олд оёқлари қисқа қанотга айлангани бежиз эмас.

Олимнинг фикрича, одамларнинг оёқлари қуруқликда юришга унча мослашмаган. Инсон бошқа сут эмизувчиларга, айниқса, йиртқич ҳайвонларга қараганда секин юради. Бунинг устига уларга нисбатан тез-тез қоқилиб, йиқилиб туради.

СУВ ПАРИЛАРИ, МОРЖЛАР ВА БЕГЕМОТЛАР ҲАҚИДА...

Инсон танасини кўз олдингизга келтиринг, аниқроғи,



ўзингизнинг гавдангизга бир назар ташланг. Қуруқда яшовчи ҳайвонлар, масалан, сигирлар билан қиёсласак, танамиз анча силлиқ. Бу хусусият қуруқликда югуриш чоғида ҳеч қандай ёрдам бермайди. Аммо сувда сузиш чоғида тананинг силлиқлиги, бўйига (горизонтал)

АЖДОДЛАРИМИЗ СУВДА ЯШАШГАНМИ?

жойлашиб ҳаракатланиши жуда яқин келади. Одамнинг нисбатан калта қўлларию узун, бақувват оёқлари ҳам сузишга жуда ёрдам беради. Думи балиқни эслатувчи сув парилари ҳақидаги эртагу ривоятларни бир эсланг. Бу балки қачонлардир аجدодларимиз сув кўйида яшаганлигига ишорадир?... Ҳақиқатан, сувда яшовчи тюлень, бегемот, морж, дельфинларнинг ҳам танаси одамга ўхшаб силлиқ бўлади. Одамнинг ҳам териси остини ёғ қатлами қоплаган бўлиб, бу совуқсирашдан муайян даражада ҳимоя қилади.

ЖАБРАМИЗ ҲАМ БЎЛГАНМИ?

Одамнинг нафақат ташқи кўриниши, балки баъзи бир аъзолари ҳам унинг бир пайтлар сув остида яшаганидан дарак беради. Масалан, инсоннинг оғзи зич ёпилади. Қуруқда яшовчи бошқа мавжудотлар эса сувда сузишга татбиқ ичига сув ютмаслиги учун бошларини баланд кўтариб ҳаракатланишга мажбур бўлишади.

Ер юзасида яшовчи ҳайвонларнинг бурун бўшлиғи маҳсуе канал орқали ўпкага боғланади, қизил ўнгачи алоҳида жойлашган бўлади. Инсонда эса нафас йўли ҳиқилдоқ (бўғиз) орқали ҳалқумга туташади. Ўпкадан чиқаётган

ҳаво шундан сўнг бурун бўшлиғига ўтади. Организмнинг бундай тузилганлиги сув остига нисбатан узоқ вақт бўлиш имконини беради. Қуруқда яшовчи бошқа бирорта жонли мавжудот бундай қобилиятга эга эмас.

Эмбриологларнинг нуқтаи назарларига қараганда, одамлар қачонлардир нафақат ўпкालари, балки жабралари (ойқулоқлари) орқали ҳам нафас олишган. Шунинг учун ҳам ҳозир инсон суви бошқа қуруқда яшовчи мавжудотларга ўхшаб тиллари билан чалпиллатиб эмас, сўриб ичади.

Франциялик олимлар ҳиқичоқ тутиши жабра орқали нафас олган аجدодларимиздан мерос бўлиб қолган атавизм деган хулосага келишди. Киши нафас олиш мушаклари тортишганда уни ҳиқичоқ тутати. Бу амфибияларга ва икки хил йўл билан нафас олувчи балиқларга хосдир. Олимларнинг тах-



ҚУРУҚЛИККА ЙЎЛ


Ян Линдبلادнинг назариясига мувофиқ бундан 400 асрлар аввал музликлар эриб, Европани сув босади. Натижада одам-амфибиялар учун қулай шарт-шароит юзага келади. Кейин-

роқ яна иқлим ўзгаришлари юз бериб, қўллар қурийд, дарёлар ўзани тораяди. Натижада аجدодларимиз қуруқда яшашга мослаша бошлашади.

ҒОРДАГИ МЎМИЁЛАНГАН ОДАМСИМОН МАВЖУДОДЛАР

Демак, одамнинг ташқи қиёфаси ва кўпжаб хусусиятлари у сув муҳитида пайдо бўлганлигидан далолат беради. Яқинда ушбу фаразни тасдиқловчи яна бир далил қўлга киритилди. Сидней университетининг профессори Ричард С. Страттон раҳбарлигидаги экспедицияси Тибетдаги ғорлардан бирида мўмиёланган одамсимон мавжудотларнинг жасадини топди. Улар яхши сақланиб қолган эди. Мавжудотларнинг бўйи беш метр бўлиб, куракоёқларининг панжалари ораси парда билан қопланган эди. Бундан ташқари, одамга хос нафас олиш аъзолари билан бирга жабралари ҳам бор эди. ДНК таҳлили ушбу мавжудотлар инсониятнинг бевосита аجدодлари эканлигини кўрсатди. Генетика бўйича профессор Ричард С. Страттон ўз кашфиётини қуйидагича шарҳлайди:

— Антропология фани ҳозирда одамнинг маймундан келиб чиқмаганлигини исботловчи кўпжаб далилларга эга. Аммо фақат генларни идентификациялашнинг замонавий усуллари ишлаб чиқилганидан сўнггина бизлар айнан қайси жонли мавжудотларга қондош эканлигини аниқлаш имкониятига эга бўлдик.



минига кўра, инсон миёсидаги қачонлардир жабра фаолияти учун жавоб берган қисм ишга тушиб кетиши оқибатида уни ҳиқичоқ тутати.

ЎТМИШ ХОТИРОТЛАРИ

Инсон организми ўзини денгиз билан боғловчи яна баъзи бир хусусиятларини ҳамон сақлаб қолган. Масалан, сув тубига шўнғиётган кишининг биринчи галда юраги, миёси ва ўпкаси қон билан таъминлана бошлайди. Яъни организм сув мавжудотларига хос таъминот усулига ўтади. Бундан кўзланган мақсад эса имкони борича кислородни кўпроқ тежашдир.

Сув ҳаёти инсоннинг овқат ҳазм қилиш аъзоларига ҳам ўз таъсирини ўтказган. Масалан, одамзотнинг ичаги узунлиги танасига 5:6 нисбатда бўлади.

Бу нисбат балиқхўрларда 4:5, гўштхўрларда 3:7, ўтхўрларда эса 15:1 нисбатда тенг. Ҳозирги замон диетологлари ушбу

кўрсаткичдан келиб чиқиб, инсон учун балиқ, моллюска, қисқичбақасимонлар каби денгиз маҳсулотларидан кўра яхшироқ егулик йўқ, деган хулосага келишган. Асосан денгиз маҳсулотларини истеъмол қилувчи японларнинг узоқ умр кўриши фикримизнинг тасдиғидир.

СУЗИШ ЮРИШДАН ОСОНРОҚМИ?

Энди инсоннинг яқинда аниқланган бир хусусияти ҳақида гаплашамиз. Буни қарангки, оғироёқ аёллар сувда осонроқ енгил бўлишар экан. Сувда туғилган болалар ўзларининг қуруқда туғилган тенгдошларидан касалликка кам чалиниши, тез ривожланиши, ақлий қобилияти кучлилиги билан фарқ қилар экан. Энди туғилган чақалоқ сувда ўзини жуда эркин ҳис қиларкан. Бидамизки, болани икки оёқда юришга узоқ вақт ўргатишга тўғри келади. Сув остида эса улар узоқ вақт тура олишади.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

Тошкент вилоят, Янгийўл шаҳар ИИБ томонидан қуйидаги фуқаролар бедарак йўқолгани учун қидирилмоқда.



Александр Георгиевич КИМ. 1969 йилда туғилган. Янгийўл шаҳри Адолат кўчаси, 16-уйда яшаган. 2002 йил 25 апрель кuni уйдан чиқиб кетиб қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 170-175 см, ўртача гавдали, сочи, қошлари қора, кўзи қисик.

Кийимлари: эғнида қора рангли шим, кўйлак, оёғида қора шиппак бўлган.

Алоҳида белгиси: орқа умуртқасининг бел қисмида жарроҳликдан қолган чандиқ бор.



Раҳима Мамарозиқовна КОБИЛОВА. 1968 йилда туғилган. Янгийўл шаҳри Улугбек кўчаси, 98-уйда яшаган. 2001 йил 2 апрель кuni уйдан чиқиб кетиб қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 160-165 см, сочлари жигарранг, оқ оралаган, пешонаси тор, қошлари ёйсимон, юзи думалоқ, кўзлари қора, лаблари ингичка.

Кийимлари: эғнида қизил гулли халат, жигарранг вилор кўйлак бўлган.

Алоҳида белгиси: иягида холи бор.



Графина Осиповна ДОРОФЕЕВА. 1928 йилда туғилган. Янгийўл шаҳри Чариков кўчаси, 3-уй 7-хонадонда яшаган. 2002 йил 26 ноябрь кuni уйдан чиқиб кетиб қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 155-160 см, ўртача гавдали сочи жигарранг, кўзлари қора, лаблари юпқа, ақли заиф.

Кийимлари: эғнида қизил жемфер, кўк кўйлак бўлган.

ШАХСИ АНИҚЛАНМОҚДА

2006 йил 9 июнь кuni тахминан кеч соат 18.30 ларда Тошкент шаҳар Ш. Руставели кўчасида рўй берган йўл-транспорт ҳодисасида 35-40 ёшдаги эркак киши ҳалок бўлган. Тошкент шаҳар ИИББ тергов бошқармасининг йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш бўлими томонидан ҳалок бўлган фуқаронинг шахси аниқланмоқда.

Белгилари: бўйи 165-170 см, ўртача гавдали, сочлари қора, пешона қисмида соч йўқ, **Кийимлари:** эғнида энги калта кулранг кўйлак, кулранг шим, оёғида кўк ранг шиппак кийган.

Шахси номаълум кишини таниган ёки билганлардан Тошкент шаҳар Яққасарой тумани Глинка кўчаси 44-уйга, 55-88-85 рақамига телефон орқали хабар беришларини сўраймиз.



Суннатилла Рихситиллаевич АХМЕДОВ. 1960 йилда туғилган. Янгийўл шаҳри Х. Олимжон кўчаси 13-уйда яшаган. 2003 йил 22 январь кuni уйдан чиқиб кетиб қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 175-180 см, ўртача гавдали, сочи, қош-кўзлари қора, мўйлов кўйган.

Кийимлари: эғнида қора кўйлак, қора шим, чопон, оёғида калиш бўлган.



Фекла Кондратьевна ЗАРЯДИНОВА. 1921 йилда туғилган. Янгийўл шаҳар гишт заводи худуди, 7-уй, 12-хонадонда яшаган. 2004 йил 29 август кuni уйдан чиқиб кетиб қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 160-165 см, озгин гавдали, сочлари оқ оралаган, юзлари ажин босган, кўзлари кўк.

Кийимлари: эғнида қизил кўйлак, оёғида резина шиппак бўлган.



Екатерина ЭТЬЕНОВНА ТЮНКО. 1991 йилда туғилган. Янгийўл шаҳар Самарқанд кўчаси, 365-уйда яшаган. 2006 йил 28 январь кuni уйдан чиқиб кетиб қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 160-165 см, ўртача гавдали, сочи узун, қизғиш, кўзлари кўк, қошлари сийрак, лаблари қалин.

Кийимлари: эғнида яшил камзул, кўк рангли жинси шим, оёғида қора этик бўлган.

Алоҳида белгиси: бел қисмида 2-3 см катталикда чандиқ бор.

Юқорида номаълум эгилган фуқароларни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги ички ишлар бўлимига ёхуд Янгийўл шаҳар ИИБга хабар беришларини сўраймиз.

ТАБРИКЛАЙМИЗ

Республика ИИБ Қоровул қўшинлари ҳарбий қисм тиббиёт хизмати бошлиғи, подполковник **Раҳмат АКАТОВ**ни туғилган кuni билан самимий муборакбод этамиз. Ҳамкасбимизга инсонлар саломатлигини сақлаш йўлидаги шарафли хизматида улкан ютуқлар тилаймиз.

Бир гуруҳ ҳамкасблари.

Республика ИИБ Академиясининг Олий Академия курси битирувчиси, меҳрибон дадажонимиз, майор **Шўратжон РИЗАЕВ**ни 35 ёшга тўлгани билан самимий табриклаймиз. Дадажонимизнинг мартабалари ошиб, бахтимизга доимо соғ-омон бўлиб, кўп йиллар даврамизни тўлдириб, фарзандлари камолини кўриб юришларини Яратгандан сўраймиз.

Эҳтиром ила рафиқангиз Шахло, ўғилларингиз Шерзодбек, Бекзодбек.

«МАЪНОЛАР МАҲЗАНИ»

ОТ ҚУРОЛИ – ҚАМЧИ, ИТ ҚУРОЛИ – ТАЁҚ

Бу билан: «Беш қўл баравар бўлмагани сингари, жамиятдаги одамлар ҳам бир хил эмас: бирининг феъл-атвори ундай бўлса, бириники – бундай, бири юмшоққина қилиб, охишта айтган гапингга тушуна қолади, бири эса то бақирув-чақирувга бормагунингча, асабингни бузиб, уришиб-сўкиб гапирмагунингча гапингни қулоғига ҳам илмайди, пинагини ҳам бузмайди, айтганингни ҳам қилмайди. Шундай экан, одамлар билан жавоб-муомалада ҳар кимнинг қандайлигини билиб, шунга яраша иш тут», деган маънода насиҳат қиладилар.

ОТАНГ – БОЗОР, ОНАНГ – БОЗОР

Бу мақолни бирор нарсани кўни-кўшнидан, таниш-билишдан ва ҳ.к. тополмай, овора бўлиб, бу ҳақда ҳасрат қилиб юрган одамга: «Бозорга боринг, топасиз. Бозорда йўқ нарсанинг ўзи йўқ», деган маънода айтадилар.

ОТАНГ КИМ – ОШҚОВОҚ, ОНАНГ КИМ НОСҚОВОҚ, СЕНГА КИМ ҚҲЙИПТИ НОЗФИРОҚ?!

Вариант: «Отанг – нечилик игначилик, Сенга ким қўйипти те-

мирчилик?!»; «Отанг – қузғун, Онанг – қузғун, Сен кимдан ўзғун?!» («Сени бирор одамдан ўзғунлик, яъни ортиқлик еринг борми, нимага мунча керилиб, ўзингни баланд оласан?!», дейилмоқчи). Бу мақолларни такаббур, манман, ўзини ўзгалардан устун деб билувчи, мағрур одамларга нисбатан киноя ва истехзо тарзида қўллайдилар.

ОТАНГ ЎЛСА, ЮЗИНИ ЁП

Бу мақол билан: «Отанг оламдан ўтса, албатта, руҳий ғам-аламга ва диний анъанага бинан азасини тут-у, аммо кеча-кундуз «куйиб-ёниб», «кўксингни захга бериб ётиб», бетиним йиғлаб-сикхат, бошингни тошга ургудай бўлиб, асабингга захм етадиган даражада қайғуга берилма. Ўз сикхатингни ҳам ўйла. Соғлигинг – ўзинг учун, оиланг, бола-чақаларинг учун, жамият учун, келажагинг учун энг бебаҳо бойлиқдир. Ўлган одам эса, минг оҳ-воҳ қилганин билан, қайтадан тирилиб келмайди. Нима ҳам қила олардинг, ўлим – табиий қонуниятнинг раҳм-шафқатсиз, аёвсиз ҳукмидир. Бас шундай экан, хафагарчиликка ўз вақтида чек қўйиб, бу ёқдаги тирикчилигингни ўтказиш ҳаракатида бўл», деган маънода беғараз, холисона тасалли бериб, насиҳат қиладилар.

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун

ҚҲЙ. 21 март – 20 апрель

Меҳнат қилиш, севиш-севилиш учун қулай палла. Ўз табиатингизга мос иш кўринг, виждонингиз амрига қулоқ тутинг. Энг муҳим масалаларни ҳал этиш чоғида юрак амрига итоат қилинг. Аммо яқин кунлар ичида қахрамонлик кўрсатаман, деб беҳуда чиранманг.

СИГИР. 21 апрель – 20 май

Ушбу ҳафтада ҳазил-мутойиба туйғуси сиз учун муҳим аҳамият касб этади. Ўрнини, вақтини топиб ҳазил қилсангиз, ишингиз бароридан келади. Теварак-атрофингиздаги одамларда яхши таассурот қолдирасиз.

ЭГИЗАКЛАР. 21 май – 21 июнь

Ҳозир севгининг сир-асрорлари, тақдир ўйинлари ҳақида ўйлаб кўриб, тўғри хулоса чиқаришининг айни пайти. Атрофингиздагилар билан муносабатингизни яхши томонга ўзгартиринг. Ўзингизга ишонинг, аммо қариндошларингизга ҳамма сирингизни ҳам билдираверманг.

ҚИСҚИЧАҚА. 22 июнь – 22 июль

Севгилингизнинг ўзингиз учун янги ижобий хислатларини кашф этасиз. Оилангизда ва ишхонангизда ҳурмат-эътиборингиз ортади. Ҳар бир жабҳада муваффақият қозонасиз. Фаолроқ ҳаракат қилсангиз, ҳамма иш кўнглингиздагидек ҳал бўлади.

АРСЛОН. 23 июль – 23 август

Янги дўстлар орттирасиз, руҳий мувозанатингизни тиклайсиз, ўз истагингизга кўра кимнидир севиб қоласиз. Бунинг учун ҳеч ҳам ортиқча уринингизга тўғри келмайди. Ўзингизга ёқимли бўлиб туялган одамларга қизиқишдан уялманг. Рухан дангасаликка берилманг.

БОШОҚ. 24 август – 23 сентябрь

Ўз-ўзидан кўлингизга кирадиган нарсдан воз кечманг. Аммо ўйлаган режамни қандай бўлмасин бажараман, деб ортиқча уринманг. Акс ҳолда вақт ва кучингизни бекорга сарфлайсиз. Дам олиш кунлари мураккаб масалани ҳал қилиш имконига эга бўласиз, энг азиз одамингизнинг сизга нисбатан ҳис-туйғулари самимий эканлигига ишонч ҳосил қиласиз.

ТАРОЗИ. 24 сентябрь – 23 октябрь

Агар яқин кунлар ичида қариндошларингиз ва ҳамкасбларингиз елкангизга ўз муаммоларини ортишса, буни табиий ҳол деб қабул қилинг. Улардан ҳеч ҳам гумонланманг. Нима бўлганда ҳам виждонингизнинг амрига қулоқ солиб иш тутинг.

ЧАЁН. 24 октябрь – 22 ноябрь

Меҳнат ва дам олишга нисбатан ўз қарашларингизни қайта қараб чиқсангиз яхши бўларди. Ишингизда ҳам янги гича ёндашувлар ўйлаб топинг. Ишқий муносабатларингизда ҳам ўзига хосликка интилинг. Фақат эҳтиёт бўлишни унутманг. Акс ҳолда севгилингизни ёки ҳамкорларингизни чўчитиб қўйишингиз мумкин.

ЁЙ. 23 ноябрь – 21 декабрь

Ўзингизга етишмаётган нарсани изланг. Вақтингизни хуш ўтказиш учун янги кўнгилочар машғулотлар ўйлаб топинг. Изланишларингиз зое кетмайди. Фояларингиз гўзал бир тарзда амалга ошади. Агар ўзингизга нима кераклигини билмасангиз, яқин одамингизнинг фикрига қулоқ тутинг.

ТОҒ ЭЧКИСИ. 22 декабрь – 20 январь

Хайрихоҳлигингиз ва эпчиллигингиз туфайли ишда ва севги бобида омадингиз кулиб боқади. Шундай бўлса ҳам қаттиқ эҳтиросларга берилманг, сирларингизни бировларга билдирманг, жиддий қарорлар қабул қилманг.

ҚОВҒА. 21 январь – 20 февраль

Моддий ва мансаб билан боғлиқ муаммоларингизни ҳал этишга диққатингизни қаратинг. Мақсадингизга эришиш йўлида вақтингизни ҳам, маблағингизни ҳам аяманг. Агар эҳтиёткорликни қўлдан бермасангиз ва шахсий ҳаётингизда ўзгаришлар қилмасангиз – янаям яхши.

БАЛИҚ. 21 февраль – 20 март

Олдинда сизни ажойиб учрашувлар ва жуда муҳим музокаралар кутмоқда. Бундан лаззат ва фойда оласиз. Ўзингизни яхши кўрсатишга уринманг, аммо ўта камтарлик ҳам қилманг. Ўзингизни табиий тутсангиз, муваффақият сизга кулиб боқади.

МЕРГАНЛАР БАҲСИ

Республика ички ишлар идоралари ППХ ва ЖТСБ хизмати тизимлари таркибида тузилган махсус батальон (отряд)лар шахсий таркибининг бу йилги амалий ўқ отиш, яъни мерганлик бўйича республика мусобақаси Қашқадарё вилояти ИИБ базасида ўтказилди.

Мерганлик беллашувида голиб жамоалар ҳамда якка биринчилик пешқадамлари аниқланди. Умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳар ИИББ вакиллари биринчи, Наманган вилояти ИИБ мерганлари иккинчи, Хоразм ва Қашқадарё вилояти ИИБ ходимлари учинчи ўринларни қўлга киритдилар.

«Макаров» тўппончасидан ўқ отиш бўйича якка биринчиликда Тошкент шаҳар ИИББдан катта лейтенант Г. Токтарова тенг келадигани топилмади. Транспорт

ИИБдан капитан Б. Мелихўжаев шохсупанинг иккинчи погонасини эгаллади, Хоразм вилояти ИИБдан катта лейтенант Ш. Искандаровга учинчи ўрин насиб этди.

«Драгунов» снайпер винтовкасида ўқ отиш бўйича биринчи ўрин Тошкент шаҳар ИИББдан катта лейтенант Ж. Исроиловга берилди. Хоразм вилояти ИИБдан сафдор У. Ҳазратов иккинчи, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБдан О. Маҳмудов учинчи ўринни эгалладилар.



Андижон вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ инспектори лейтенант Ф. Абдуллаев мусобақанинг энг ёш иштирокчиси деб эътироф этилди.

Республика ИИБ ППХ ва ЖТСБ бошлигининг биринчи ўринбосари, полковник Р. Аширматов мусобақа голибларига faxрий ёрликлар ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: мусобақадан лавҳа.

ВИЛОЯТДА СПАРТАКИАДА

Фарғона шаҳрида вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари ўртасида кўпкураш бўйича спартакиада мусобақалари бўлиб ўтди.

Вилоят ички ишлар бошқармаси ва «Динамо» ЖТСЖ ташаббуси билан ўтказилган мазкур мусобақаларда 20 та жамоа спортнинг 100 ва 3000 метрга югуриш эстафетаси, турникка тортилиш, тош кўтариш, армрестлинг, «Макаров» пистолетини қисмларга ажратиш ва йиғиш, арқон тортиш турлари бўйича ўзаро куч синашдилар.

Умумжамоа ҳисобида 1-ўринни вилоят ИИБ, 2-ўринни МХХ бошқармаси, 3-ўринни 10-сонли тергов ҳибсхонаси жамоалари эгаллашди.

Турникда тортилиш бўйича вилоят ИИБ ППХ батальони ходими Ю. Олимовга етадигани топилмади. Тош кўтаришда МХХ ходими Ф. Султонов юқори натижа кўрсатди. 3000 метрга югуришда Ўзбекистон тумани ИИБ ходими З. Рожиёв барча рақибларини ортда қолдирди. Армрестлинг бўйича вилоят Давлат солиқ бошқармаси ходими З. Юлдошев, «Макаров» пистолетини қисмларга ажратиш ва йиғишда вилоят ИИБ ППХ батальони ходими И. Халиловлар голиб бўлишди.

Вилоят ИИБ бошлигининг ўринбосари, полковник Камолиддин Очилдиев, ҳамда вилоят «Динамо» ЖТСЖ раисининг ўринбосари, подполковник Султонмурод Усмоновлар голибларга диплом ҳамда қимматбаҳо совринларни топширдилар.

Абдуллажон СУЛАЙМОНОВ.

БИРИНЧИ ДАВРАДАН СЎНГИ ВАЗИЯТ						
Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. ПАХТАКОР	15	13	1	1	31-3	40
2. НАСАФ	16	12	2	2	32-17	38
3. НЕФТЧИ	16	11	1	4	34-15	34
4. МАШЪАЛ	15	9	3	3	24-13	30
5. АНДИЖОН-УЗД.	16	7	3	6	28-24	24
6. ТРАКТОР	16	7	3	6	25-24	24
7. НАВБАҲОР-Н	15	6	4	5	16-14	22
8. ҚИЗИЛКУМ-ОЛ	16	6	4	6	23-22	22
9. ЛОКОМОТИВ	16	6	4	6	16-26	22
10. БУХОРО	16	6	2	8	19-16	20
11. ТЎПАЛАНГ	15	5	2	8	18-25	17
12. ШҮРТАН	16	5	2	9	19-23	17
13. САМАРҚАНД-Д	16	5	2	9	14-23	17
14. МЕТАЛЛУРГ	16	4	4	8	16-18	16
15. СЎҒДИЁНА-2004	16	3	2	11	8-21	11
16. ХОРАЗМ	16	0	3	13	11-50	3

ГОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Қашқадарё вилояти ИИБ «Динамо» ЖТСЖда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ўртасида ўтказиб келинаётган анъанавий футбол мусобақаларининг навбатдаги босқичи якунланди. Унда 20дан ортиқ жамоалар яшил майдонда голиблик учун ўзаро кураш олиб бордилар. Кескин ва муросасиз кечган учрашуларда барча жамоаларни доғда қолдирган, вилоят ИИБ ЖИЭБ ходимлари голиб деб топилди. Шохсупанинг кейинги погонасини бошқарма ЁХБ терма жамоаси банд этди. Учунчи ўринни эса вилоят ИИБ ва МХХ жамоалари эгаллашди.

Голиб жамоаларга вилоят ИИБ faxрий ёрликлари ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди. Ушбу босқичда биринчи ўринни қўлга киритган вилоят ИИБ ЖИЭБ жамоаси республика ички ишлар идоралари ходимлари ўртасида ўтказиб келатган марҳум генерал-майор Комилжон Гофуров хотира турнирида вилоят шарафини ҳимоя қилади.

З. ШЕРНАЕВ,
сержант.



Суратда: спартакиада мусобақаларидан лавҳа.

ФУТБОЛ БЕЗАГИ

1928 йил 26 май куни ФИФА барча аъзо жамоалар иштирок этадиган янги турнир ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди. Бир йил ўтиб, чемпионат Уругвайда ўтказилиши эълон қилинди. Шундай қилиб, 1930 йили 12 давлат терма жамоаси иштирокида биринчи Жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.

Жаҳон чемпионатига бағишланган бугунги мавзумизда футбол тўпи тарихи ва бугунги билан боғлиқ статистик маълумотларга тўхталиб ўтмоқчимиз.


1930 йилдан 1951 йилгача боғичли тўплардан фойдаланилган. Тўплар турли ўлчамларда бўлганлиги сабабли муаммолар пайдо бўлиб турган.



60-йиллар бошида биринчи синтетик тўп ишлаб чиқарилди. Унинг чарм тўпга нисбатан устунлиги — чидамли ва сувни кам ўтказиши эди.



1966 йил 1 январдан футбол тўпларини стандартлашга қарор қилинди. Масалан, тўпнинг оғирлиги 420-445 грамм атрофида бўлиши керак бўлган. Шунингдек, сферик шаклига, сув ўтказишига, сакранига ҳам эътибор берилган.



Telstar — оқ-қора рангдаги тўп. Унинг ранги оқ-қора телевизорларда кўриш учун анча қулайлик туғдирган (номи ҳам шундан келиб чиққан — «Телеюдуз»).



Ўтган чемпионатни безаб берган тўп янгиланган ҳолда тақдим этилди. Рангида бир оз ўзгаришлар киритилди. Бу тўп Telstar Durlast дея номланди.



Tango тўпининг яратилиши расмий тўпни ишлаб чиқаришда туб бурилиш ясади. Tango ўзининг бежиримлиги, ва кўримлилиги билан аввалги тўплардан анча ажралиб туради. Тўп сув ўтказмаслик борасида ҳам афзалликларга эга эди.



Tango Espana — бу тўпда чармдан ташқари полиуретан ҳам ишлатилди. Чоклари сувни ҳайдайдиган махсус таркиб билан шимдилди. Дизайнига бир оз ўзгариш киритилди.



Azteca — биринчи синтетик тўп. Ацтеклар (Мексика худудида ўз давлатига эга бўлган қадимги ҳинд халқи). Тўп янада чидамли ва сув ўтказмайди-ган қилиб тайёрланди.



Бу сафар «Алдас» вакиллари эрализгача бўлган 700 йилдан 100 йилларгача Италия худудида яшаган сирли этруслар илҳомланганди. Etrusco дея ном олган ва учта шер боши билан безатилган янги тўпнинг ички қисмига қора полиуретан кўпиги суриб чиқилди. Натижада тўп умуман сув ўтказмайди-ган бўлди.



Questra — биринчи пенополиуретанли тўп. Футболчилар учун анча қулайликлар туғдирди. Дизайнида рамзий самовий кўринишлар акс эттирилган.




Tricolore — «Учрангли» дея номланган бу тўпнинг чидамлилиги янада кучайтирилди. Ялғироқ қатлам билан қопланганлиги сабабли кўриниши ҳам ўзгача.



Кўриниши ўзгартирилган, аммо аввалгисидан унчалик фарқ қилмайди.



Жорий йилги чемпионат тўпи Teamgeist — «Жамоавий руҳ» номини олди. Тошоша қилинг ва ўзингиз баҳо беринг. Дарҳақиқат, жуда чиройли ва бежирим тўп. Эътиборли жиҳати, барча ўйинларда оқ-қора рангдаги тўплардан фойдаланилади. Фақатгина финал учрашувига зарҳал чиқишлар билан безатилган тўп тақдим этилади.



ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ-2006 GERMANY. 9 ИЮНЬ — 9 ИЮЛЬ



1/8 ФИНАЛ			
№1 24 июнь	20:00	Германия — Швеция	2:0
№2	24:00	Аргентина — Мексика	2:1
№3 25 июнь	20:00	Англия — Эквадор	1:0
№4	24:00	Португалия — Голландия	1:0
№5 26 июнь	20:00	Италия — Австралия	1:0
№6	24:00	Швейцария — Украина	0:3
№7 27 июнь	20:00	Бразилия — Гана	3:0
№8	24:00	Испания — Франция	1:3
1/4 ФИНАЛ			
A 30 июнь	20:00	Германия — Аргентина	..
B	24:00	Италия — Украина	..
C 1 июль	20:00	Англия — Португалия	..
D	24:00	Бразилия — Франция	..
1/2 ФИНАЛ			
4 июль	24:00	A голиби — B голиби	..
5 июль	24:00	C голиби — D голиби	..
3-УРИН УЧУН			
8 июль	24:00	A-B маълуми — C-D маълуми	..
ФИНАЛ			
9 июль	23:00	A-B голиби — C-D голиби	..



САЛОМАТЛИК

РЕЦЕПТЛАР + МУТАХАССИС ФИКРЛАРИ + ТАВСИЯЛАР

Химолай ва ҳиндикуш тоғлари ўрталлигидаги водийда буришк халқи яшайди. Уларнинг асосий қисми 90-100 йил умр кўради. Сабаби, ҳар бир оила дастурхонида доимо ўрик ёки туршак бўлади.

Олимлар ўрикнинг ёшини олтининг йил деб тахмин қилишади. Қадим-қадимдан бугдой, арпа, зайтун, узум, хурмолар қаторида ўрик ҳам тилга олинади. Унинг меваларида қанд, органик кислоталар жуда кўп. Шу билан бирга А, В₁, В₂, В₅, С, Р, К, Н, Е сингари дармондорилар мавжуд. Бу дармондорилар кишининг бир кеча-кундузлик эҳтиёжини таъминлайди. Бу эса қон яратиш жараёнига 250 гр миқдоридagi янги жигарни истеъмол қилганчаллик таъсир этади. Ўрик меваси пангомат кислотаси — В₁₅ дармондорининг бирдан-бир

Юртдошларимиздан бири чет эл сафаридида бўлганида, кутилмаганда саломатлиги ёмонлашиб, дорихонага кирибди. Унга қоғозга ўралган 4 дона туршакни тавсия қилишибди. Бундан юртдошимиз жуда ҳайратланибди. Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ деганларидек, ўрикнинг ҳамма турлари ўсадиган, боғларимиз кўрки бўлган бу меванинг хусусиятларига кўпчилик эътибор бермайди, билмайди ҳам.

манбаидир. Уни қон-томир касалликларида, камқонликда, юқори нафас йўлларида яллиғланиши, нефрит, меъда бузилишида фойдаланиш тавсия этилади. Хитой табобатида ҳароратни туширувчи, балғам кўчирувчи, таом хазмини маромига келтирувчи, енгил сурги сифатида ҳам кенг қўллаб келинади.

Ўрикнинг мағзида мойли жавҳарлар бисёр. Бу

мойли жавҳарлар киши вужудидаги холестеринни чиқариб ташлашда наф беради. Майдаланган данак пўчоғи оғир касалликлар, захарланишларда, доривор тайёрлашда қўлланиладиган нодир хом ашё ҳисобланади. Бобларимиз захарланган молларни ивйитилган туршак

билан даволаганлар. Узоқ сафарга отланганлар туршак, майиз, ёнғоқ мағизларини аралаштирган ҳолда махсус халтачаларда олиб юришган. Бу тоғимли аралашма инсонни тўқ тутати, тетиклаштиради, ҳорғинликдан сақлайди. Кўзнинг илғаш хусусиятини яхшилайд.

Тиббиёт илмининг султони Абу Али ибн Сино шундай ёзади: «... Ўрик меъда учун шафтолидан кўра мувофиқ-

нисбатан туршаги (қоқиси) яхшироқ ҳисобланади. Ўрик тикилмаларни очади, қаттиқ шиларни юмшатади, оғиздаги ноҳуши хидни йўқотади.

Халқ табобатида юрак оғриганда, қон босими юқори бўлганида ўрик

мағзидан чой дамлаб ичиш тавсия этилади. Ҳомилалар, туққан аёлларга туршак, баргак истеъмол қилиш буюрилади. Баргакнинг тоза

асал билан янчилгани кўз қувватини оширади. Сарҳил ўрик парҳез таом сифатида гипо ва авитаминоз билан оғриган болаларга тавсия этилади. Киши йилига 3 килога яқин ўрик ва ўрик маҳсулотларидан баҳраманд бўлиб туриши керак. Шунда аъзои-тана соғлом бўлади. Зиқнафас азобидан ҳоли бўлишига эм бўлади, юқумли хасталикларга нисбатан бардошли бўлишини таъминлайди.

роқдир... Туршак суви ташналикни қондиради. Совуқ мижозли кишилар эса ўрикни тоза асал билан ейишлари керак... Ивйитилган туршак иситмаларга фойда қилади».

Ўрикнинг елими меъда (ошқозон)-ичак фаолиятини яхшилайд.

Елим таркибида галактоза, глюкрон кислотаси, арбиноза, оқсил, микромаъданлар сақланади. Ўрикнинг сархиллигига

асал билан янчилгани кўз қувватини оширади. Сарҳил ўрик парҳез таом сифатида гипо ва авитаминоз билан оғриган болаларга тавсия этилади. Киши йилига 3 килога яқин ўрик ва ўрик маҳсулотларидан баҳраманд бўлиб туриши керак. Шунда аъзои-тана соғлом бўлади. Зиқнафас азобидан ҳоли бўлишига эм бўлади, юқумли хасталикларга нисбатан бардошли бўлишини таъминлайди.



ОФТОБ УРИШ

ВА ИССИҚЛИК ТАЪСИРИДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТАДБИРЛАРИ

Охириги 20 йил ичида ер юзининг глобал исийи республикамизда ҳам иқлим шароитларининг билинарли даражага ўзгаришига сабаб бўляпти. Оқибатда ёз одамидигидан иссиқроқ, қиш эса совуқроқ кечини кузатиламоқда. Техника тараққиётининг жадаллашуви, инсоннинг она табиатни жиловлаш мақсадида қилган ишлари натижасида экологик биобалансини ўзгаришига олиб келмоқда. Бунинг натижасида кўёш таркибидиги инфрақизил нурларни тобора кўпроқ ажралиб чиқини кунларни билинарли даражада исиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Ундан ташқари завод, фабрика, автотранспортлардан атмосферага чиқарилаётган захарли моддалар, оғир металл газлар атроф-муҳитни зарарляпти. Шаҳарларимизда иссиқликни кўп қабул қилувчи бетон-монолит қурилиш материалдан барпо қилинаётган иншоотларнинг кўпайиши ҳам иссиқлик даражасини ортишига сабаб бўлмоқда. Кунларнинг тобора исиб бориши инсон организмидида сув-туз, модда алмашинуви тезлашишига олиб келяпти. Сув-туз балансини меъёрада ушлаб туриш инсон саломатлигини ҳимоялашда муҳим аҳамиятга эга. Уни минералларга бойитилган сувлар, наъматак дамламаси, мевалар шарбати, компот ва кўк чой истеъмол қилиш орқали амалга оширилади.

Июль-август ойлари ёзнинг энг иссиқ даврлари ҳисобланади. Ҳаво ҳарорати 40 даражадан ошганда офтоб уриш ҳоллари юзага келади. Айниқса, кундузги соат 11.00 дан 18.00гача бўлган даврда инфрақизил нурларини ерга тушиши кучаяди. Чошгоҳ вақтида, ҳаво намлиги пасайиб (меъёрада 50-60 фойз), ҳаро-

рат юқори даражага етганда кўёш нури остида ҳеч қандай ҳимоя воситаларисиз юриш оқибатида офтоб уриш ҳолатлари кузатилади. Бу асосан иммунитетни сусайган, камқон, асмастик беморлар ва соғлиғида бошқа нуқсонлари бўлган, жисмоний чиниқмаган кишиларда, кўпроқ болаларда кузатилади. Офтоб урганда ва иссиқлик таъсир қилганда инсонда ҳолсеизланиш, чанқаш, бош айланиш, кўнгил айнаш, қайт қилиш, ич кетиш, сувсизланиш, нафас олиш тезлашиши, ҳушдан кетиш ҳоллари рўй беради ва ҳаттоки ўлимга ҳам олиб келиши мумкин. Офтоб урганда кишини салқин жойга кўчириб ўтиш, енгил елпиш, озгина сув бериш, имкон бўлса юрак фаолиятини яхшиловчи шифобахш ўтларидан тайёрланган томчи дори берилиши ва албатта тез ёрдам чақирилиши зарур.

Ёз ойларида иссиқликни қайтариш, кўёшнинг зарарли таъсир этувчи нурларидан ҳимояланишда ҳаво ўтказувчанлиги юқори бўлган, табиий матолардан тикилган оқ рангдаги бош ва устки кийимлари кийилиши, соябонлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Киши имкон даражада ёз ойларида табиатнинг сўлим, салқин жойларида саломатлигини тиклаб, танасини чиниқтириши соғлиқ учун фойдалидир. Айниқса, бу юрак — қонтомир ва нафас йўллари аъзоларида нуқсонлари бўлган инсонларга кўпроқ тавсия этилади.

Ички ишлар тизимларида хизмат қилаётган шахсий таркибни офтоб уришдан ҳимоялашда қулай меҳнат ва дам олиш шароитини яратишда куйидаги чора-тадбирлар қўлланилиши мақсадга мувофиқдир:

— постлардаги (ЙХХ, ҳарбий қисмлар, жазони ижро этиш муассасалари) металлдан ясалган соябонларда иссиқлик икки барабар ошиб кетишини инobatга олиб, кўёш нурига қайтариш мақсадида постлардаги соябонларни ички томонидан иссиқлик ютувчи материаллар (ёғоч, пўкак, намат) билан қопланиши, имкон бор жойларда совитувчи мосламалар ўрнатиш;

— хизмат ўташ жойларида махсус сизимларда қайнатилган сув (ички имкониятлардан келиб чиққан ҳолда янтоқ, наъматак дамламаси) билан таъминлашни ташкиллаштириш, ҳамда барча ходимларни шахсий сувдонлар билан таъминлаш;

— куннинг иссиқ вақтида организмнинг физиологик терлаши ва тер билан биргаликда сезиларли даражада суюқлик ажралиши, йўқотилган минерал тузларининг ўрнини тўлдирини мақсадида ходим ва ҳарбий хизматчиларни витаминга бой бўлган маҳсулотлар билан таъминлаш;

— муҳим объектларни қўриқлашга жалб қилинган ҳарбий хизматчиларни куннинг энг иссиқ вақтида (айниқса соат 12.00дан 18.00 гача бўлган даврда) хизмат ўташ вақтини қисқартириш;

— тез ва осон бузилувчи озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш ва тарқатиш тартибига риоя қилинишини қаттиқ назоратга олиш.

Зарарли кўёш нурлари инсон терисини қуритади, пигментли доғлар ҳосил қилади, умумий ва шахсий гигиена қоида ҳамда талабларига риоя қилинмаса ўткир юқумли ичак касалликлари билан касалланиш хавфи ошади.

Д. Тўрназаров,
полковник.

ЎРИК ШАРБАТИ

Қанд касаллигига чалинганлар чой ўрнида кўп ичишлари мумкин.

Аввало кўзнинг қувватини ошириб, уни шамоллашдан асрайди, кўриш қобилиятини кучайтиради.

Мия фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади. Киши онги, тафаккурини ўстиради.

Бўғни ҳаракатлари (бўйин, тирсак, тизза), умуман танадаги эгиладиган, букиладиган қисмлар фаолиятини яхшилайд. Яъни, бу жойларда ҳар турли хилтлар, тузлар йиғилишидан сақлайди.

Жигар, талоқдаги қонни тозалашда аҳамияти катта. Қон рангини мўъталлашда, яъни эритроцитларни ишлаб чиқишда қизил лавлага билан тенгдир.

Нафас йўли шамоллаши, аиниқса, ўпка касалликларидида чой ўрнида ичилса ўпка тўқималарини тиклашга хизмат қилади. Бошқача айтганда, шолғом ўрнини босади.

ЯНА ШУНИ ЭСДА ТУТИШ ЛОЗИМКИ...

Ўрик ва қора кишишидан омухта қилиб мунтазам истеъмол қилсангиз, юрагингиз қувватланади, ишлаш қобилияти ортади.

Наркинсон хасталигини даволашда асосий ўринда туради. Уни кўп истеъмол қилган кишилар бу касалликка умуман чалинмасликлари мумкин.

Янги барги тишларни тозалашда, тиш оғриғида ва стоматитда қўлланилади.

Елими гастрит, меъда (ошқозон) яраси хасталиғида наф беради. Тери ярасида, ёрилганда, куйганда малҳам бўла олади.

Балғам кўчириб, йўталдан халос этади.

Ўрик мевасини наҳорга истеъмол қилиб бўлмайди. Янги мевасини еб, устидан совуқ сув ичиш ман этилади, ичкетарга мубтало қилиши мумкин. Ўткир гастритда, ошқозон ярасида ўрик мевасининг янгилиғида истеъмол қилиш тавсия этилмайди. Қуритилган ўрик меваси қандли диабетга чалинган беморга буюрилмайди. Ўрикнинг ноҳўя таъсирини шивит (укроп) суви билан бартараф этилади.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,
доришунос.

— Тама билан пора ўртаси бир қадам, изоҳли ва ҳуқуқий луғатларда бу аниқ ифодаланган, — дейди Навоий вилоят прокуратураси иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш бўлими алоҳида мухим ишлар бўйича катта терговчиси Ата-улла Рахимов.

— Суҳбатимиз шу мавзуда кечар экан, халқимиз юз бир чигирмадан ўтказиб айтган бир ҳикматни эсламоқчиман. Ёлгон гапирмайдиган, хато қилмайдиган, адашмайдиганлар камдан-кам, аммо, истасанг, ёнингда ҳамшиша соф виждонли, ноёб фазилатли кишилар топилади. Демак, инсон ўз тақдирини, ҳаёт тарзини яхшилик томон буришга, маънавий-ахлоқий тартиб-қоидаларга амал қилиб яшашга қодир.

— Демокчисизки, киши бошига тушадиган яхши-ёмон кунларга кўпинча ўзи сабабчи. Шунинг учун ҳам яхшиликни, аввало, ўзингдан изла, деб бежиз айтишмаган. Бугунги кунимиз ҳар биримиздан ҳушёрликни, ватанпарварликни, замон билан тенг қадам ташлаб, узоқ йиллар орзу қилиб, қон тўкиб эришилган мустақиллигимиз моҳиятини тўғри англаш, бошқаларга ҳам етказишни талаб қилади. Бу ҳар бир фуқаронинг чин виждон иши, бурчидир. Бугун ким қаерда ишласин, ўқимасин ёки хизмат қилмасин, ўз меҳнат жамоасида, ўз ўрнида, оиласида бунга алоҳида эътибор бериши шарт, деб ўйлайман.

— Мустақилликни қўлга киритганимиздан сўнг нафақат турмуш тарзимиз, ижтимоий ҳаётда, балки онгимизда ҳам ислоҳот жараёни кечмоқда, шундай эмасми?

— Албатта, ҳар қандай ислоҳот биринчи навбатда онгимизда акс-садо берганидагина самараси таъсирли кечади. Бу ҳақда гапирганда кўплай мисоллар, қўлга киритилган ютуқларни эсласак арзийди. Халқимиз ҳаётида шундай юксак тарихий ўзгаришлар даври бошланган, давом этаётган муҳим бир жабҳада баъзи бир ношукр, ислоҳотларга билиб-билмай тўғаноқ бўлаётганлар ҳам топилади.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги соҳасида туб ўзгаришлар даври бошланганига анча бўлди. Жойларда фермерлик ҳаракати жонланиб, сезиларли натижаларга эришиляпти. Бу борада хориж тажрибаси-

ни ўрганиб, амалда жорий этаётган фермерлар кўпаймоқда. Буларни Президентимизнинг ташаббуси билан бошланган ислоҳотлар сама-

раси, фермерликни қўллаб чиқарган қарорлар ва фармонларнинг ижроси сифатида баҳоламоқ лозим. Шунга қарамай Юртбошимизнинг «Ер ажратиш ва фермерларни танлаш ишлари ошқора, адолатли тарзда ва қатъий танлов, тендер асосида ўтказилиши, бунда маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик ва порахўрлик ҳолларига кескин барҳам бериш лозим», деган зарур талабларини эшитмаган, билмаганга олиб, ўз нафси йўлида қонунни четлаб ўтишга уринаётган мутасаддиларга нима дейишга ҳам ҳайронсан.

Мисол тариқасида Навбахор тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Юнус Жўраевнинг хатти-ҳаракатини қонуний изоҳлайлик. У Йўлдош Охунбобоев номидаги ширкат хўжалигини фермер хўжалигига айлантириш чоғида тендер (27 контур)да голиб чиққан фуқаро Нодири Жўраевдан қонунга хилоф тарзда тамагирлик йўли билан 200.000 сўм пулни пора тариқасида беришни талаб қилиб, ундан ўз хизмат хонасида 100.000 сўм олганида воқеа жойида далилий ашё билан қўлга олинди. Воқеа тафсилоти ҳақида янада аниқроқ айтсам, Нодири Жўраева тендерда қонуний йўл билан голиб бўлган. Ер олиш учун у ҳеч кимнинг ёрдамига муҳтож эмас.

Аксарият ҳолларда ширкат хўжаликларини фермер хўжа-

ликларига айлантириш бўйича тузилган (қайта ташкил этиш) комиссияси раиси вазифаси туман ҳокимининг биринчи ўринбосари зиммасига юклатилади. Масъулиятли, ўта муҳим вазифа бу. Чунки ер оламан, фермер бўламан, деб орзу қилиб, тайёргарлик кўриб юрган талабгорлар оз эмас. Тендер танловида фирибгарликлар, сохта ҳужжатлар топшириш, таниш-билишчилик, ҳатто пора бериб ютиб чиқаётганлар ҳам учраб турибди.

маган бир киши ҳақида қетганида бошқа эди. Лекин гап давлатимиз раҳбари қўйган талаблар, қонуний мезонлар ҳақида бораёпти. Таниш-билишчилик, фирибгарлик, пора аралаштириб олинган ер бугун бўлмаса, эртага эгасига қайтарилади. Бу аниқ, ҳеч шубҳаланмаса ҳам бўлади...

Яна воқеага қайтайлик. Ҳокимнинг биринчи ўринбосаридек масъул вазифага ўз-ўзидан, тасодифий келиб қўлиш ҳоллари камдан-кам учрайди. Бунгача Юнус Жўра-

муаммо, қай бир мушкул ишни битказди, деган саволлар туғилади. Тендерда голиб чиққан Нодири Жўраева судда бу саволларга жавоб тарзида аниқ кўрсатма берди: «Ҳужатларни тайёрлаш учун Юнус Жўраевнинг қабулига жуда кўп қатнадим. У эса ҳар гал турли баҳоналар билан қайтараверди. Бошим сарсонгарчиликдан чиқмади, чарчадим. Аммо умид билан бошлаган ишимни ярим йўлда ташлаб қўйгим келмади. Ниҳоят фермер хўжалиги тузиш ҳақида туман ҳокимининг қарори чиқди. Энди ушбу қарорни вилоят ҳокими тасдиқлаши керак эди. Ҳужжатлар вилоятга юборилгач, Юнус Жўраевнинг ҳузурига қатнай бошладим. У эса «Вилоят ҳокимлигига қуруқ қўл билан бораманми, 200.000 сўм олиб келинг, бусиз ишингиз битмайди» деди. Мен ёнимда бўлган 20.000 минг сўмни ҳозирча олиб туриб, қолганини кейинчалик бераман, дедим. Кўнмади. Бошқа иложим қолмагач, эртасига юз минг сўм олиб келаман, деганимда у майли, тезлаштириб, деб рози бўлди»...

Энди ўзингиз ўйланг. Кимдир фермер бўламан деб ҳужжатлар тайёрласа, тендерда голиб чиқса, бу ҳақда туман ҳокимининг қарори ҳам чиқсаю, тасдиғини вилоят ҳокимидан сўраш, ҳужжатларни расмийлаштириш учун Юнус Жўраев пора талаб қилса?

Кармана туман суди юқоридаги иш бўйича ўз ҳукмини эълон қилди, айбдор қонуний жазоланди. Нодири Жўраевнинг сарсонгарчилигига чек қўйилди. У ўзининг фермер хўжалигига эга бўлди. Лекин бизни, кўпчиликни масаланинг ҳуқуқий томони эмас, бошқа жиҳатлари жиддий ўйга толдиради. Бир йигит қирқ йилда вояга етади, деган гап бор. Киши ўзи ҳақида қайғурмаса, қадамини ўйлаб босмаса, ҳаракатлари, гап-сўзини оқиллик билан бошқармаса оқибатини кўриб турибсиз.

— Назаримда биз жуда масъулиятли, тарихий онларнинг гувоҳи, иштирокчиси сифатида яшаб, Ватанга озми-кўпми хизмат қилаётганимиздан фахрланишимиз керак.

— Албатта. Бутун ҳар биримизнинг фидоилигимиз, Ватанга садоқатимиз синовдан ўтадиган, асқотадиган пайт. Бунинг унутмаслик керак. Имони бутун одам ҳеч қачон пананга ўтмайди, виждонини сотмайди. Ҳамиша ўз бурчига, масъулиятига содиқ қолади.

— Раҳмат, ўйлайманки, биз яна шундай мулоқотларни давом эттирамиз.

Ражаббой РАУПОВ
суҳбатлашди.

ТАМА



— Шу ўринда сўзингизни бўлганим учун узр сўрайман. Ушбу мавзу ҳақида озми-кўпми ўрганиб ёзганим учун ҳам айта оламанки, тендер танловида хатоларга, айнан муҳтарам Президентимиз олдиндан сезиб, билиб айтганларидек ошна-оғайнигарчилик, порахўрликка йўл қўйилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Ҳатто бировнинг помидан голибликни қўлга киритиб, биров муддат ўтгач, ерга бутунлай бошқа киши эгаллик қилаётганлар ҳам йўқ эмас.

— Биласизми, бундайлар ер меники бўлди, ҳеч ким билмайди, билса ҳам қўлидан ҳеч нарса келмайди, қабилида иш юритиб катта хатоликка йўл қўймоқдалар, қонунни бузаяптилар.

Гап ерга талабгор бўлган, оқибатда эса «қўли узун» фирибгарга вақтинча бас келол-

ев анча-мунча тажрибага эгаллиги, меҳнат қилганлиги, хуллас, шу лавозимга муносиблигини эътироф этмаслик инсофдан эмас. Лекин у кейинги хатти-ҳаракати билан ўзини ўзи фаш этди, дейишга асос бор. Раҳбармисан, ўн киши, беш кишига бошмисан, аввало, инсофни унутма, ўзингни раҳбар деган рутбага муносиб тут. Юнус Жўраевнинг фаолиятига шу нуқтаи назардан қарасангиз, у халқимиз фаровонлиги учун чиқарилаётган барча қарорлар, фармонларни ҳаётга татбиқ қилиш учун масъул шахс. У нима қилди? Ўзига ишониб топширилган вазифани суистеъмол қилиб, хизмат мавқеидан фойдаланиб, тамагирлик йўли билан жиноят содир этди.

Ҳокимнинг биринчи ўринбосари Юнус Жўраев нега пора олди, бу ниманинг эвазига, қайси хизмати, қай бир

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби истеъфодаги полковник Маҳмуд ҲАЙИТОВ нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилди.	Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЖК ва ТҚКББ раҳбарияти ва шахсий таркиби Терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлигининг ўринбосари, майор Т. Нурмухамедовга отаси, ички ишлар идораларининг фахрийси Анвар НУРМУХАМЕДОВ нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.	Самарқанд вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби вилоят ИИБ хўжалик бўлимига бевосита бўйсинувчи бўлинмалар марказлашган бухгалтерия бош ҳисобчиси ўринбосари, майор Зоҳид НОРМУРОДОВ нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этадилар.	Хоразм вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби вилоят ИИБ бошлигининг шахсий таркиб бўйича ўринбосари, подполковник Б. Раҳимовга волида муҳтарамаси ЗУЛАЙҲО аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.	Хоразм вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби вилоят ИИБ ШТБХ ходими, подполковник И. Отасевга волида муҳтарамаси БЕКАЖОН аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.	Сурхондарё вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма назорат ва тафтиш инспекцияси бошлиғи, майор Ф. Қуртқличевга укаси Йўлдош нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.	Қашқадарё вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши Яқкабоғ тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари, майор С. Шукуровга онаси САОДАТ аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.	Республика ИИБ ШТБХ раҳбарияти ва шахсий таркиби Хоразм вилояти ИИБ бошлигининг ўринбосари, подполковник Б. Раҳимовга онаси ЗУЛАЙҲО аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.
---	---	---	--	---	---	--	---

МАРҲУМЛАРНИНГ ЯҚИНЛАРИГА АЛЛОҲ САБР БЕРСИН

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАРКАН

БОБОСНИНГ ҚИЛГАН ИШИ

Кўчқор ака тегирмондан олиб келган гуручини айвончада қолдириб, кечки овқатга ўтирди. Кун бўйи рўзғор ташвишлари билан чарчаган эканми, овқатни зўр-базўр еб, уйкуга кетди. Эрта тонгда уйғониб қараса, айвончада турган гуруч жойида йўқ.

— Ким олган бўлиши мумкин? — ҳайрон бўлганича хотинидан сўради Кўчқор ака.

— Билмасам, — елка қисди Гулноз опа.

Кўчқор аканинг боши қотди. Илгари ҳам ярим қоп гуручи, тухум бераётган тўртта товуги, шалоғи чиққан бўлса-да эски велосипеди ғойиб бўлганди. Энди эса паловхонтўрани сайратиб юборадиган бир қоп элита гуручи йўқ. Энг ачинарлиси, ўша гуручдан ҳали бирон маротаба ҳам палов қилишмаганди. Кўчқор ака бўлган воқеани туман ички ишлар бўлимига бориб айтмоқчи бўлди-ю, яна андиша қилди. Ахир, кимдан гумон қилсин? Ён-атрофида бегона киши яшамаса. Қўни-қўшнилар билан оғайни бўлиб кетишган. Лекин қандай бўлмасин, гуруч ўгрисини топиш керак! У бироз ўйланиб турди-да, хотинига ўтирилди:

— Гуруч ўғирланганини ҳеч кимга айтма!

— Нега? — сўради ҳайрон бўлганча Гулноз опа.

— Бобом уруш даврида бир иш қилган экан. Биз ҳам шундай қиламиз. Ўғри албатта топилади.

— Бу ишдан ҳеч ким озор кўрмайдими? — сўради хавотирланганча Гулноз опа.

— Йўқ! — мийғида кулди Кўчқор ака. — Бу шундай беозор «операция»ки, ҳатто ўғри ҳам қандай тумшугидан илинганини билмай қолади...

Орадан уч кун ўтгач, айвончада турган бир қоп ун ҳам ғойиб бўлди. Буни кўрган Гулноз опа додлаб юборди.

— Овозингни ўчир! — деди Кўчқор ака уннинг ўғирланганидан суюниб. — Ўғри қопқонга тушди.

— Қани? — ён-атрофига аланглади Гулноз опа.


— Юр, кўрасан, — деди Кўчқор ака ва из олиб қўшниси Ўлжабойнинг уйига киришди. Қарашса, Кўчқор аканинг айвончасидан ўғирланган бир қоп ун ва гуруч турарди.

— Бобонгиз уруш даврида нима иш қилганди? — қизиқиб сўради Гулноз опа.

— Ун солинган қопни тешиб қўйган экан.

Гулноз опа ёқасини ушлаганча кулиб юборди.

Худойберган ЖАББОРОВ.



Газетамиз саҳифаларида реклама

ёки эълон беришни истайсизми?

Марҳамат!

Мурожаат

учун телефонлар:

139-73-88

139-75-37

Бизнинг электрон манзилимиз: urmvd@globalnet.uz



ВАФО ҲАЗРАТЛАРИ ВА ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ

Истамбулда, Сулаймония билан Шаҳзодобоши орасида Вафо Ҳазратларининг турбати — қабри бор.

Ўз замонасида буюк шухрат қозонган Вафо Ҳазратлари давлат одамларидан тортиб то энг оддий одамларгача меҳрибон эди.

Бир кун сақо (сув сотувчи) келиб Вафо Ҳазратларининг хузурида тиз чўкиб ўтирди. Сув сотувчининг маҳзун ва гамгин кўринишидан бир дарди борлиги билиниб турарди. Вафо Ҳазратлари сақодан сўради:

— Болам, бирор гам, дардинг борми?

— Йўқ, афандим, қандай айтаман, — деб жавоб берди сув сотувчи.

— Болам, гапиравер, уялма, дардингни айт, — деди Вафо Ҳазратлари.

— Ҳазрат, сизнинг фарзандингиз менинг мешларимни тешиди. Бугун олтинчи мешни жуволдиз (бигиз) билан тешиди. Биласиз, фақир одамман, нима қилишни билмай қолдим, — деди сақо.

— Хафа бўлма, болам! Мен бир чорасини топаман. Ҳозирча мана бу пудга меш сотиб ол. Мен ушбу хунук ишнинг сабабини билай, — деди Вафо Ҳазрат. Сувчи баттар сиқилиб, бўйинини эгиб чиқиб кетди. Вафо Ҳазратлари мулоҳаза қилиб, ўйлаб ўйига етмайди,

нега фарзанди бундай иш қилиб қўйди? Сўнг хотинини чақирди ва:

— Хоним, кел, бир мулоҳаза бор. Бизнинг ўғломимиз сув ташувчининг мешларини бигиз билан тешибди. Бу хунук иш нега содир бўлди? — деди.

— Сен олиб келасан, биз еймиз. Ҳаром нарса олиб келинса, сен олиб келасан, барча гуноҳ, айб сендадир, — деб жавоб берди хоним.

Вафо Ҳазратлари хотинининг феълини билгани учун: «Мен ўйлаб топа олмадим, хатоимни билмадим. Майли, сен ҳозир бор-да, яхшилаб ўйлаб кўр. Бу айб ё менда, ё сенда», деди.

Хоним Вафо Ҳазратлари хузуридан чиқиб кетди, бироздан сўнг қайтиб келди, ва:

— Ҳазрат! Менинг эсимга тушди, — деди ҳаяжонланиб. — Мен ўғломимизга ҳомила эканимда фалончи хонимларникига меҳмонга борган эдим. Ўшанда уларнинг уйида бир пўртахол (апелсин) кўрдим. Катта ёшдаги қария оналардан «агар ҳомиладор аёлни кўнгли бирор нар-

сани тусаса ва агар уни тоғиб кўрмаса, туғиладиган боласи бир ожизлик ила туғилади» деб эшитгандим. Мезбондан сўрашга тортиндим, айб ҳисобладим.

Боламнинг бирор аъзосига путур етмасин, деб кўрқиб, уй эгаси хонимдан бир пиёла сув сўрадим. У сувга чиқиб кетганида, ёқамдаги тўғноғични олиб хонтахта устидаги пўртахолга игнасини тикиб яладим, — деди.

— Офарин хоним! Мана ҳозир сенинг хатоинг маълум бўлди. Тез бориб ул хонимдан узр сўра, — деди Вафо Ҳазратлари.

— Вой, афандим, айб бўлмайдами, — эътироз билдирди хоним. — Унга нима дейман. Шу арзимас ишдан нима бўларди?

— Йўқ, хоним! Ул хонимдан бориб ҳалоллик тила! Аллоҳнинг олдида бировнинг ҳақини катта-кичиги бўлмайди. Биласанми, нима бўлди? Бизнинг фарзандимиз ҳозир олти ёшида. Ўша воқеадан сўнг 6-7 йил ўтгач, сенинг тўғноғичинг ўғлинг қўлида бигиз бўлди. У пўртахол эса сув сотувчининг меши бўлди. Сен қилган хунук иш давом этмоқда, — деб уқтирди Вафо Ҳазратлари.

«Ҳикматлар хазинаси» китобидан.

ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Олий мактаби томонидан 1992 йилда Насим Насырович Турсунов номига берилган ШВ серияли 271813 рақамли диплом йўқолгани учун

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Коммунал мулкчилик ва хусусийлаштириш Бош бошқармаси томонидан 1997 йил 30 июлда Турсинов Носим Носирович номига берилган уй-жойни шахсий мулк эканлигини тасдиқловчи 08-01/27839 рақамли Давлат далолатномаси йўқолгани учун

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Агар Сизга чет давлатда ишлашни таклиф қилиб, юқори маошни ваъда қилишса

АЛДАНИБ ҚОЛМАНГ!

Долзарб алоқа телефон рақамлари:

Тошкент	(371) 366-94-44
Андижон	(3742) 24-10-72
Бухоро	(36522) 3-27-80
Гулистон	(3672) 25-16-35
Жиззах	(37222) 6-02-70
Навоий	(43622) 3-49-40
Нукус	(36122) 2-91-98
Самарқанд	(3662) 33-58-84
Термиз	(37622) 7-27-71
Ургенч	(36222) 5-66-14

ҚУЛЛИККА РОЗИ БЎЛМАНГ!

Газетамизнинг азиз мухлислари!

Газетамизнинг яннала мазмуни ва ранг-баранг чиқишида сизнинг фикрларингизни билиш ниятидамиз. Таклифларингиз бўлса, марҳамат, бизга кўнгирак қилинг!



Ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари эса қуйидаги телефон орқали мурожаат қилишингиз мумкин:

(371) 139-70-40

Соат 9.00дан 21.00гача

ҲАДИСЛАР

● Сенда Тангрига ва Унинг расулига маъқул ва маҳбуб икки хислат бор: мулойимлик ва оғирлик.

● Судхўрлик гуноҳидан ҳам ашаддийроқ гуноҳ мўмин кишининг обрўсини ноҳақ тўкишидир.

● Икки кишининг бирга ўтириб қилган суҳбатидаги гаплари омонатдир. Суҳбат қурган кишилар Тангрининг омонати билан тарқагайлар. Суҳбатдошининг сирини фош қилиш таъқиқлангандир.

● Кишилар ўртасидаги низо ва муаммолар хусусида тўғри фикр берадиган ва одилона ҳукм чиқарадиганлар яхши одамлардир.

● Сабрлик мусибатнинг биринчи дақиқаларида билинади.

● Бахтли одам фитна-фасодлардан четлаб юрувчи ва мусибатга сабр қилувчи кишидир.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

Баш муҳаррир
Aziz ERNAZAROV

Баш муҳаррир о'ринбосари
Murod TILLAYEV
Mas'ul kotib Erkin SATTOROV

Navbatchi: Sadriiddin Shamsiddinov
Sahifalovchilar: Zokir Boltayev
Nikita Slavgorodskiy
Matn ko'chiruvchi: Gulnora Sodiqova

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart. Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar. Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Kelgusi sonda uchrashguncha xayrl!

MANZILIMIZ:
700029, Toshkent,
Yunus Rajabiy
ko'chasi, 1

TELEFONLAR:
Bosh muharrir o'rinbosari 132-24-60;
Kotibiyat 139-73-88. Faks 132-05-51
E-mail: urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami
20210000700447980001, MFO
00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik
investitsiyaviy tijorat bankining
Mirzo Ulug'bek bo'limi.

«O'zbekiston» nashriyot-
matbaa ijodiy uyi
bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Alisher
Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2003 yil 24 noyabrda 007 raqam bilan ro'yatga olingan. Buyurtma J-2565. Bosilish - ofset usulida. Hajmi - 6 bosma tobaq. 52194 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda - 180. Tashkilotlar uchun - 366. Bosishga topshirish vaqti - 23.00. Bosishga topshirildi - 23.00. © - Internet va xorijiy matbuot vositalari asosida tayyorlandi.